

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

ҚАЛАНДАРОВА ШАҲНОЗА ХОЛТЎРАЕВНА

**Ўсмир ёшдаги «Тарбияси қийин»болаларни тарбиялаш ва қайта
тарбиялаш муаммолари**

5А 140801“Ижтимоий педагогика” таълим йўналиши бўйича
магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори,
профессор: Б.О.Қодиров

Термиз - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ. «Тарбияси қийин» ўсмирларни тарбиялашнинг педагогик масалари.

I.1. Педагогик таълимотда «Тарбияси қийин» ўсмирлар муаммосининг ўрганилиш жараёни.....

I.2. Ўсмир шахси, унинг ривожланишининг ижтимоий муҳитга боғлиқлиги.....

I.3. “Тарбияси қийин” ўсмирнинг шаклланишида оиланинг ўрни.....

I-бобга хулоса.....

II-БОБ. «Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар.

II.1. Оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан ишлаш режалари.....

II. 2. Ижтимоий педагогик фаолиятда «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан ишлаш усуллари.....

II- бобга хулоса.....

III-БОБ. «Тарбияси қийин» ўқувчиларни қайта тарбиялаш буйича олиб
борилган тажриба синов ишлари
натижалари.....

Умумий хулоса ва тавсиялар.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик давлат барпо этишнинг алоҳида босқичини ўтамоқдаки, бу иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда туб босқичидир. Бу ҳолат алоҳида шахсларнинг замонавий жамиятга мослашувида ижтимоий мақомларини эгаллаш жараёнларини мураккаблашувига олиб келади. Шу боис бугун “Шахс ва давлат, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун ва шакл касб этиши, янги сифатлар, янги тамойиллар аосида қурилмоғи лозим”¹.

Шахснинг ахлоқий – маънавий ва ижтимоий тикланишига таъсир этувчи омиллар орасида оила етакчи ўринни тутди. Оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий институт фаолияти билан қиёслаб бўлмайди, зеро инсоннинг шаклланиши, ижтимоийлашуви оила аъзолари билан уйғунликда амалга ошади. Оила-репродуктив, тарбиявий, психотерапевтик вазифаларни бажаради. Оила ва унинг аъзолари шахс ривожланишига аввало, мақбул ахлоқий-психологик муҳит яратиш орқали таъсир этади.

Оила ижтимоийлашувнинг бош институти бўлиб, у орқали бола асосий ижтимоий билимларни, маънавий кўникма ва малакаларни эгаллайди, маълум қадрият ва идеалларни қабул қиладик, булар унга жамиятда яшаш учун зарур бўлади. Ҳозирда Ғарбий Европа ва Россияда оилавий муносабатларнинг инқирозга юз тутиши, оила мақомининг пасайиши эркак ва аёллар ижтимоий ролининг кескин алмашинуви, авлодлар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши кузатилмоқда. Бундай маънавий мезонларнинг йўқотилиши оммавий ассоциал ҳодисаларга, яъни демографик пасайишга

¹ Каримов И.А “Озод ва обод Ватан,эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”//Халқ сўзи, 2000 йил, 23 январь.

безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг ортишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда миллий қатламнинг ўзига хослиги, оналик ва болаликни олий қадрият саналиши бундай салбий жараёнларининг бир мунча олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бироқ, Ўзбекистонда ҳам ёшлар ва болалар тарбиясида ўзига хос муаммолар мавжуд. Бозор муносабатларига ўтиш ёшларнинг маънавий ва оилавий тарбиясини бир мунча мураккаблаштирди. Ёшларни савдо-сотиққа эрта жалб қилиш, баъзан ахлоқий тамойилларга зид кўриниш ҳосил қилиши, таълим мавқеини пасайиши, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг унутиши каби салбий сифатларни намоён бўлишига олиб келмоқда. Ўз ўрнида бу жараён педагоглар, психологлар, ижтимоий педагогларни фаолиятларни бирлаштиришни ва бу муаммоларни ечишни оиладан бошлаш кераклигини талаб этади.

Президентимиз И.А.Каримов "Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр - қимматини англайдиган иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз"² деб таъкидлаганларидек бугунги кунда "Таълим тўғрисидаги қонун" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" орқали шахс тарбиясига жиддий эътибор қаратилмоқда .

Тарбия узлуксиз жараён бўлиб инсон дунёга келишидан бошлаб то умрининг охиригача давом этиб боради. Бу жараён давомида атроф муҳитдаги воқеа - ҳодисаларнинг шахсга салбий ёки ижобий акс таъсир этиши унинг инсоний фазилатлари қай даражада шаклланганлигини

² “Баркамол авлод орзуси” Тошкент.: “Шарқ” нашриёти, 1999 йил.

белгилайди. Бугунги кунда таълим соҳаси олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳам айнан шу мақсадга қаратилган бўлиб келажак авлодни комил шахс сифатида шаклланишни таъминлашдан иборатдир.

Афсуски барча мамлакатларда бўлгани каби бизнинг ўсиб келаётган ёшларимиз орасида ҳам тарбияси қийин ва ноқобил фарзандлар мавжуд бўлиб уларнинг тарбиясига алоҳида" эътибор ва ёндашувни талаб этади.

Маълумки ёшларнинг маънавий - ахлоқий тарбияси билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, илмий - педагогик кадрлар шуғулланадилар. Тарбия жараёнида барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳатлиги таъминлансагина, у ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг шахси таълим, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Натижада у ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган вазифаларни бажаради, ижтимоий ролни ўзлаштириб олади, ўз қизиқиши, қобилиятини ижодий мулоҳаза қилиб кўради, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатга киришади ва шу тариқа шахснинг ижтимоийлашуви юз беради.

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш уларнинг ижтимоий тажриба асосий элементларини ўзлаштиришлари ҳисобига, уларни катта авлод ижтимоий муносабатларга, муносабатлар тизимига ва ижтимоий зарур фаолиятига жалб этишлари жараёни ва натижаси асосида амалга оширилади.

Қайта тарбиялаш жараёни худди тарбия жараёни каби, аввало, ўсмирнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, турли ғайри ижтимоий кўринишлар ва нуқсонларга олиб келган муайян шароитлар ҳамда номақул тарбия шароитларини ҳисобга олиш асосида қурилади. Шу сабабли педагогик амалиётнинг ҳар бир мураккаб ҳолати учун аниқ тавсия бериш қийин, амалда мумкин ҳам эмас, аммо тарбия профилактика ишининг мувофаққиятли

тажрибасини таҳлил қилиш ижтимоий-педагогик реабилитациянинг айрим умумий тамойилларин белгилаш имконини беради.

Ўсмирнинг ижобий сифатларига таяниш энг муҳим тамойилларидан биридир. Тарбиячининг тарбияси қийин ўсмирни қаттиқ қоралаши, у бари бир одам бўлмайди қабилида фикр билдиришига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ижтимоий – педагогик реабилитация мувофақиятини энг муҳим шарт тарбияси қийин ўсмирдаги ижобий сифатларни кўра билиш, уларга таяниш ва ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг ишининг мақсади:

Ўсмир ёшлар ҳаётида учрайдиган ижтимоий муаммоларни бартараф этишнинг самарали усул ва шакллари ишлаб чиқиш, жамиятга чиқиш жараёнларида амалий ёрдам шакллари тавсия қилиш.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

-Ўсмир шахсини таркиб топтиришга салбий таъсир этувчи ташқи омилларни аниқлаш;

-Ўсмир ёшлар ҳуқуқларининг бузилиши, ҳамда тарбиясининг қийинлашувига олиб келувчи сабабларни аниқлаш;

- Ўсмир ёшлар ҳуқуқидаги салбий нуқсонларни бартараф қилишнинг педагогик профилактик дастурини ишлаб чиқиш;

- Ўсмир ёшларнинг таълим муассасалари ва ундан ташқаридаги фаолиятларининг бандлик ҳолатини юзага келтирувчи турли хил йўналишдаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалда синаб кўриш.

Тадқиқот ишидаги муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Шарқ ва Ғарб қомусий олимлари таълимотида ҳам ахлоқий тарбия ҳамиша бош мавзу бўлиб келган. Жумладан Форобий “Ахлоқни ҳам жамият меҳнати яратади”³ - деб фикрларини асосласа Беруний “ахлоқ- одоб ”эгаси

³ Форобий “Фозил одамлар шахри” Т.”Фан” 1993йил 232-бет

бўлгувчи инсон аввало юриш-туриши , муомала маданияти , ҳаёт кечиришида оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклигини уқтиради.⁴

“Бола калби худди нақш сингари тахтага ўхшайди ва суръатларни осонликча ҳал қилади”⁵-деб уқтиради Давоний.

Замондош педагог ва психолог олимларимиздан Ғ.Шоумаров, М.Ғ.Давлетшин, О.Мусурмонова, Б.Қодиров, Н.Эгамбердиева Ш.Халиловалар ўзларининг жуда кўпгина илмий ишлари тарбияси қийин ўсмирлар , уларни қайта тарбиялаш чора-тадбирлари тўғрисида фаолият юритганлиги ушбу муаммо ҳамиша долзарб эканлигини билдиради. Шунга асосланиб биз ўз магистрлик диссертациямизда тарбияси қийин ўсмирларни қайта тарбиялаш муаммосига педагогик нуқтаи-назаридан ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Тадқиқот ишимизнинг илмий фарази:

- Агар оилада соғлом ва барқарор маънавий муҳит яратилса;
- Таълим - тарбия масканларида ўқувчи талаба шахси доимий диққат объектига айланса;
- Маҳалла ва жамоатчилик ўзларининг таълим - тарбиявий ишларини режали ташкил эта олсалар "Тарбияси қийин бола" термини ижтимоий ҳаётдаги жараёнда мавжуд бўлмайдиган деган умиддамиз.

Тадқиқот ишимизнинг предмети:

Таълим муассасаларида тарбияси қийин ўсмирлар билан олиб бориладиган ижтимоий - педагогик фаолият жараёнлари.

Тадқиқот ишимизнинг объекти:

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани 48 – умумий ўрта таълим мактабида

⁴ Беруний “Танланган асарлар”1-том Т.”Фан”1989йил 324-бет

⁵ Ж.Давоний “Ахлоқий Жалолий” Т.”Фан” 1991 йил 237-бет

таҳсил олувчи “Тарбияси қийин” ўқувчилар.

Тадқиқот ишимизнинг усуллари:

Педагогик тадқиқотнинг кузатиш, сўров, синов - тажриба, “Тугалланмаган жумлалар” методикаси, “Ижтимоий – психологик мослашганлик” сўровномаси, математик статистик таҳлил усулларидан фойдаландик.

Тадқиқот ишимизнинг янгилиги:

Олиб борган кузатишимиз шуни кўрсатдики, Сурхондарё шароитида ўсмир ёшлар ҳуқидаги нуқсонли жараёнларни бартараф этиш педагогик муаммо сифатида илк илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилаётганлигидадир.

Тадқиқот ишимизнинг амалий аҳамияти:

Тажриба - синов натижасида самарали натижага эришилган тарбиявий тадбирлар, яқка тартибдаги “Педагогик тузатиш” дастурларидан ўқувчи-ўсмирлар таълим - тарбияси билан шуғулланадиган барча кишиларга ёрдам беради, ҳамда ўрганилган адабиётлар ўтказилган тадқиқот натижаларини нафақат мактаб амалиётига балки, коллеж академик лицейларда таълим тарбия олаётган ўқувчи-ёшлар фаолиятида қўллаш, уларда тарбияси қийинликни келтириб чиқарувчи омилларнинг олди олинган бўлади.

Тадқиқот ишимизнинг назарий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларидан олинган статистик маълумотлар педагогиканинг барча соҳаларини аниқса, ижтимоий педагогикани назарий маълумотлар билан бойитишга таъсир кўрсатади.

Тадқиқот ишимизнинг методологик асослари:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунлари, ДТС, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шарқ мутафаккирларининг фикрлари, президент И.А.Каримов асарлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий-тадқиқот

ишлари бўйича илмий услубий ишлар ва методикалар ташкил этади.

Ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар:

- Ўсмир ёшдаги тарбияси қийин болаларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг вазифалари ва имкониятлари;
- “Тарбияси қийин” ўсмирларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг модели.
- «Тарбияси қийин» ўсмирлар муаммосига дуч келмасликларининг олдини олиш учун ота-оналарга методик тавсиялар;
- “Тарбияси қийин” ўсмирларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг педагогик тамойиллари ишлаб чиқилиб, синов ўтказилганлиги, уни амалга ошириш методикаси;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Тадқиқот ишидаги назарий ғоялар умумий ўрта таълим мактабларидаги олиб бориладиган тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жараёни, олий таълим бўйича бакалавриат битирувчи талабаларнинг 2 та битирув малакавий ишларида тадбиқ этилди. Умумий ўрта таълим мактабларидаги “Тарбияси қийин” болалар учун “Тугалланмаган жумлалар” методикаси, “Ижтимоий психологик мослашганлик” сўровномаси таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:

Тадқиқот ишининг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп этилган ушбу тадқиқот мавзусига оид иккита илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми

Тадқиқот ишимиз кириш қисми, уч боб, бешта параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. «Тарбияси қийин» ўсмирларни тарбиялашнинг педагогик масалари.

I.1. Педагогик таълимотларда «Тарбияси қийин» ўсмирлар муаммосининг ўрганилиш жараёни.

Тарбияси қийин болалар!? Ҳаммага маълум бўлган ва афсуски, аллақачон кўникиб кетилган бу атама ортида нималар туради? Ўқитувчи учун –синфдошларига ёмон таъсир кўрсатувчи норасмий, болалар боғчаси тарбиячиси учун эса- хархашали, инжиқ, тиниб-тинчимас бола. Ота-оналар учунчи? Ҳар қайсиси учун у ўзгача маъно касб этади. Ота-оналар тушунчасидаги “қийин” боланинг мумкин бўлган барча вариантларини айтиб ўтиш фойдасиз, чунки ҳар қандай бола ҳам табиатан “қийин” бўлиши мумкин.

Одатда ҳамма болалар ҳам туғилган вақтларидаёқ ота-оналарига маълум бир қийинчиликларни келтирадилар. Аммо баъзилари учун муаммо бўлган нарсалар бошқаларга ҳеч қандай қийинчилик келтирмайди ва у кўпгина сабабларга боғлиқ. Болага нисбатан ота-оналарнинг тутган йўли, оиладаги қадриятлар тизими, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бор ёки йўқлиги, шунингдек, бошқа кўпгина нарсалар болани тарбиялаш жараёнида муқаррар равишда пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф этиш малакасини белгилаб беради. Шубҳасиз, болалар бир-бирига ўхшамайди. Бу табиий ҳол. Лекин кўпинча катталар буни унутиб қўядилар, ўзларича қандай умумий тавсиялардан ёрдам олишга мойил бўладилар ва бунда: “бола бажариш керак”, “болага мумкин эмас” каби сўзларни ишлатадилар. Бу эса хато. Бола аввал бошданок ҳеч нарсани бажаришга мажбур эмас, унга ҳеч нарсаси жоиз ҳам эмас. Аксинча, катталар унинг меъёрида ривожланиши учун шароит яратишлари, уни кишилар орасида яшашга ўргатишлари, уларнинг ҳис-туйғуларини, хоҳиш-истакларини ва

ишларини тушунишлари лозим. Вақт ўтиши билан, пайти келганда унинг ўзи нималар қилиши кераклигини, кимга нималар қилишга мажбурлигини тушуниб олади. Бунинг учун эса болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, уни шундайлигича тушунишга ҳаракат қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзаро муносабатларнинг қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқармайдиган, балки аксинча оилада энг қадриятли ҳисобланган ўзаро ҳурмат, илиқлик ва ҳимояланганлигини ҳис этишга ёрдам берадиган усулини топиш керак.

Болага туғилишидан олдин ва ҳаётининг биринчи ҳафталарида бўладиган муносабат кўп жиҳатдан у билан келгусида қилинадиган муносабатлар характерини белгилаб беради.

Бу қийинчиликлар ташқи, психологик характерида бўлади ва кўпчилик ота-оналар томонидан муқаррар юз беради, аммо вақтинчалик ҳодиса сифатида идрок қилинади. Бироқ, биринчи қийинчиликлар ўрнига бошқалари пайдо бўлади.

Онада ҳам, болада ҳам бўладиган қийинчиликлар аввал бошданок умумийдир. Катталар эса буни ҳар доим ҳам англаб етмайдилар. Фақат айримларигина боланинг кечинмаларини объектив баҳолашга уринадилар. Агар баъзилар бола бирор нарсадан изтироб чекаётганини сезсалар, бошқалар ҳеч қачон бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бунинг сабабини ўйлаб кўриш, тушуниш учун уларнинг вақти ҳам, тажрибаси ҳам етмайди. Натижада кутилмаган вазият юзага келади: бола доимо “онанинг психологик ҳолатига мослашади”, онаси эса ҳар доим ҳам боланинг ҳолатини тушунмайди. У боласи ҳис қилаётган қийинчиликларни уқиб ололмайди. У фақат боланинг ўзига қўшимча қийинчиликлар туғдираётганини тушунади холос. Шундан кейин бола ҳақиқий қийин, унга ҳалақит берувчи, ташвиш ўйғотувчи, мажбурият юкловчи, ҳавотирликлар келтирувчи дастлабки,

барқарор тасаввур ҳосил бўлади. Шу тариқа “қийин” болалар пайдо бўлади. У катталарнинг вужудга келган вазиятга етарлича баҳо бермаган, ундан бошқа ҳеч ким болада пайдо бўлган нуқсонларни тузата олмаслигини, ҳеч бир кимса унинг боласини “мулойим” қилиб қўймаслигини англаган вақтда эмоционал алоқанинг бузилиши туфайли пайдо бўлади.

Жамиятнинг ахлоқий нормалари ва талабларига мос келмайдиган ахлоқни илмий педагогик адабиётда умуман тарбия асоциал ахлоқ атамаси билан белгилаш қабул қилинган. Болаларнинг нормадан четга чиққан ҳатти-ҳаракатларидан фарқли ўлароқ асоциал ахлоқ ижтимоий жиҳатдан детерминизмлашган, салбий микромуҳитнинг таъсири, оиладаги нонормал ўзаро муносабатлар, оила ва мактаб тарбиясидаги камчиликлар, хатолар натижасида юзага келади.

Психология фани шуни кўрсатадики, асоциал ахлоқ фактларнинг мазмун-моҳияти таркиби ҳам, ўзига хос сифати ҳам туғма механизмлар билан белгиланмайди. “Қийин” ёйинки “тарбияси оғир” болалар эса педагогик жиҳатдан қаровсиз қолдирилган болалардир. Улар шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўзгариши эса педагогик хатолар оқибатидир. Тарбияси “қийин” ўсмирлар аномаллигига ўқишда ва хулқида намоён бўлади. “Қийин болалар”-жамиятга зид йўналишдаги беқарор ахлоқли, иродаси бўш , педагогик таъсирга кўп учрамайди. Аммо синф, мактаб ҳаётига, унинг ахлоқий муҳитига жиддий таъсир кўрсатади. “Қийин” болалар ўсмирларнинг кам қисмини ташкил этса ҳам, улар ўқув-тарбиявий ишларда барқарорликка жиддий тўсиқ бўладилар. Улар мактабда ва ундан ташқарида тартибсизликни юзага келтирувчилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, “қийин” болалар мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам ўқитувчи ва барча жамоат эътиборида туриши керак.

“Тарбияси қийин” болалар билан олиб бориладиган ишлар назокат, индивидуал ёндашувни талаб этади. Бу ёндашув биринчидан, болага эътибор билан, хайрихона муносабатни, иккинчидан унинг ижобий фазилатларига таянишни ва учинчидан, унинг ахлоқий кучлар, потенциал имкониятларига ишонишни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда болалар томонидан йўл қўйиладиган конунбузарликларнинг олдини олишда мактабнинг роли жуда ошди. Энг янги замонавий педагогик технологиялар билан қуролланган ўқитувчи тарбиявий жараённинг бош ташкилотчиси ўқувчига, ўқувчилар жамоасига, оилага кўрсатиладиган педагогик таъсирларнинг мувофиқлаштирувчиси сифатида намоён бўлмоқда.

Балоғатга етмаган болаларнинг қаровсизлиги ва конунбузарликларининг олдини олишни яхлит системанинг бир қисми деб қараш лозим. Ана шу жараён доирасида педагогларнинг сайъи – ҳаракатлари қуйидагиларга қаратилиши керак:

- ўқувчилар шахсини таркиб топтиришга салбий таъсир этувчи ташқи омиллар таъсирининг ва бунинг оқибати сифатида ўсмир тарбиясининг қийинлашувига олиб келувчи сабаб ва шароитларни йўқотишга;
- бутун тарбия жараёнини тузатишга унинг нормаллашуви икки даражада бўлиб беради;
 - а) боланинг ривожланишидаги салбий томонларни тўхтатиш ва барча салбий таъсирларни енгиб ўтиш;
 - б) анча юқори даража ахлоқий, ижтимоий барқарор ва гармоник ривожланган шахсни таркиб топтириш. Унинг асосида ҳақиқат, тўғрилиқ, яхшилик, гўзаллик, масъулият, онг ва хатти – ҳаракат бирлиги ётади.

«Тарбияси қийин» ўсмирларнинг келиб чиқишининг ижтимоий – педагогик омиллари.



Умуман олганда, ўқитувчиларнинг қаровсиз болалар билан ишлашга тайёрлиги системаси шахсий билимлардан иборат бўлиб, ахлоқий, психологик, назарий ва амалий тайёргарлик унинг структурали ташкил этувчиси сифатида намоён бўлади.⁶

⁶ Мавлонова Р.А, Воҳидова Н.Х «Ижтимоий педагогика». Т.: «Истиқлол», 2009 йил, 99-104-бетлар

«Тарбияси қийин» болани қайта тарбиялаш унинг характерини ва психикасини, унинг оламга бўлган муносабатини, бинобарин ўзининг тарбиялаш услуби ва методларининг нотўғрилигини англаш, уларни айтиш замонда ўз-ўзининг ўғли ёки қизига бўлган муносабатини ўзгартириш зарурлиги билан боғланган. Ана шу ўзгартириш ва қайта қуриш ҳам ўзига, ҳам болага нисбатан аниқ нуқтаи назарни талаб этади.

Ота – оналар ва фарзандлар ўртасида юзага келадиган низолар ҳам тарбиявий ишни қийинлаштиради, ўсмирларга салбий таъсир кўрсатади. Бундай низо, келишмовчиликлар ўсмирларнинг ахлоқига таъсир этади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олмаса «Тарбияси қийин» ўсмир болалар кўпаяди.
2. Ёшлар, ўсмирларнинг бўш вақти мустақил ташкил этилмаса «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.
3. Ота – оналар ичкиликка ружу қўйса ёки ор – номусни йиғиштириб қўйиб бузуқчилик қилса, «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.
4. Ота – оналарнинг психологик – педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.
5. Инсоннинг биологик, физиологик, психологик ўсишининг энг мураккаб ўзгаришлар, қайта қуришлар, умид, интилишлар даври ва шу билан бирга оғир инқирозлар салбий ҳолатлар, кечинмалар даври ҳамдир.

Ўсмир шахс характеридаги “оғиш”ларнинг шаклланиши, уларнинг типларини аниқлаш тиббий – психологик ва тиббий – педагогик ишларни фаол олиб бориш зарурдир.

“Тарбияси қийин” – дейилганда, шундай тарбиянинг натижалари тушунилади.: ўқувчилар педагоглар учун қийинчилик туғдиради, унга

нисбатан умумий қабул қилинган педагогик таъсир этишнинг форма – шакл ва методлари камлик қилади ёки умуман самара бермайди. Тарбияси қийинлик ҳамиша ҳам педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганликнинг оқибати бўлавермайди. У боланинг, ўсмирнинг касал бўлиши, айрим тўғма ёки ҳатто наслий омиллар ёки бошқа сабаблар таъсирида ҳам юз бериши мумкин. Бироқ, жуда кўп ҳолларда «Тарбияси қийин»ўқувчи педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлик натижаси бўлиб қолади.

Тарбия – кўп киррали, узок давом этадиган жараёндр. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси одамлар, нарсалар, ҳодисалар уларнинг онгида, ҳулқ – атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради. Болаларда, ўсмирларда, ёшларда ижобий сифатларни қарор топтириш учун улар билан мунтазам тарбиявий ишлар олиб бориш лозим.

Савол туғилади? “Жамиятда «Тарбияси қийин»ўсмир ёшлар қаердан пайдо бўлаяпти?”. Дунёқараш паст, билими заиф, ёш ўсмир бўлсада, жиноятга қўл урган, гиёҳвандликка мойил, ичкиликка ва чекишга ружу қўйган, ўқишга қизиқмайдиган ўсмирлар кимнинг “айби”? ахир улар шундай бўлиб туғилишмайди – ку. Мактаб ўқитувчилари етарли билим беришмаяпти – ми? Турмуш ташвишлари билан ўралашиб, оилада фарзанд тарбиясига эътиборсиз қараётган ота – оналар айбдорми ёки лоқайд, бепарво, совуққон болаларнинг, ўсмирларнинг ўзими?

Аввало, қуйидаги ҳолатлар ўсмирларни тартиббузарликка жалб этадиган ижтимоий – руҳий омиллар ҳисобланади.



Ўқувчи, ўсмирларни “тарбияли бўл” деган билан тарбиялаб бўлмайди. Бунинг учун уларнинг психологиясига таъсир этувчи воситалардан фойдаланиш даркор. Жумладан, энг қизиқарли китобларга ўсмирни жалб этиш, инсоний хислатлар, эзгулик, яхшилиқни тарғиб этувчи таъсирли ва ўз хулқ – атори билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлган инсонларнинг ҳаёт йўли ҳамда ўрناк бўлувчи жиҳатларини ўсмир ёшлар онгига сингдириш орқали бу мақсадга эришиш мумкин.

Ижтимоий нуқсон ва ижтимоий мослашганлик билан тавсифланувчи «Тарбияси қийин»ўсмирларнинг ижтимоий алоқалари деформацияланиши ва ижтимоийлашувининг асосий институтлари, аввало, оила ва мактабдан бегоналашиши билан кечади. Шу сабабли, «Тарбияси қийин»ўсмирларни психологик – педагогик қўллаб – қувватлашнинг энг муҳим вазифаларидан бири мана шу бегоналашишни бартараф этиш, ўсмирни ижобий ижтимоий тажриба тўплашга кўмаклашадиган ижтимоий аҳамиятли муносабатлар тизимига жалб этишдан иборат. Бу вазифани ҳал этиш оила, мактаб тарбияси шароитларини соғломлаштириш каби «Тарбияси қийин»ўсмир шахсини индивидуал психологик – педагогик коррекциялаш, шунингдек, унинг тенгдошлари жамоасидаги ижтимоий мақомини тиклашга қаратилган тадбирлар мажмуасини кўзда тутати.

Қайта тарбиялаш жараёни худди тарбия жараёни каби, аввало ўсмирнинг индивидуал – психологик хусусиятлари, турли ғайриижтимоий кўринишлар ва нуқсонларга олиб келган муайян шароитлар ҳамда номақбул тарбия шароитларини ҳисобга олиш асосида курилади. Шу сабабли педагогик амалиётнинг ҳар бир мураккаб ҳолати учун аниқ тавсия бериш қийин, амалда мумкин ҳам эмас, аммо тарбия – профидактика ишининг муваффақиятли тажрибасини таҳлил қилиш ижтимоий – педагогик реабилитациянинг айрим умумий тамойилларини белгилаш имконини беради.

Ўсмирларнинг ижобий сифатларига таяниш энг муҳим тамойиллардан биридир. Тарбиячининг «Тарбияси қийин»ўсмирни катъий қоралаш, “у барибир одам бўлмайди” кабида фикр билдиришига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ижтимоий – педагогик реабилитация муваффақиятининг энг муҳим шarti «Тарбияси қийин»ўсмирдаги ижобий сифатларни кўра билиш, уларга таяниш ва ривожлантиришдан иборат.

Тарбия – профилактика фаолиятида яна ўсмирнинг касбга йўналганлик, бўлғуси касбини танлаш ва эгаллаш билан боғлиқ ҳаётий интилишларини шакллантириш муҳим. «Тарбияси қийин»ўқувчилар мактаб фанларини ўзлаштира олмаслиги оқибатида кўпинча ўзига бўлган ишончни йўқотиб қўяди, бир кунлик, бир лаҳзалик роҳат учун яшай бошлайди. Бу уларнинг шахси криминаллашуви ва дисоциализацияси учун жиддий замин ҳозирлайди. Шунинг учун турли сабабларга кўра ўзлаштира олмаётган болалар ишончини сўндирмаслик учун уларга имкониятлари, мойилликлари ва мавжуд билимлари савиясига мос касб танлашга кўмаклашиш лозим.

“Фаолият – тарбия асоси” – психологик педагогика фанининг асосий тамойилларидан бири ва у ижтимоий реабилитация жараёнида тўлиқ амалга оширилиши лозим. Жамоавий фаолият, соғлом жамоага киритмай туриб, фақат ақл ўргатиш билан қайта тарбиялаб бўлмайди. «Тарбияси қийин»ўсмир шахсига бевосита таъсир ўтказиш билан бирга унинг синфдошлари жамоасидаги муносабатларини нормаллаштириш, тенгдошлари орасида ижтимоий мақомини тиклашга ёрдамлашиш, синфдан, мактабдан бегоналашишни енгиш, уларнинг референт аҳамиятини ошириш лозим. Жамоанинг таъсири биринчи галда, ўсмирнинг тенгдошлар муҳитидаги эмоционал кайфияти нуфузли қониқишлари билан борлиқ референт таъсири билан белгиланади. Шундан, «Тарбияси қийин»ўсмир жалб этилган жамоавий ижтимоий фойдали фаолият унга ўз имкониятлари, қобилиятларини, энг муҳими, ўзини мустаҳкамлашдаги эҳтиёжини амалга ошириш имкониятини бериши керак. Қайта тарбиялшнинг бу муҳим ва мураккаб вазифаларини алоҳида ҳал этиб бўлмайди. Ўсмир шахсига бевосита педагогик таъсир кўрсатиш билан бир қаторда педагоглар ва ота – оналарнинг «Тарбияси қийин»ўсмирга нисбатан ягона педагогик позицияси бўлишга эришиши лозим. Ижтимоий реабилитация муваффақиятининг бу муҳим шартини бажариш кўпинча мактаб ва оила, мактаб ва инспекция ва шу

кабилар муносабатлари мураккаблиги боис анча қийинлашади. Яъни тарбия – профилактика вазифаларини биргаликда ҳал этиши лозим бўлган ижтимоийлаштириш институтлари амалда бир – бирига ёмон муносабатда бўлиши, ўзаро бир – бирини айблаш ва қоралаш позициясини эгаллаши мумкин. Оқибатда, бу «Тарбияси қийин» ўсмирнинг катталар дунёсидан яна бегоналашишига олиб келади. Шу боис психолог ва ижтимоий педагоглар ўсмирнинг педагогик бебошлигига айбдорни излашдан кўра, бу бебошликни бартараф этиш йўллариини изласа фойдалироқ бўларди. Реабилитация жараёнини ўсмирда ўз – ўзини тарбиялаш эҳтиёжини уйғотгандан кейингина яқунлаш мумкин. Ўз – ўзини тарбиялаш ўз – ўзини таҳлил, ўз – ўзига танқидий муносабатдан бошланади. Бундан ташқари, ўз – ўзини тарбиялаш хулқ намунаси сифатида танланган маълум идеал, инсон ўз – ўзини, ўз хатти – ҳаракатларини баҳолаши учун асос бўладиган маълум маънавий қадриятлар ва мезонлар бўлишини кўзда тутаяди.

Таъкидлаш лозимки, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг фарқли томони ўз – ўзини таҳлил, ўз – ўзини баҳолаш кўникмалари мавжуд эмаслигидадир.

Одатда, улар ўзи ва ўртоқлари характеридаги яхши ва ёмон қирраларни айтишга қийналади. Ўз – ўзини такомиллаштириш учун ўзидаги қайси томонларни тўғрилаш лозимлигини аниқлай олмайди. Шу сабабли ўсмирни ўз – ўзини таҳлил қилишга, ўз хатти – ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ундаш лозим. Бунда тарбиячи билан тез – тез суҳбатлашиш, ўқилган китоб, кўрилган фильмдаги ҳаётий вазиятлар ва ахлоқий коллизиялар ҳақида фикрлашга кўмаклашиши «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг оғишган хулқини профилактикалашга амалий психологнинг ташхиси, маслаҳати ва коррекциядан иборат фаолияти устуворлик касб этади. Психологик ташхис болалар, ўсмирларнинг ижтимоий мослашувини қийинлаштирган турли хил омилларни аниқлаш имконини беради. Индивидуал – психологик тадқиқот

«Тарбияси қийин»ўсмир шахсининг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлашни кўзда тутди. Булар, бир томондан, психологик – педагогик коррекцияга муҳтож, бошқа томондан, тарбия, қайта тарбия, ўз – ўзини тарбиялаш жараёнида таяниш мумкин бўлган шахсининг психологик имкониятини ташкил этади. Бунда педагог ва психологнинг биргаликдаги сайъи – ҳаракатлари ҳисобига тугатиш мумкин ва тарбияга индивидуал педагогик ёндашувда ҳисобга олиш керак бўлган ўсмир характерининг эҳтимолий акцентуациясини, яъни меъёрнинг кескин намоён бўлиши, нуқсонларни аниқлаш жуда муҳим. Шунингдек, ижтимоий мослашганликнинг турли шаклларида намоён бўладиган хавотирлик, тажовузкорлик, синдромлари, бола, ўсмирнинг ўз – ўзини баҳолаш тизимидаги бузилишлар, интилишларнинг ноадекват даражасини аниқлаш зарур. Тарбия, қайта тарбиялаш, коррекция ўсмирнинг қадриятли ва референт ориентацияси, унинг қизиқиш ва мотивацияларини ҳисобга олиши зарур. Оғишган хулқ коррекцияси биринчи навбатда бола, ўсмирнинг катталар ва тенгдошлари билан муносабатлари тизимидаги номақбулликларни аниқлаш, ижтимоий вазиятни “даволаш”, яъни ўқитувчилар, ота – оналарнинг педагогик позицияларини коррекциялаш, ижтимоий ривожланишга салбий таъсир этадиган «Тарбияси қийин»болалар билан ишлаш азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Бу муаммонинг юзага келиш сабабларини чуқур таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, туғилган боланинг уни дунёга келтирган шахсларнинг кимлиги, иккинчидан, у қандай ижтимоий муҳитда туғилиб вояга етиб, улғаяётганлигига эътиборни қаратишимиз лозимдир.

Кўпчиликнинг фикрига қараганда охирги пайтларда «Тарбияси қийин»ўсмирлар билан боғлиқ муаммоларнинг тез – тез учраб туриши ва улар сонининг кескин ошганлиги таъкидланади. Шунингдек, бу муаммони

бир қанча ташқи сабабларга боғлаш мумкин, яъни ҳозирги вақтда ахборот оқимининг юқорилиги ёки катталарнинг эътиборидан четда бўлиши, оиладаги кризис ва ҳоказолар. Бу омилларни инкор этмаган ҳолда, мазкур муаммонинг туб сабабларини боланинг психик тараққиётидан қидириш лозим.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кун болалари ўзларининг йигирма йил олдинги тенгдошларидан фарқ қилишади. Ҳозирги ёшлар тез таъсирланувчан, мустақилликка мойиллиги юқорилиги ва шу билан бирга нисбатан бефарқ, ўз вақтларини мазмунли ижтимоий фойдали фаолиятга сарфлагилари келмайди. Ваҳоланки, инсон табиатан ўзига хос осон ва кўнгилочар машғулотларга мойил бўлади. Инсон хулқ – атвори таркибининг аксарияти табиий инстинктлари тазйиқи остида бўлишини инобатга олиниши керак. Ушбу тазйиқларни тўғри мувофиқлаштириш инсондан иродавийликни талаб қилади.

Бу ҳолатни замонавий техниканинг ривожланганлиги таъсири деб ҳам изоҳлаш мумкиндир. Кўпчилик ҳолларда ўсмирлардаги бу ўзгаришларга эътиборсизлик ва бефарқлик уларнинг хулқ – аворида салбий оғишларининг бошланғич сабаби ва асоси бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан индивидуал ишлаш усули яратилган, феъл – авордаги нуқсонларнинг хатти – ҳаракати носоғломлигининг олдини олиш ва тузатиш йўллари илмий асосда ишлаб чиқилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбияси қийин, инжиқ, хулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари, педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ўсмирларда ноўйиб хатти – ҳаракатларнинг пайдо бўлишининг сабаблари ва тўрткилари ҳар хилдир. Қонунни бузиш ёки қоидага ҳилоф иш қилиши даражасига қараб «Тарбияси қийин» ўсмирлар жиноий қонунбузар гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги нуқсонлар тарбияси қийинликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, чунончи ақл – идрокнинг заиф ривожланганлиги, ироданинг бўшлиги, ҳиссиётнинг кучсизлиги, зарур эҳтиёж ва қизиқишларнинг мавжуд эмаслиги, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик ва ҳоказолар хатти – ҳаракатни издан чиқаради. Мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи, оилада педагогик – психологик билимларнинг етишмаслиги оилавий низолар, ажралиш, ота – онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маданий – маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам «Тарбияси қийин»ўсмирларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, психологик хизмат доирасида ўсмир тарбиясидаги салбий ўзгаришларни олдини олишда энг аввало, ўсмирга таъсир кўрсатиш зарурдир. Бунинг учун ўсмирни ўзини ўзгартиришга тайёрлаш, яъни:

- ташқи муҳит таъсиридан саросимага тушмасликка;
- турли хил қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатиш лозим.

Демак, ўсмирда мавжуд нотўғри салбий ўзгаришларни руҳий ривожланишнинг меъёр даражасига етказиш орқали ўсмир тарбиясидаги қийинчиликларни йўқотишга эришиш мумкин.

Бугунги кунда «Тарбияси қийин»ўсмирлар характеридаги потологик ўзгаришлар, уларнинг дифференциал диогностикаси, типологияси ва классификацияси моҳиятан бир қанча фан соҳаларининг ўрганиш объектига

айланди. Улар характеридаги ўзгаришлар баъзан қисқа муддат давом этсада, лекин ушбу ўзгаришларнинг психологик хусусиятларини очиш мутахассислардан жуда катта куч ва вақт талаб қилади. Агар ўзгаришлар клиник тус олса, уларнинг асоратлари шаклланишга салбий таъсир кўрсатиб, унинг келгуси турмуш тарзининг кечишида ўз “изларини” намоён этади. Шу боис ўсмирлар характеридаги ўзгаришлар жараёни чуқур, комплекс ўрганиш, яъни унинг психологик диагностикаси катта аҳамиятга эга. Характер патологияси хусусиятларини очиб берувчи психологик диагностиканинг замонавий ҳолатини уч хил режа асосида, яъни назарий, методологик ва амалий таҳлил орқали амалга ошириш мумкин. Унинг назарий режаси характер патологиясининг психологик диагностикасига асосланган назарий концепцияларни аниқлаш, методологик установакаларга суянган ҳолда янги диагностика методлар яратиш ёки уларни танлаш, олинган танижаларни баҳолаш, унинг интерпретацияси учун асосий бўгин бўлиши керак.

Методик режа – методологик танлаш йўли, унинг назарий ёндашувга ўзаро хослиги, маълум маънода экспериментаторнинг индивидуал хусусиятларига ҳам мос келиши билан бирга амалиётда қўллашнинг осонлиги ва методикаларнинг валидлик ҳамда ишончлилиқ даражалари, натижаларни сифат ҳамда миқдор жиҳатдан таҳлил қилиш, тадқиқотни яхлит шаклга келтириш каби ақлий ҳаракатлардан иборат.

Амалий режанинг амалга тадқиқ этилишида психологик тадқиқотнинг аҳамиятлилиги, диагностиканинг самарадорлигига, унинг сифатий имкониятлари, методика ёрдамида олинган амълумотлардаги “оғиш” таснифининг аввалгиларидан дифференциацияси, методикаларни амалий қўллашда уларнинг қулайлиги, содда ва ихчам бўлиши, маълумотни қайта ишлашдаги афзаллиқлар гаровидир. Яна ўсмир хулқ – атвори ҳақида

хулосага келиш ва диогноз қўйишда психологик тадқиқот ўтказишнинг шароитлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмир характеридаги “оғиш лар” муаммоси тадқиқотларига комплекс ёндашиш ундаги ўзгаришларнинг когнитив, конитив ва аффектив жиҳатларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Тарбияси “қийинлик” ва тарбияланганликнинг психологик тафовутларига қисқача шарҳ.

Аёнки, тарбияси “қийин”лик ва тарбияланганликнинг фарқлари психологик тадқиқотлар ёрдамида аниқланади. Албатта, тарбияси “қийин”ликнинг типлари ва уларнинг таснифлари берилган. Лекин уларнинг “қийин”лик чегараларини белгилаш бирмунча қийин вазифа.

Ушбу мушкулот юзасидан айрим мулоҳазалар:

Биринчи мулоҳаза – биз кимларни тарбияси “қийин” деб атаймиз, - деган саволга жавоб топишдан бошланади.

Интерпретация масалаларини муаммоли хулқ – атвор, яъни, тарбияси “қийин”лик интерпретациясини ирсий факторга боғлиқ деган оддий таҳминдан бошласак. Уларнинг айримлари ўзларини “қийин” тутадилар, чунки уларда шундай ирсий дастур мавжуд. Бу ёндашув криминологик фактлар асосини ташкил қилган, кейинчалик замонавий фикрлар уйғунлашиб, унинг ўрнини янгилари билан алмаштирилган. Тарбияси “қийин”лик тўғридан – тўғри наслдан – наслга ўтмайди, бироқ унинг айрим хусусиятлари ўсмирларни бошқалар билан бўладиган ўзаро муносабатларини “қийин” қилиб қўяди. Инсон хулқ – атворининг шаклланишига ирсий омилнинг таъсири борлигини фақат назарий жиҳатдан таҳмин қилиш мумкин, аммо эмперик тадқиқотлар муҳит таъсирининг ўрни ҳам каттагина қимматга эгадир. Жумладан, нотўлиқ оиланинг ўсмир тарбиясидаги роли,

яъни оила таркибининг тарбияси “қийин”лар шаклланишига таъсири муҳим сабаблардан бири сифатида юқори кўрсаткичга эга эмас.

Ўсмирлик даврида назорат икки хил: бевосита ва бавосита усулларда олиб борилади. Назоратнинг бевосита усули “йўналтириш”, “тартибга солиш”, “тасодифий шароит”, “жазолаш”дан иборат. Хулқ – атвор ўзгаришлари ва “қийин”лик ўртасида баъзан мунтазамлилик, баъзан қарама – қаршилик рўй беради. Бавосита назорат усули “идентификация” ва “ижобий мулоқот”дан иборат.

Шундай қилиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари орасида муайян боғлиқлик мавжуд. Оқибатда, бизга ижтимоийлашган оиланинг “қўллаб - қувватловчи” ва “назорат қилувчи” каби асосий параметрлари билан ишлашга тўғри келади. Шунингдек, ёмон хулқли ота – оналар, ёмон тарбиячилар бўлиб, улар ўз фарзандларига салбий таъсир кўрсатадилар, уларнинг ҳам тарбияси “қийин” ҳамда яхши хулқли оиланинг ривожланиш шарт – шароитларини янада чуқурроқ ўрганиш керак, - деган хулосага келишимизга асос бўлади.


1. 2. Ўсмир шахси, унинг ривожланиши ва ижтимоий муҳитга боғлиқлиги

Инсоннинг ривожланиши бутун ҳаёти давомида давом этади. Бунда у турли ўзгаришларни жисмоний, руҳий, миқдор ва сифат ўзгаришларни ўз бошидан кечиради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга – бўйининг ўсиши, вазнининг оғирлашиб бориши, суяк ва мушак тизимларининг ички аъзолари киради. Руҳий ўзгаришлари эса унинг ақлий ривожига алоқадор

бўлади ва инсонда руҳий сифатларнинг шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий сифатларни таркиб топиши ҳисобланади.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқиға ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Инсон руҳий хусусиятларининг ривожланиши, ҳаётда ўз ўрнини топа олиш, унинг Ватан, халқнинг равнақи йўлида оғишмай, эътиқод билан хизмат қилиш, иймонли бўлиши, инсонни шахс даражасига кўтаради. Бундай сифатларнинг рўёбга чиқиши тарбияға боғлиқ бўлади.

Демак, таълим — тарбия муассасаларидан ташқари тарбиявий таъсирлар, яъни кундалик ижтимоий воқеликларнинг шахсға кўрсатаётган таъсири, уларни ижтимоий педагогик, илмий, назарий ва амалий ўрганишға эҳтиёж ортиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари шахсға айниқса ўсмирларға, албатта ўз таъсирини кўрсатади. Бунға мисол тариқасида қуйидаги жадвални келтиришимиз мумкин:



**Оммавий
ахборот
воситалар**

Иқтисодий

**Кўча-куй,
маҳалладаги
воқеликлар**

**Ота-она ва
катталар
орасидаги**



Ўсмирнинг хулқидаги оғишларнинг шаклланишида ҳал қилувчи ролни бевосита ижтимоий муҳит ўйнайди.

Ижтимоий муҳитнинг асоси бўлган оила ўсмир хулқи шаклланишига катта таъсир ўтказади. Анъанавий тарзда тарбия асосий институти оила ҳисобланади. Ўсмир оилада олган тарбия кейин бир умрга сақланиб қолади. Оиланинг тарбия институти сифатида муҳимлиги шундаки, ўсмир унда ҳаётининг кўп қисмини ўтказади ва шахсга таъсир этувчи муддати бўйича бирорта ҳам тарбия институтлари оилага тенг кела олмайди.

Бола тарбиясида оиланинг роли ҳақида Э. Фромм: “Оила – ўзига хос жамиятнинг” психологик воситачиси, шунинг учун оилада адаптация жараёнида бола кейинчалик жамиятда адаптация ва турли ижтимоий

муаммоларни ечиш асоси бўлиб қоладиган характерни шакллантиради, деган эди.

Дарҳақиқат, бола оилада қайсидир характер хислатларини ўзида мужассамлаштириши билан ижтимоий муҳитда ҳам уни намоён қилади. Агрессиянинг оилада намоён бўлиш шакллари турлича. Бу восита ижтимоий ва жинсий зўравонлик, совуққонлик, салбий баҳолар, шахсни руҳан эзиш, болани эмоционал қабул қилмаслик бўлиши мумкин. Оила аъзолари агрессив хатти – ҳаракатни яъни, бола хулқида намоён бўлган оғишларни ўзлари бартараф этишга ёрдам беришлари лозим.

Бола хулқидаги оғишларнинг пайдо бўлишига турли оилавий омиллар таъсир этиши мумкин. Масалан, оилавий бирлашишнинг паст даражаси, тўқнашув, бола ва ота – она ўртасидаги етарли бўлмаган яқинлик, болалар ўртасидаги салбий муносабатлар, оила тарбиясининг ноадекват усули,. Масалан, ўта қаттиқ жазо қўллайдиган, ўта қаттиқ назорат қилувчи ота – оналар ёки аксинча болалар машғулотларини назорат қилмайдиган ота – оналар фарзандида учрайдиган агрессия билан кўпроқ дуч келишади.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шахснинг агрессив хатти – ҳаракатига таъсир этувчи хусусиятларидан бири – бу фрустрацияни кўтара олмаслик қобилиятидир. Маълумки, фрустрация эҳтиёжларни қондиришда ёки мақсадга эришиш йўлида пайдо бўлган тўсиқлар туфайли ккелиб чиққан ҳолатдир. Худди шу пайтда ўсмир шахсида ҳам ота – она ва яқинлари уни тушунмаслиги ва аксинча унга нисбатан қаттиққўллиги натижасида агрессив хатти – ҳаракатлар, ўсмир хулқида оғишлар намоён бўлишини кузатишимиз мумкин.

Демак, ўсмирнинг агрессив хулқи шаклланишида асосан ота – она таъсири кузатилади ва оила тарбиясидаги қуйидаги омиллар катта рол ўйнайди:

- бола ҳаракатидан қониқмаган ота – она реакцияси;
- болалар ва ота – оналар ўртасида муносабатнинг характери;
- ака – ука, опа – сингиллар ўртасидаги муносабатлар характери;
- ота ёки она ёки икковлари билан бўлган ёмон муносабат.

Шунингдек, ўсмир ота – оналарнинг қўллаб – қувватламаслиги ва уларнинг қизиқишларига бепарволигини сезса, қуйидаги вазиятлар юзага келиши мумкин:

- жинойтчилик фаолиятига кириб кетиш;
- бошқа болаларга қарши чиқиш;
- ўз ота – онасига нисбатан ўзларини агрессив ҳолда тутиши мумкин.

Ўсмир хулқидаги оғишлар асосини аввало оила муҳити ташкил қилиши ва оиладаги ўзаро бир – бирини психологик томондан тушунмаслиги натижасидир. Ўсмирлик кескин ўзгаришлар даврилигини ҳисобга олган ҳолда, уларга алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда эса, юқоридаги салбий хусусиятлар ўсмир характери, унинг хатти – ҳаракатини тубдан ўзгартириб юборади.

Тарбия тарихан вужудга келган ижтимоий ҳодиса бўлиб, кейин хулқни бошқариш ва белгилаш бир – бирини талаб этадиган ва белгилайдиган таркибий қисмлар – ахлоқий онг, ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидир.

Маълумки, инсон бутун умри мобайнида ўзгариб, ривожланиб боради. Лекин болалик ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги ўсиш ниҳоятда кучли кечади. Бола мана шу йиллар мобайнида ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан

Ўсиши ва ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда улар характериға сингдирилаётган тарбия мақсадға мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топа бориб, мураккаб ижтимоий муносабатлар жараёнида жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳар бир одам шахси сифатида турлича намоён бўлади. Бир одам бошқасидан ўзининг мижози, феъл – атори, қобилияти, ақлий ривожланиш даражаси, эҳтиёж ва кўрсаткичлари билан фарқ қилади. Булар одамнинг шахсий, руҳий хусусиятлари бўлиб, ана шу хусусиятларининг ривожланиши таълим – тарбия чўққисига эришгандан сўнг инсон шахс сифатида ўзини намоён қила олиши мумкин. Айни вақтда одам атроф – муҳитда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларға нисбатан ўз нуқтаи – назарига ҳам эга бўлмоғи керак.

Шахс ижтимоий муносабатларда намоён бўлади, турли фаолият кўринишларида иштироки ва мулоқоти натижасида ривожланади, масалан, дастлаб ўйин, кейин ўқув ва меҳнат фаолияти каби. Атрофға боғлиқ ҳолда унинг дунёқараши ва ижтимоий моҳияти ўзгариб боради, ривожланади.

Ўсмир шахсининг шаклланиши, аввало, бу жисмоний ва физиологик белгилар, меросийлик табиий иқтидор ва қобилият, ахлоқ генотипидир.шунингдек, фаоллик, ахлоқий хусусиятлар, тафаккур, ҳиссиёт, фаолият, ижодий интилиш, қобилиятлар ҳам муҳим.

Муҳит ва меросийлик шахс шаклланишиға тенг таъсир қилувчи омил сифатида эътироф қилинади.

Ижтимоий педагог муҳит аҳамиятини илк ёшлардан бошлаб ҳисобға олиш лозим. Кейин бола ўсиши билан унинг оиладаги аҳволи, қариндошлар билан диний, маданий, миллий ва сиёсий муҳит билан муносабатлашуви кўриб чиқилади.

Ўсмир бола учун муҳит нима? Болага оила, кўча, мактаб ва телевизор таъсир ўтказди.

Кўча – кам бўлмаган аҳамиятга молик омил. Ота – она, ўқитувчиларда “кўча” сўзи асабни кўзгайди. Ваҳолангки, бир кун бола кўчада бир неча соат ўтказди, холос. Кўчада бола теварак – атрофни англайди. У яшаётган жой унинг дунёқарашилини белгилайди. Замонавий таълим тизими ўсмирни меҳнат ҳаётига сурилишини ортга суради. Агар XX асрнинг 20 – йилларида ўн олти ёшли болалар ишлаган бўлса, ҳозир улар тенги болалар ўқимокда. Ижтимоий тарбия эса кўчада орттирилади. Бу ерда кенг мулоқот доираси бор. Ўсмир ўзини эътироф этади. Ўз етакчиси, илҳомчиси мавжуд бўлади. Зиддият кўчада пайдо бўлиб, ўша ерда унга барҳам берилади. Ўсмирлар катталардан мустақиллик мақомини тортиб олади. Уларга дакки – дашномлар ёқмайди. Бу ерда характер шаклланади.

“Агар ҳамкорлик ва масъулият ҳисси жамият ва шахс бир бутунлигини таъминловчи шахс асосини ташкил қилса, инсоннинг эзгуликдан таъсирланиши унинг шахсини мураккаблаштиради”.

Ижтимоий таълим ва табия тизимидан ўтган ҳар бир одам – шахс сифатида шаклланади.

Одам боласининг ривожланиши – бу муҳим жараён ҳисобланади. Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасида, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим.

Инсоннинг ривожланиши жуда қийин ва мураккаб жараён ҳисобланади. Ривожланиш ҳар қандай тирик организмга, шу жумладан,

инсонга ҳам хосдир. Ривожланиш ташқи ва ички факторлар таъсири остида бўлади.

Ташқи факторларга: Инсонни ўраб турган таббӣй ва ижтимоӣй муҳит, болаларда маълум шахсий жиҳатларни шакллантиришга қаратилган мақсадли йўналтирилган фаолият киради. Ички факторларга: биологик факторлар киради. Инсоннинг ривожланишига таъсир қиладиган факторлар бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлади. Боланинг ривожланиш жараёни турли фаолиятларга дуч келади: ўйин, ўқиш, меҳнат, спорт ва бошқалар, турли кишилар билан мулоқотда бўлади: ота – онаси, ака – укаси, қариндошлари, дўстлари ва бошқалар билан.

Турли фаолиятларда турли инсонлар билан мулоқотга киришиш натижасида турли ижтимоӣй кўникмалар ҳосил бўла бошлайди. Боланинг нормал ривожланиши учун мулоқотнинг аҳамияти жуда каттадир.

Умуман олганда, боланинг шахс сифатида ривожланиб, камол топишида қуйидаги: микрофакторлар, макрофакторлар, мезофакторлар киради. Буларнинг барчасини бир сўз билан аташ мумкин. Бу социум, яъни жамиятдир. Боланинг ривожланишида социумнинг аҳамияти жуда катта. Болага энг яқин бўлган социумлар булар – оила, турли хил гуруҳлар, турли хил тўғараклардир. Бола бир социумдан ўзига мос келадиган қулай шароитни қидиради ва шу қидириш натижасида унинг ижтимоӣй малакаси ошиб боради, бу орттирилган малака эса салбӣй ёки ижобӣй бўлиши мумкин.

Биоланинг социумда ривожланишига ижтимоӣй шахсининг таъсири жуда катта бўлади. Ижтимоӣй мақом туғма, орттирилган бўлади.

Тарбия тарихан вужудга келган ижтимоӣй ҳодиса бўлиб, кейин хулқни бошқариш ва белгилаш бир – бирини талаб этадиган ва белгилайдиган

таркибий қисмлар – ахлоқий онг, ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидир.

Инсоннинг муносабатлар доирасига нафақат ўзга кишилар билан алоқаси, балки табиатга, жамиятга, ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабатлари ҳам киради. Мана шундай муносабатлар асносида инсон ўзининг қобилиятларини, ақлини, фаросатини намоён қила бошлайди. Бу билан у, умуман бутун борлиққа бўлган муносабатини ифодалайди.

Ўсмир шахсини ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун аввало унинг хулқига таъсир этувчи омилларнинг табиатини, шахснинг шахсий хусусиятларини яхши ўрганмоқ лозим. Бунинг учун шахсни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш даркор. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади.

Болаларнинг шахсий фазилатлари шаклланишида қайси омиллар етакчи вазифасини бажаради, - деган табиий савол туғилади. Демак, инсон ривожланишида биологик омилми, ижтимоий омилми ёки тарбия омилми, қайси бири етакчи рол ўйнайди, деган саволга жавоб бериш лозимдек кўринади. Бу саволга турли тарихий даврларда турлича ёндашиб, турлича жавоблар берилган. Ҳозирги кунда бу масалага турли нуқтаи – назарлар билдирилмоқда.

Очикроғи, фанга одамнинг шахс сифатида ривожланишига боғлиқ ва социум омилларини таъсири ўртасидаги муносабатни белгилаш борасидаги мунозара замирида икки бир – бирига қарама – қарши нуқтаи – назар вужудга келган. Улардан бири одам боласининг шахс сифатида ривожланишида табиий – биологик омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўсмир шахси маълум ижтимоий тузилма маҳсули.

Унинг моҳиятини ижтимоий муносабатлар ташкил этади. У яшаётган жамиятдаги тарихий шароит, шахснинг ҳаётий фаолиятида содир бўладиган ижтимоий муҳит унга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро, инсон ота – боболар тажрибасини ўрганади, шахс сифатида ривожланиб боради, ўрганган тажрибаларини такомиллаштиради. Натижада уларни ўз фаолиятида қўллайди. Ана шу яшаётган шароит ва меҳнат қилаётган шароит унга бўлаётган тарбиявий таъсир ва фаолият жараёнидаги жадаллик туфайли шахсий хусусиятлар вужудга келади. Демак, одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит ва инсоннинг ўзи ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга жадал таъсир этади ва шу йўл билан ҳаётини, ўз табиатини ўзгартиради.

Педагог ва психологлар шахснинг ривожланишида ирсиятнинг таъсирига катта аҳамият бериши билан бирга, муҳит ва тарбиянинг ролига ҳам юксак баҳо беришади.

Агар болада туғма лаёқатлар бўлса – ю, лекин, уни ўстиришга ёрдам берадиган ижтимоий, оилавий ва тарбия муҳити бўлмас экан, инсон бўлиб туғилишнинг ҳожати ҳам йўқдир.

Модомики, шундай экан, демак, бола ўз лаёқатига мос шароитларда ўсиб зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, зарур шароит бўлмаса, бор қобилият ҳам йўқ бўлиб кетиши мумкин. Мана шундай нуқтаи назар инсон лаёқатининг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла – тўқис ҳаёт шароитига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Одам боласидаги қобилият кўрсаткичларининг ривожалиниши аввало ижтимоий муҳитга боғлиқ экан. Яна шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, ижтимоий муҳит – шароит қулай ва ноқулай бўлиши ҳам мумкин.

Бутун жаҳонга маълум ва машҳур Ўрта Осиёнинг буюк алломалари оналаридан бири табиб, бири шоир, бири ҳандаса, бири муҳандис, бири файласуф бўлиб туғилмаган, балки уларнинг яшаб турган даври ижтимоий муҳити қолаверса, оила муҳити уларни мана шундай инсонлар бўлиб етишишларида асосий туртки бўлган улар яшаб турган ҳаётнинг маъноси, идеал воқелик, ахлоқий ҳақиқат бурч, борлиқ, ахлоқий ҳаётда объективлик субъективликнинг ўзаро муносабати, билим ва кадр – қиммат сингари ахлоқий сифатларнинг ўта шаклланганлиги ҳам бу каби инсонларнинг етишиб чиқишида асосий туртки бўлади. Ўша даврда инсонпарварлик ғоялари кадр –қиммати инсонийлик янги ва юксак босқичга кўтарилган эди.

Индивиднинг социумга кириши мураккаб жараён ҳисобланади. Бир томондан, жамиятлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиш имконини берадиган муайян кадриятлар тизимини ўзгартириб олишни ўз ичига олса, иккинчи томондан, шахснинг ўз ижтимоий тажрибасини орттириши ва ўзини фаол қарор топтиришини ўз ичига олади.

Ҳар бир инсоннинг шахси таълим, ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Натижада у ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган вазифаларни бажаради, ижтимоий ролни ўзлаштириб олади, ўз қизиқиши, қобилиятини ижодий муҳофаза қилиб кўради, жамиятнинг бошқа аъзолари билан мустақил муносабатга киришади ва шу тариқа шахснинг ижтимоийлашуви юз беради.

Ижтимоийлашув жараёнида жамият, ижтимоий муҳит, авваламбор боланинг янги муҳитга интеграциялашуви нуқтаи – назаридан ўрганилади. Бунда инсон ва унга таъсир қилувчи ташқи омилларнинг жамиятдаги ўзаро муносабати ҳамкорлик тавсифи эга эканлиги муҳимдир. Муҳит инсон кириб бориши, ўзини қулай сезиши учун қаерда жойлашганини билиши етарли бўлган кўча, уй ва шу каби нарсалар эмас. Балки муҳит бу алоҳида ўзаро

муносабатлар тизими ва қоидалари билан тавсифланадиган инсон жамоалари ҳамдир. Шунинг учун ҳам инсон муҳитга янгилик киритади, муайян даражада таъсир қилади, ўзгартиради ва ўз ўрнида муҳит ҳам инсоннинг олдига ўз талабларини қўяди. У инсонни, унинг хатти – ҳаракатларини қабул қилиши ҳам, инкор қилиши ҳам мумкин. Муҳитнинг инсонга муносабатини инсоннинг юриш – туриши, унинг талабларига қанчалик жавоб беришига қараб аниқласа бўлади. Инсоннинг хулқ – атори унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланади.

Инсон жамиятда бир вақтнинг ўзида бир қанча мавқеларни эгаллаши мумкин. Инсон мақоми билан белгиланадиган хулқ – атор ижтимоий рол дейилади. Турли ижтимоий ролларни ўзлаштириш шахс ижтимоийлашуви жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Унинг мураккаблик жиҳати шундаки, жамиятда фақат жамият томонидан маъқулланадиган мақомлар бўлмасдан, балки ижтимоий меъёр ва кадриятларга мос келмайдиган мақомлар ҳам мавжуд. Шунинг учун бола шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ҳам ижобий, ҳам салбий ролларни ўзлаштириш мумкин.

Бола ўз ривожланиши давомида ўзлаштирадиган яна бир муҳим рол – жамоа аъзоси ролidir. Бола боғча ёки мактабда, спорт тўғарагида тенгқурлари билан муомала қилганида жамоа аъзоси, ўртоқ, ўқувчи, етакчи каби ролларни ўзлаштиради.

Боланинг хулқ – атор механизмларини ўзлаштириш унинг ижтимоий муносабатларга муваффақиятли мослашувини таъминлайди. “Ижтимоий мослашув” деганда шахснинг ижтимоий муҳит шароитларига қўникиши тушунилади.

Ижтимоий мослашув боланинг муваффақиятли ижтимоийлашувининг шарти ва натижаси ҳисобланиб, асосан, уч йўналишда олиб борилади: фаолият, мулоқот ва англаш. Фаолият соҳасида болада фаолият турларининг кенгайиши, фаолиятнинг зарурий шакл ва воситаларини қўлга киритиш, муомала доирасининг кенгайиши, унинг мазмунини чуқурлашиши, жамиятда қабул қилинган хулқ – атвор меъёрларини ўзлаштириш содир бўлади. Англаш соҳасида ўз “Мен”и образини шакллантириш, ўзининг ижтимоий мансублик ва ижтимоий ўрнини англаш рўй беради. Бу жараёнларнинг барчасини тарбия тартибга солади.

Сўнгги ўн йилликлар давомида педагогика бошқа фанларда ижтимоийлашув ва тарбия тушунчаларининг ўзаро муносабати кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, бу муаммога алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, баъзи муаллифлар тарбияни ижтимоийлашув билан алмаштиришга ҳаракат қилишса, бошқалари эса тарбияни бола ижтимоийлашувининг бир қисми сифатида ўрганишмоқда.

Умуман олганда, ижтимоийлашув узлуксиз жараён бўлиб, бунда инсон доимо жамият билан муносабатда бўлади. Тарбия тор маънода эса дискрет жараёндир. Тарбиячи ва мутахассисларнинг вазифаси қийин вазиятда турган боланинг ижтимоий мослашувига қаратилган бўлиб, у жамиятда қабул қилинган қонун ва меъёрларга фаол кўникиши ёки салбий омилларнинг оқибатларини енгиши керак бўлади.

Агар ижтимоий муҳит сифатларини шаклланмаганлиги даражаси болага ижтимоий муҳитга кўникишига ҳалақит берадиган даражада юқори бўлса, боланинг ижтимоий мослаша олмаслик ҳолати содир бўлади. Бундай ҳолларда бола томонидан йўқотилган ижтимоий алоқалар ва муносабатларни тиклашга қаратилган махсус чора – тадбирларни қўллаш тавсия этилади.

Шундай қилиб, боланинг жамиятда ўсиши ва ривожланиши жараёнида унинг ижтимоийлашуви содир бўлади. Агар бу жараён содир бўлмаса унинг акси – дезадаптация рўй беради. Бундай ҳолатда эса боланинг ижтимоий реабилитациясига эҳтиёж туғилади.

I. 3. «Тарбияси қийин» ўсмирнинг шаклланишида oilанинг ўрни.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғин сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобилияти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Унинг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятининг ҳаётийлиги икки томонламадир.

- Биринчидан, жамиятнинг кичик бир қисми, ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб оилавий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

- Иккинчидан, оиланинг мураккаб ва кўп қиррали фаолияти унинг вазифаларини бир маромга солиш, оиланинг ўзига хос хусусиятларини ва мавжуд имкониятларини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Оиланинг тузилиши ва вазифаларини таҳлил этишда у жамиятнинг ижтимоий-маънавий ўзаги эканлигига яна бир бор аён бўлмоқда. Шу сабабли оиланинг аниқ бир мақоми, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, «Тарбияси қийин» ўсмирларда ахлоқий , жисмоний камолотни, ақлий зийракликни шакллантириш зарур.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга, ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатларини узатиб, умумий ва ҳиссий ривожланишигига таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия ҳамиша мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни ўсмирга тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг

яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб-ҳунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари роль ўйнайди.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Шунингдек, ота-оналарнинг, болаларнинг ҳамда аёлларнинг бандлиги ва уларнинг болалар тарбиясига бўлган таъсири оиланинг моддий имкониятлари ва турар жойларига боғлаб ўрганилади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти ўсмирни турли ижтимоий вазифаларни бажаришга, тўпланган муносабатларга доир тажрибаларга, моддий ва маънавий қадриятларга ҳар томонлама ва узоқ тайёрлаш лозимлигини талаб этмоқда. Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмоқ лозим. Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савиясини киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумоти, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар киради.

Оилавий тарбиянинг мураккаблилиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Ана шунинг учун оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, муқофотлаш, жазолаш, суҳбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари ўсмирлар билан биргаликда

ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Ўсмирлар фаолиятида иштирок этиш, уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир. Агар ўсмир ота-оналарининг машғулотларига ўта қизиқиш билан муносабатда бўлишса улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топади. Ўсмир ота-оналаридан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат мезонларини ўрганиб нима яхши-ю, нима ёмон, нима фойдали-ю, нима зарарли эканлигини билиб оладилар, улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бундан ташқари, оила тажрибали ва касби жиҳатидан турлича ёшдаги кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади. Ўсмирларнинг жисмонан бақувват, ахлоқан пок, меҳнатсевар ва маданиятли бўлиб ўсишдан жамият ҳам манфаатдордир. Шунинг учун гарчанд оиланинг ўзи бунга интилса ҳам жамият унга талаб ва мажбурият юклайди. Бу ерда оила ва жамиятнинг мақсади ва интилишлари ўзаро бир бутунликни ташкил этади.

Ота-оналарнинг умумий, маданий, маълумот савиясининг кўтарилиши ва ижтимоий фаоллик қарор топиши мактаб ва оила алоқалари хусусиятининг ўзгаришига сабаб бўлди. Агар мактаб оила тарбияшунослигига ҳурмат билан муносабатда бўлса, унинг бойликларидан, яъни ота-оналар обрўси, шахсий наъмунаси, ижобий ҳиссиётлар асосида тарбиялашларидан фойдалана олса, у ҳолда ота-оналар оталиғи катта кучга, тарбия самарадорлигини таъминловчи мезонга айланади.

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Юртимизнинг юксалиши, яшаш шароитларимизнинг яхшиланиши, халқимизнинг моддий ва маънавий турмуш савиямизнинг янада ошиши ўша

«Тарбияси қийин» ўсмирларни баркамол инсон қилиб тарбиялашимизга ижобий таъсир этади.

Оилавий тарбиянинг асосий мақсади ва мазмуни барча регионлар бўйича олганда бир-биридан маълум даражада фарқланади.

Тарбия масаласига ёндашадиган бўлсак, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда фарзанд тарбияси анча енгил кечади. Чунки кўп болали оилалардаги болалар ота-оналарининг ҳатти-ҳаракатларини, ака ва опаларининг улар тўғрисидаги ғамхўрликларини, айниқса, бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини, уйдаги ҳар хил вазифаларни сидқидилдан бажаришларини кузатадилар. Ўзларида ҳам ана шундай ахлоқий сифатларни шакллантириш истаги вужудга келади. Шу сабабли бир қанча болалари бўлган оилада ота-оналарнинг ғамхўрликлари ўзига хос хусусият касб этади.

Катта оилада бола ёшлигидан жамоага мослашади, ўзаро алоқалар асосида тажриба тўплайдилар. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар ўртасида турли кўринишлардаги меҳр-муҳаббат ва дўстлик қарор топади. Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради. Кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда шундай ҳаётий вазифалар мавжуд буладики масалан, катта акагача ва кичик укагача бўлган меҳр-муҳаббат, яъни бир-биридан фарқланувчи ҳиссиётни, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида бир-бирлари билан нарсаларни тенг айирбошлаш ва бошқалар пайдо бўлади.

Хотин-қизларимизнинг ижтимоий эркинлиги ҳам янги кўринишдаги ўзбек оилаларининг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ота-оналарнинг болалар тарбияси борасидаги чин инсоний муносабатларининг шаклланишига имконият туғдирмоқда. Болаларига биринчи навбатда билим беришни, уларни бирор бир касбга йўллашни, бўлажак ижтимоий ҳаётга тайёрлашни ўзларининг бурчлари деб ҳисобламоқдалар. Оиланинг туб мақсади ва

ҳаракатларининг мазмуни болаларни умуминсоний хулқ мезонларига риоя қилган ҳолда уларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашдан иборатдир. Ўсмирлар тарбияси оиланинг инсонни бунёд этувчи табиий ва ижтимоий моҳияти билан узвий боғлиқдир. Худди шу маънода тарбия ўз моҳиятига кўра шундай бир жараёндирки, у тарбияланувчининг биологик, ижтимоий эҳтиёж турларини, ўзининг қадри, қизиқиш ва ғояларини жамият талабларига бўйсундиришда намоён бўлади.

Ўзбек оилалари тарбиясида шароит яъни уларнинг қишлоқ ёки шаҳарда яшашлари ҳам ўсмир тарбиясига у ёки бу даражада таъсир кўрсатишининг гувоҳи бўлди. Одатда, қишлоқ шароитида яшовчи оила фарзандлари ёшлигидан бошлаб кучи етадиган ишларга жалб этилади. Шаҳар оилаларидаги шароит улардан тубдан фарқ қилади. Озчилик бўлсада, шаҳар оилаларининг болалари мактабнинг турли жонли бурчакларида, тажриба ишларида иштирок этишади. Лекин бу ишларни ота-оналарининг иштирокисиз, ҳар замонда бажарадилар. Натижада улар қандай иш билан машғул бўлишни дафъатан билишмайди, бекорчилик кучаяди ёки кўча бўйлаб санғиб юришади.

“Соғлом оиладан чиққан жиноятчи” – бу атама – ҳозирги кунда ҳуқуқшунослар, ижтимоий педагоглар ва социологларни, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчиларни ўйлантириб қўймоқда. Баъзи маълумотларга кўра, кўплаб вилоят ва шаҳарларда жиноятга тортилган ўсмирларнинг кўп қисми ўзига тинч, моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларда тарбияланганлиги аниқланган. Уларни ота-оналарининг ёмон намунасини олган ёки моддий жиҳатдан қийналган шароитда яшаган дейишга асос йўқ. Унда сабаби нима? Савол туғилиши табиийдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам асосий

сабабини оиладан, Унинг ҳаёт босқичларидан маънавий-ахлоқий турмуш тарзидан, кадр-қимматидан ахтариш лозим.⁷

Бизга ҳуқуқ ҳимояси бўйича мутахасис ходимнинг ҳикоя қилишича, вояга етмаган ўсмирни жамоат ўртасида жанжал кўтарганлиги, магазин ойналарини синдирганлига сабабли милиция бўлимига олиб келишган. Воқеадан хабар топган ота (катта идора бошлиқларидан бири) келиб, боласини олиб кетган. Ҳатто”Ичган бўлса, ўз пулига ичган, бировнинг пулига эмас. Ўзимиз бу билан гаплашиб қўямиз. Сизлар хавотир олманглар. Дўкон ойнасини тўғрилатиб бераман” деган. Орадан ярим йил ўтмай ҳалиги фарзанди яна қўлга тушган. Бу сафар мотоцикли билан бир қарияни уриб юборган. Натижада қария оғир тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилган. Бу сафар ота ўғлининг қонун бўйича жавобгар бўлишини сезиб, чора топа олмагач, “Ўғлим ёш, ёшлик қилибди. Ёшлигини инобатга олмасизлар, деган умиддаман” деб қонун ҳимоячиларидан ёрдам беришни сўраб илтижо қилган. Боласини асраб қолиш учун барча номаъқул чораларни ҳам қўллаган. Лекин ўғлини оқлай олмади: ўғли жиноий жавобгарликка тортилди.

Баъзан ўйланиб қоласан киши, жиноятчиликка ўзимиз сабабчи эмасмизми? Бизнинг оилавий тарбия борасидаги йўл қўяётган хатоларимиз эмасмикин?

Педагогик кузатишлар, амалий тарбиявий ишларнинг кўрсатишича, «Тарбияси қийин»ўсмирлар олдинлари иқтисодий қийинчиликлар мавжуд бўлган оилаларда учрар эди. Чунки ота-оналарнинг бир-бирларига ёмон муносабатлари, ўзаро низоли ҳолатлар, бир-бирларига бақаришлари ва уларнинг ноахлоқий фаолиятлари фарзандларига салбий таъсир кўрсатар эди.

⁷ Каримова О.А “Оила, фарзанд, жамият”. Т.: “Ўқитувчи” нашриёти, 1991 йил, 76-82-бетлар.

Ҳозирга келиб эса «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг аксарияти ўзига тўқ, моддий жиҳатдан бақувват, маълумотли оилалардан чиқмоқда. Назаримизда, бу ерда ҳали бизга тўла маълум бўлмаган, бизга дафъатан сезилмайдиган оилавий тарбия камчилликлари мавжуд. Бундай ҳодисалар кўпроқ шаҳар оилалари болаларига тўғри келмоқда. Шунини мамнуният билан қайд этиш ўринлики, шаҳарлардаги деярли барча битта ёки кам болали ўзбек оилаларининг қизлари, ўғил болаларга нисбатан тарбияланиш даражаси яхши. Назаримизда, бунинг сабаби ота-оналар қизларининг келажаклари ҳақида кўпроқ қайғуришлари лозимдир. Буларнинг ҳаммаси фақат ота-оналар таъкидлаганидек, халқ тарбияшунослиги удумлари таъсири бўлиб қолмасдан, балки шаҳар шароитида ўғил болаларга нисбатан қизлар меҳнатига имкониятларнинг борлигидир.

Маълумки, тўлиқ оилаларда барча турмуш тарзи учун ҳамма нарса муҳайё, болалар барча зарур нарсалар билан таъминланган бўлади. Бундай оилалардаги барча муаммоларни ота-оналар биргаликда ҳал қилишади.

Барча муаммоларни ота-оналар биргаликда ҳал қилишади. Нотўлиқ оилаларда эса аксинча бир кишининг зиммасига тушади, тарбия борасидаги қийинчиликлар ҳам, оиланинг моддий таъминоти ҳам унинг елкасида бўлади. Турмушдан ажралган аёл, имконияти борича болалари учун тўкин имкониятларни муҳайё қилишга, барча шароитларни яратиб беришга интилади. Бироқ, бундай шароитни яратиш учун ишхонада кўпроқ ишлашга мажбур бўлади, натижада, болалар тарбияси учун имкониятлари чекланиб қолади.

Оиладан кетиб қолган отанинг фарзандлари учун кўрсатадиган моддий ёрдами бир қанча маънавий – ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради, улар болалар характерига у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Муаммоларнинг ижобий ҳал қилиниши фақат болаларнинг характер хусусиятларига эмас,

балки онанинг ва бошқа кишиларнинг ўзаро муомала муносабатларига ҳам боғлиқдир. Нотўлиқ оилада иқтисодий ва айниқса, ахлоқий жиҳатдан кўплаб муаммолар мавжуд. Ташлаб кетилган аёл отанинг ўз болалари билан бўладиган қонуний учрашувларига қаршилиқ қилса, ота болалари учун тўлаётган алиментнинг қандай сарфланаётганлигини суриштиради. Икки ўртада болаларни ўзларига оғдириб олиш учун уларни алдаш, ота – онанинг бир – бирларини ёмонлаши каби жараёнлар содир этилади. Булар ёш авлод тарбиясига, албатта, ёмон таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда ота – оналар ҳал қилишлари ниҳоятда зарур бир канча тарбиявий муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар нотўлиқ оилаларда нисбатан кўп бўлиб, улар болаларнинг руҳий камолотида нимоён бўлмоқда. Ота – оналар эса ҳар доим ҳам бу ҳолатни билиб, тўғри тушунавермайдилар.

Умуман олганда ҳамма оилалар тарбияси учун яроқли умумий формула топиш мумкин эмас, лекин болалар тарбияси бўйича тўпланган илғор тажрибалар асосида оиланинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, келажақда кутулиш мумкин бўлган тарбия натижаларини ҳисобга олиб, бир неча омиллар ҳақида маслаҳат бериш мумкин. Масалан, болалар тарбиясида оилавий муҳит махсус таъсир кучига эга. Муҳит дейилганда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, болаларга таъсир кўрсатиш усуллари оилада мавжуд бўлган бошқа шакл ва услублар йиғиндисида айтилади. Оила муҳитининг мазмуни ота – оналарнинг, оиланинг катта ёшдаги аъзоларининг ғоявий – сиёсий онглиликларида намоён бўлади.

Оиланинг тарбиявий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) т болалар шахсини шакллантириш; 2) шахсни йигит ва қиз, ота – она ва жамият аъзолари сифатида оилавий ҳаётга тайёрлаш. Шундай қилиб, ҳозирги замон оилалари ўсмир ёшларда илмий дунёқарашнинг шаклланишида уларни

эстетик жиҳатдан тарбиялашда асосий рол ўйнамоқда. Ахлоқий жиҳатдан тарбиялашдаги мазмун, шакл ва методлар жиддий ўзгаришларга учрамоқда.

Оилавий тарбия муаммоларини тадқиқ этиш, асосан икки йўналишда олиб борилмоқда. Бир томонда оилавий тарбия педагогиканинг анъанавий қисми сифатида ўрганилмоқда ва бу бизнинг назаримизда жуда тўғри йўлдир.

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. У ёки бунисининг йўқлиги тарбиявий жараёнга салбий таъсир кўрсатади.

Республикамизда айти ҳозирги кунда оилаларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Оилаларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида болалар тарбияси учун жавобгарликни кучайтириш жараёни тезлашмоқда. Биз учун оила мустаҳкамлигини таъминловчи ахлоқий – рухий алоқалар жуда муҳимдир. Худди ана шу алоқадорлик оилавий муносабатлар, тўлақонли ҳиссий – эмоционал, оталик ёки оналик, оилавий бахтни таъминлаш эҳтиёжларини қондиради. Ота – оналарга педагогик билим бериш, оилавий тарбия бўйича тажриба алмашиш ота ва оналарни тарбия ишларига қизғин жалб қилиш учун уларни мактабга, маҳалла қўмиталарига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ота – оналарнинг бу борадаги энг муҳим вазифалари болалари камолотини олдиндан тасаввур эта олишлари, тарбия мақсадини аниқлашларидир.

Оилада болаларни тарбиялаш ўзининг бир қанча миллий хусусиятларига эга. Улар халқнинг шаклланган оилавий анъаналари, урф – одатлари, халқнинг руҳияти, ҳаёти ва турмуш тарзидир.

Юртимиз болаларга кўрсатадиган амалий таъсирини оила орқали амалга оширади. Оиланинг ўсмир ёшларга кўрсатадиган таъсир доираси

шунчалик каттаки, шу жамият таъсири билан уйғунлашиб кетади. Шу билан бирга, биз унинг ўзига хос имкониятлари мавжудлигини инкор эта олмайди.

Баркамол инсон тарбиясида оила жамият билан яхлит бир бутунликни ташкил этади, бу эса ҳозирги кунимиз учун хос хусусиятлардан биридир. Ўсмирлар тарбиясга биринчи навбатда ота ва онанинг ўзаро муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Оилалар тарбияси усуллари қўллаш борасид бир – бирлари тажрибасидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан оилаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, яъни “қаттиққўл” ва “юмшоқ” интизомли оилалар. Биринчи гуруҳга кирувчи оилалар ўз фаолиятларида талабга асосланган услубларга, ҳатто, тан жазоси бериш орқали тарбиялашга асосланадилар. Иккинчи гуруҳга кирувчи оилалар эса ўз фаолиятлари намунасида, ишонтириш, юмшоқ интизом, ширин, тўғри муомала орқали тарбиялашга асосланадилар. Агар “қаттиққўллик” интизомли оиланинг ички муносабатларида ҳкумронлик қилса, “юмшоқ” интизомлиларда эса демократия, тенглик муносабатлари мавжуддир. Бироқ “юмшоқ” оилалардаги бундай муносабатлар ота – оналарнинг ўз хулқлари бўйича масъулиятларни камайтирмйди. Бундай интизомли оилалар учун болаларни кўрқитиш усуллари ёт бўлиб, боланинг қадрини билиш, ўз – ўзини ҳурмат қилиш ҳислатларини тарбиялаш асосий ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбиялашда жазо, кўрқитиш усулларида фойдаланган оилалардаги фарзанд вояга етгач, руҳий асаб фаолиятида бузилишлар содир бўлган.

Оилавий келишмовчиликлар, ота – оналар ва болалар ўртасидаги тенгсизликка асосланган муносабатлар, айрим ота – оналарнинг маданият ва маълумотининг нисбатан паст савияда эканлиги мавжуд тарбияга оид билимларни ўзлаштиришга ҳалақит беради. Бекарор кайфият, ҳаётий ўзгаришлар оилавий муҳитда қарама – қаршилиқни вужудга келтиради.

Ўсмирнинг шаклланишида ота – оналар билими ва тажрибасининг, тарбиявий таъсир кўрсатишнинг орқада қолаётганлиги кузатилмоқда.

Оилаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг фаолиятларини қиёсий таҳлил этиш ва баҳолаш мақсадида кўплаб оилаларда табиий кузатишлар олиб борилади.

Олиб борилган кузатишлар натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Оиланинг тарбиявий самарадорлигини ошириш омилларидан бири бола шахсини камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия усуллари ва шаклларига ижодий ёндашиш, уни такомиллаштиришдир. Ўсмирни ҳар томонлама ўрганиш уларни ўқишга, меҳнатга, ўз – ўзига, ўраб турган муҳитга, инсон камолоти учун зарур бўлган сифатлардан энг муҳимларини ажрата олишга ўргатиш имконини беради.
2. Ота – оналар ўртасида тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш, айниқса, оилавий тарбияда қийинчиликка учраётган ота – оналарга жамоатчилик ёрдамини кучайтириш лозим.
3. Оилавий тарбияда ижобий ютуқларни қўлга киритган ота – оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни мактабнинг кенгайтирилган йиғилишларига, ота – оналар қўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир. Улардан унумли фойдаланиш учун мактабларда ота – оналар кунини жорий этиш зарурдир.

Оила ва оилавий муносабатлар мураккаб педагогик жараёндир. Агарда замонавий терминологиядан фойдаланадиган бўлсак, унда оила нималарни бажариши кераклигига халқ ўз шахсий тажрибасида ишонч ҳосил қилган деб айтиш мумкин.

1. Ўсмирларга тарбиявий таъсир кўрсатиш одатлари, анъаналари, методларини ишлаб конструктив методини;
2. Ўсмирларнинг дам олишлари, меҳнат қилиш ва ўқув машғулоти тартибини ўрнатиб, ташкилотчилик вазифасини;
3. Ота – оналар, ота – оналар ва ўсмирлар, ўсмирларнинг ўзлари ўртасидаги яқинлари, қариндошлар, қўшнилари ва шу қабила билан тўғри ўзаро муносабатлар қондасини ишлаб чиқиб, коммуникатив вазифаларини бажаради.

Булар ҳаммаси аста – секинлик билан оилавий муносабатлар тизимини яратади. Оила энг кичик жамоа ҳисобланади. Ўзининг кўнглидаги фикрларини ўсмир фақат ота - оналарига айтиши мумкин, айниқса, сирларини оналарига айтади. Оиладаги ўзаро муносабатлар жуда нозик ва қалтис ишдир, чунки у қариндошлик иплари билан боғланган жамиятнинг биринчи жамоаси билан боғлиқ бўлади. Бу ерда оила ичидаги ўзаро муносабатлар амалга оширилади. Ота – онанинг тарбиявийлик вазифалари аниқланади. Унинг болаларига позитив таъсирини кучайтириш учун шароитлар яратилади.

Оиланинг ва оилавий тарбиянинг ана шу ҳамда бошқа хусусиятлари ҳар доим халқнинг диққат марказида бўлган. Булар ҳаммаси Ўрта Осиё халқи, халқ педагогикаси меросларида ўз аксини топган.

Оила жамиятнинг бошланғич жамоаси бўлиб, ҳаётнинг энг мураккаб ва турли хил ҳодисаларидан таъсирланади. Турмушда жанжаллар бўлиб туради. Халқ оилавий жанжаллар ҳақида нима деб ўйлайди ва оилавий тарбия тажрибалри қандай олдини олиш чораларини ишлаб чиққан. Ҳикматли сўзларда оилавий жанжаллар ажойиб бир фикрлилик билан табиий – қонуний ҳодиса деб қаралади. Ўзбек мақоли тўғридан – тўғри таъкидлайди:

“эзгуликсиз уй бўлади, лекин жанжалсиз уй бўлмайди”. Халқ оддий одамларга “Хатто подшоҳнинг уйида ҳам жанжаллар бўлади” деб ўзини ҳам ва бошқани ҳам тинчлантиради.

Оила муҳити – бу қандайдир алоҳида узиб олинган тарбия воситаси эмас, балки ота – оналарнинг ва катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир.

Мақсадга мувофиқ муҳит ота – оналар болалари билан кўр – кўрона муносабатда бўлмайдиган, бир – бирларини тушунадиган, ҳурмат қиладиган, уларнинг улғайиб камол топишини тўғри назорат қиладиган, тарбиявий таъсирнинг шакл ва усулларида тўғри, унумли фойдаланиладиган оилаларда қарор топади.

Болаларга ота – оналарнинг хатти – ҳаракатлари эмас, балки оғзаки нутқи, савол – жавоблари ҳам таъсир қилади. Ота – она ўзаро жанжаллашиб турсалар, қўшнилари билан чиқиша олмасалар, бир – бирларидан бўлар – бўлмас нарсаларни талаб қилсалар, бундай тарбия яхши натижа бермайди, боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Оила тарбиянинг бошланғич эмоционал ҳолатинигина, ижтимоий муносабатларинигина шакллантириб қолмасдан, балки одамлар орасидаги ижтимоий алоқаларни ҳам тўғри йўлга солади, ота – оналарнинг болаларига бўлган кўзга ташланмас, мураккаб, кўп қиррали таъсирларини таъминлайди. Муболағасиз айтганда, оила ўзининг барча ҳаёт тарзи, кўз илғамас томонлари билан ҳам ўсмир шахсини камол топтиради.

Ўзаро келишув, отанинг фарзандларга ва онага меҳр – муҳаббати юксак ахлоқли инсоний муносабатлари намунаси бўлиб, улар ўсмир қалбини

ларзага келтирдади, атрофини ўраб турган воқеликка самимий муносабат тарбиялайди.

Баъзи педагогларнинг оилавий тарбия самарадорлиги ота – оналарнинг болаларга сарфлаган вақтлари билан эмас, балки уларнинг тарбиясига, оила жамоасининг барча босқичларига боғлиқдир.

Оиладаги тарбиявий шароитни яхшилаш ўсмир тарбияси самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.. албатта, бунда оиланинг руҳий муҳити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосий ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мактаб, синф, ўртоқлари ва барча мулоқот манбаларига нисбатан оилада аниқ тарбиявий омилларга амал қилинса, назорат остига олинса, тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлади.

Ота – оналарнинг фарзанд тарбиясига доир ўз билимларини доимо ошириб боишлари, тарбияда талабчанлик, ота – она ва катта ёшдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлик оилавий тарбия асосини ташкил этади. Бусиз оилавий тарбияда муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Иккинчи томондан, ҳар бир оилада бола тарбияси юзасидан аниқ бир мақсад бўлиши керак. Энг муҳими, оиладаги «Тарбияси қийин»бола тарбиясига ота – она ёки ака – ука, опа – сингил сифатидагина эмас, балки жамиятнинг ҳақиқий фуқароси сифатида ҳам эътибор бериш, ўша ўсмирни мазмунли келажагимизга ишонч ва садоқат руҳида тарбиялаш зарур.

Бола ҳаёт ҳақида, яхшилик ёки ёмонлик, фойдали ёки зарарли тушунчаларни биринчи навбатда оилада, ота – онаси, ака – укаси ёки опа – сингилларидан олади. Агар боғча, мактабларда тарбиячи, ўқитувчи болаларга таълим берса, тарбияласа, ота – оналар фақат тарбиялаб қолмай, балки улар билан бирга яшайдилар ҳам. Бинобарин, улар болаларга таъсир кўрсатишнинг кўп имкониятларига эгадир. Ҳамма гап шундаки, оилавий

тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вақт билан ўлчанмай, балки оиланинг ижтимоий ҳаёт босқичи билан, ота – оналарнинг обрўси ва уларнинг ахлоқи билан аниқланади. Бунда ота – оналарнинг, катта ёшдаги кишиларнинг бола тарбияси юзасидан бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишлари етакчи мезондир. Аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида катталарнинг, хусусан, ота – оналарнинг ижобий муносабатлари болаларни тўғри тарбиялашнинг бирламчи ва зарурий шартидир.

Бунунги кунда Ўзбекистон демократик давлат барпо этишнинг алоҳида босқичини ўтмоқдаки, бу иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Шахснинг ахлоқий – маънавий ва ижтимоий тикланишига таъсир этувчи омиллар орасида оиланинг ўрни бекиёс. Шундай экан, оиланинг ролини ҳеч бир ижтимоий институт фаолияти билан қиёслаб бўлмайди, зеро инсоннинг шаклланиши, ижтимоийлашувчи оила аъзолари билан мулоқот жараёнида уйғунликда амалга ошади. Оила – репродуктив, тарбиявий, психотерапевтик вазифаларни бажаради. Оила ва унинг аъзолари шахс ривожланишига, аввало, мақбул ахлоқий – психологик муҳит яратиш орқали таъсир этади.

Оила ижтимоийлашувнинг бош институти бўлиб, у орқали бола асосий ижтимоий билимларни, маънавий кўникма ва малакаларни эгаллайди, маълум қадрият ва идеалларни қабул қиладики, булар унга жамиятда яшаши учун зарур бўлади.

Ҳозирда ғарбий Европа ва Россияда оилавий муносабатларнинг инқирозга юз тутиши, оила мақомининг пасайиши, эркак ва аёллар ижтимоий ролининг кескин алмашинуви, авлодлар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши кузатилмоқда. Бундай маънавий мезонларнинг йўқотилиши оммавий

ассоциал ҳодисаларга, яъни демографик пасайишга, безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг ортишига олиб келмоқда.

Юртимизда миллий қатламнинг ўзига хослиги, оналик ва болаликни олий ҳаётий қадрият саналиши бундай салбий жараёнларнинг бирмунча олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бироқ, юртимизда ёшлар ва болалар тарбиясида ўзига хос муаммолар мавжуд. Бозор муносабатларига ўтиш ўсмирларнинг маънавий ва оилавий тарбиясини бирмунча мураккаблаштирди. Ёшларни савдо – сотиққа эрта жалб этиш баъзан ахлоқий тамойилларга зид кўриниш ҳосил қилиши, таълим мавқеининг пасайиши, маънавий – ахлоқий қадриятларнинг унутилиши каби салбий сифатларнинг намоён бўлишига олиб келмоқда. Ўз ўрнида бу жараён педагоглар, психологлар, ижтимоий педагогларнинг фаолиятларини бирлаштиришни ва бу муаммоларни ечишни оиладан бошлаш кераклигини талаб этади.

Ижтимоий педагогнинг оила билан олиб борадиган иши унинг жамиятга мослашишига кўмаклашишдан иборат. Бунда ички мослушув, яъни оила аъзолари ўртасида баркамол ўзаро муносабатларга эришиш назарда тутилади.

Ижтимоий педагогнинг «Тарбияси қийин» ўсмирлар оиласида олиб борадиган ишлари қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилади:

1. Таълим йўналиши – таълим – тарбияда кўмаклашиш.
2. Психологик йўналиш – оилада инқирозли даврларда мақбул микромуҳитни яратишда кўмаклашиш, болага психологик зўрлик ҳолатида шахслараро муносабатларни коррекциялаш.
3. Воситачилик – ташкилий ишларда, ахборот олишда кўмаклашиш.

Ижтимоий педагог фаолияти ота – оналар билан фавқулудда кенг масалалар юзасидан тушунтириш ишларини кўзда тутди. Жумладан:

- ота – оналарни бола тарбиясига педагогик ва психологик тайёрлаш;
- оилада турли авлодларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш;
- ота – оналарнинг ҳурмат – эътибори ва шахсий намунасининг аҳамияти;
- ота – оналарнинг тарбияда йўл кўядиган кенг тарқалган хатолари;
- жисмоний ва психик ривожланишида нуқмони бўлган болаларни тарбиялашнинг ўзига хосликлари;
- болалар ва ота – оналарнинг ассоциал хулқи муаммоларини профилактика қилиш ва ҳал этишда ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

«Тарбияси қийин» ўсмирларнинг оиласи билан олиб бориладиган ишлар инқирозли ва муаммоли шакллarga бўлинади.

Инқирозли шакл – оилага муайян инқирозли вазиятда ёрдам кўрсатишдан иборат. Бу ҳолда ижтимоий педагогнинг ёрдами кўпроқ психологик аҳамият касб этади. У оила аъзолари ва ихтисослашган муассасалар реабилитация марказлари, шифохоналар, юридик хизмат ходимлари билан кенгроқ доирада фаолият олиб бориши керак.

Муаммоли шакл – ижтимоий педагог ва оиланинг биргаликдаги ҳаракатлари билан қисқа муддатли ёрдам кўрсатишдан иборат. Алоҳида муаммолар юзага келган вазиятда ижтимоий педагог уларни бартараф этиш учун имкон қадар оила аъзоларининг ўзлари ҳаракат қилишига шароит яратади.

Ижтимоий педагогнинг оила билан олиб бориладиган иш шакллари қуйидаги методлар орқари амалга оширилади. Булар – яқка тартибдаги

суҳбатлар, шартномалар ва оилавий терапия дастурларини тузиш, маслаҳат, патронаж, психологик, коммуникатив ва ижтимоий тренинглар.

Оила билан ишлаш дастури, одатда, қуйидаги режа асосида амалга оширилади:

- ота – оналарга тарбиянинг турли масалалари бўйича педагогик тушунтиришлар бериш;
- ота – оналар ва болаларнинг биргаликдаги фаолият турлари ва шакллари наиклаш;
- турли тоифадаги оилалар, айниқса, номақбул оилалар билан яқка тартибда ишлаш.

Ижтимоий педагогнинг оила билан олиб борадиган фаолиятининг муваффақиятли кечиши кўп жиҳатдан унинг педагогик ижтимоий, психологик, тиббий, ҳуқуқий, этник, диний жиҳатларни қамраб олган билим ва малакаларининг мажмуавийлигига, коммуникатив қобилиятларининг ривожланганлигига, маънавий – ахлоқий ва фуқаровий етуклигига боғлиқдир.

Ижтимоий муҳофаза давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда оилалар билан фаолият олиб борадиган ижтимоий педагог кадрлар тайёрлаш бунуги кундаги долзарб вазифа бўлиб қолади.

Инсон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам машҳур алломалар оила тарбиясига катта эътибор беришган ҳамда шу масалага бағишлаб қатор қимматли асарлар ёзишган. Доно халқимиз “Бола – бошидан, ниҳол – ёзишдан” – деган нақлни бежиз айтмаган. Модомики шундай экан, ёш авлодни таркиб топтириш, тарбиялаш ишини ёшлиқдан, оиладан бошлаш керак: Бинобарин, оиладаги

тарбия жараёнида ҳар бир дақиқа ва фурсатни қўлдан бой бериш орқали ота – оналар кейинчалик кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Ахир нотўғри тарбия туфайли нафс балоси ўқига гирифтор бўлган, ўн гулидан бир гули ҳам очилмай туриб умри ҳазон бўлган ёшлар камми?

Маълумки, ёш авлодга мақсадга мувофиқ тарбия бериш учун ота – оналар ҳам тарбиянинг вазифаси, мақсади, воситалари, шарт – шароитлари юзасидан ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, фарзандларининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳода иш юритишлари лозим.⁸

Ўзбек оиласида бола тарбиялашнинг ишонтириш, тушунтириш, насихат, ибрат – намуна кўрсатиш, яхши фазилатларни машқ қилиш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш, огоҳлантириш, жазолаш каби усуллари қўлланилади.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота – оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Хусусан, улар қуйидагича:

1. оилада ҳиссий мослик, руҳий ҳотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш;
2. ота – она обрўсини сақлаш;
3. тарбия ота – она, катталар ўртасида талабчанлик бирлиги;
4. ўсмир шахсини меҳнатда тарбиялаш;
5. оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги;
6. оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш;
7. тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;

⁸ Эгамбердиева Н “Ижтимоий педагог фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари”, “Бола ва замон” журнали, №1, 2006 йил (2), 22-23-бетлар

8. бола тараққиётини аниқлаб бериш ва бошқалар.

Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Болаларнинг билим олишдаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режимга боғлиқ. Шунинг учун ота – оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат кўрсатишлари, оқилона тузилган оила режимига қатъий амал қилишлари, фарзандларга ҳам ўргатишлари даркор.

Оилада бола тарбияси иккиёқлама аҳамият касб этиб, фақат фарзандларига руҳият ва маънавий билмидан сабоқ бериш билан қаноатланиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам тарбия сеҳрлари, хусусиятлари, ҳолатлари моҳияти ва маъноси юзасидан янги – янги маълумотлардан хабардор бўлиб туришлари лозим.

Ўсиб келаётган фарзандлар тарбияси ота – оналардан махсус педагогика ва руҳият бўйича билимлар алоҳида кўникмалар бўлишини қатъий равишда талаб қилинмасада, доимий юз бераётган тарбия муаммоларини тўғри ҳал қилиш устида фикр юритишни тақозо этади.

Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришдир. Бунга болани фақат ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ота – она ўғил – қизларни тарбиялашда уларни кўрқитишда ёки асоссиз буйруқ беришга таянмасдан иш тутиши керак. Шунини алоҳида инобатга олиш лозимки, айниқса, ўсмир ёшидаги болаларнинг руҳий дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор сабаблар таъсир қилади. Жумладан, унинг биологик жиҳатдан тараққиёти, жинсий ўсиши, педагогик жамоа кўламининг кенгайиши, қуршаб олган муҳит таъсири ва бошқа омиллар. Ана шу омиллар таъсири натижасида унинг руҳиятида кескин бурилиш ясалади. Шунинг учун мактабда, оилада ва кўча – кўйда ўзини тутиш ўзгаради, ахлоқий масалаларга

қараш бошқачароқ тус олади. Худди шу даврда ўсмирларда шахсий фикрини маъқуллаш, бошқалар фикрига танқидий муносабатда бўлиш, камчиликларига ўз вақтида иқдор бўлмаслик, ўжарлик, ўзбилармонлик, ўзини каттлардек ҳис этиш каби хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди. Ўсмирларнинг юриш – туриши, меҳр – оқибати, ақлий камолоти турлича бўлади. Шунинг учун улар билан муомала қилишда шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутилса, оилада ўзаро тушуниш, тотувлик, ҳамжиҳатлик, руҳий мослик вужудга келади.

Ўсмирларни тарбиялаш ишида энг муҳим шарт – оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосда қурилганлиги, аввало, ота – оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари, улар ўртасида тотувлик, аҳиллик барқарор бўлиши, фарзандларни келажак ҳаётга тайёрлаш – уларнинг кундалик эътиқод тарзида масъулиятли бурч эканлигини онгли тушунишлари ва буни амалда оқлашлари керак. Акс ҳолда, “Қамишни бўш ушласанг, қўлингни қияди” деган гап бор. Бир донишманд “бир болани тарбия қилиш, бир давлатни идора қилишдан кўра қийин кечади” деган эди. Модомики шундай экан, фарзандларимиз тарбиясини барча ишлардан устун билишимиз керак. Ҳеч бир юртда оилага бизнинг давлатимиз сингари алоҳида эътибор билан қаралмайди. Йилномаларнинг “Оила йили” деб номланиши, 15 – майнинг “Халқаро оила йили” деб номланиши бу фикрларимизнинг исботи ҳисобланади.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда: “Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – мамлакат барқарордир”.⁹ Шунинг учун ҳам оила муқаддас ҳисобланиб, унга ҳаёт мактаби дея таъриф берадилар. Бола учун оила – биринчи ватан, ижтимоий

⁹ Каримов И.А “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, //“Халқ сўзи”// 1998 йил, 2 декабр.

ҳаётнинг биринчи поғонасидир. Оилада бола ўзини биринчи марта жамоа аъзоси деб сезади, болаларга хос вазифаларни адо этишга, бошқаларнинг меҳнатини қадрлашга ўрганади.

Оилада фарзанд тарбияси муаммоси ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган муҳитни қанчалик ахлоқ – одобнинг маданият қоидалри асосида ташкил топган бўлса, бола шахсининг тўғри шаклланиши учун шарт – шароит яратилса, шахс шунчалик баркамол, комил инсон бўлиб етишади.

I.Бобга хулоса

Хулоса қилиб айтганда тарбия - кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараёндир. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси одамлар, нарсалар, ҳодисалар уларнинг онгида, хулқ-атворида маълум из қолдиради уни ўзгартиради ва ўстиради. Болаларда, ўсмирларда, ёшларда ижобий сифатларни қарор топтириш учун улар билан мунтазам тарбиявий ишлар олиб бориш лозим.

Тарбия тарихан вужудга келган ижтимоий ҳодиса бўлиб, кейин хулқни бошқариш ва белгилаш бир-бирини талаб этадиган ва белгилайдиган таркибий қисмлар –ахлоқий онг , ахлоқий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидир. Ўсмир шахсини ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун аввало унинг хулқига таъсир этувчи омилларнинг табиатини, шахснинг шахсий хусусиятларини яхши ўрганмоқ лозим. Бунинг учун шахсни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш даркор. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади.

II. БОБ. «Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар.

II. 1. Оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан ишлаш режалари.

Жамиятда оиланинг ролини ўзининг кучи бўйича бошқа ҳеч бир ижтимоий институтлар билан тенглаштириб бўлмайди. Айнан оилада инсоннинг шахси шаклланади ва ривожланади, бола жамиятда қийинчиликсиз мослашиб кетиши учун ижтимоий вазифаларни эгаллайди. Оила биринчи тарбиявий институт сифатида иштирок этади, у билан боғлиқликни инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ҳис этади. Оилада инсоннинг маънавийлигига асос солинади, хулқий қоидалари индивидуал сифатлари осиб берилади. Статистиканинг кўрсатишича, хўжалик юритиш бозор сиёсатига ўтиш ижтимоий институт сифатида оила ҳолатига анча салбий таъсир кўрсатади.

Ҳамма даврларда ҳам ҳар қандай оила ўзининг болаларини тарбиялашда ёрдам олишга талабни ҳис этган. Тарихнинг кўрсатишича, одамлар катта оилалар билан яшаганларида оилавий ҳаётнинг зарур бўлган билим ва кўникмалари авлоддан – авлодга табиий равишда ва оддий кундалик тарзда ўтиб кетган.

Завонавий ривожланган жамиятда авлодлар ўртасидаги оилавий алоқалар бузилмоқда. Шунинг учун жамият оилани ташкил этиш ва ўсмир ёшларни тарбиялаш ҳақидаги зарур билимларни етказиш бўйича ишларни ўз зиммасига олади. Ҳозирги пайтда ота – оналарга мутахассис психологлар, ижтимоий ишлар ходимлари, ижтимоий педагоглар ва ўсмирларни тарбиялаш бўйича бошқа мутахассисларнинг ёрдамлари зарур. Ага шу

мутахассисларнинг ёрдамига фақат нотинч, ёмон шароитдаги оилалар ҳам муҳтожлар.

Оила ҳақида бир неча хил тушунчалар мавжуд: биринчидан, оила бу никоҳ ва қон – қариндошликка асосланган кичик ижтимоий гуруҳ, унинг аъзолари биргаликда яшайдилар ва уй ишларини бажарадилар, бир – бирларига нисбатан ўзаро мажбуриятлар билан бирлашганлар. Иккинчидан, оила бу ижтимоий институт бўлиб, унда одамлар ўртасида доирасида одамларнинг кундалик ҳаётининг асосий қисми амалга оширилади: фарзанд кўриш ва болаларнинг бошланғич ижтимоийланиши, тарбиялаш, тиббий хизмат кўрсатиш. Олимлар оиланинг турли вазифаларини кўрсатадилар. Биз биринчи навбатда ўсмир тарбияси ва ривожланишига тегишлиларига тўхталиб ўтамиз.

Бошланғич ижтимоийлаштириш вазифаси

Оила – жамиятнинг бирламчи бўғини сифатида кўп асрлик анъаналар , урф – одатларга таяниб яшайди. Оила халқнинг таянчи, маънавий ва ахлоқий мерос маконидир. Оила тарбиясини анъана, урф – одатлар, маросимлар замирида ижтимоий ҳаёт тушунчаси ва қоидаларини авлоддан – авлодга ўтказиб келади. Миллий истиқлол ғоясининг куртаклари, энг аввало, оилада униб – ўсади. Бу жараёнга ота – оналар ва фарзандларнинг ҳамкорлиги, қариндошларнинг ўзаро ёрдами катталарга иззат – иқром кўрсатиш, болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш каби инсоний меҳр – оқибат ришталари таъсир кўрсатади.

Оиладаги соғлом муҳит – юксак маънавий – ахлоқий хислатларни шакллантириш кафолатидир. Оила, мактаб ва вояга етмаган ўсмирлар билан ишлаш инспекциясининг ижтимоий – педагогик имкониятлари, уларнинг қонунга бўйсунувчи фуқароларни тарбиялаш юзасидан биргаликда олиб

борган ишлари вояг етмаган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни таъминлайди.

Оила ўсмир шахсини шаклланишга фаол таъсир кўрсатадиган биринчи ва асосий ижтимоий гуруҳдир. Оила ижтимоий микромуҳитдир ва ижтимоий таъсир кўрсатиш осилларидан биридир. У ўсмирнинг жисмоний, психик ва ижтимоий ривожланишига таъсир кўрсатади. Оиланинг вазифаси ўсмирни дунёга келган мамлакат маданиятига ва бола табиатига мос равишда ривожланиб бориши учун уни аста – секин жамиятга кириб боришдан иборатдир.

Инсоният тўплаган ижтимоий тажрибаларига, у туғилиб ўсаётган мамлакат маданиятига, унинг маънавий – ахлоқий қоидаларига, халқ анъаналарига болани ўргатиш ота – оналарнинг мажбурий вазифасидир.

Тарбиявий вазифаси.

Бошланғич ижтимоийлаштириш жараёнида ўсмирни оилада тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ота – оналар ўсмирнинг биринчи тарбиячилари бўлган ва шундай бўлиб қоладилар. Болани оилада тарбиялаш мураккаб ижтимоий – педагогик жараёндир. Оиладаги шароит ва муҳит бола шахси шаклланишига таъсир кўрсатади. Ота ва она ўз боласини ардоқлайди, эркалайди, ташвишини қилади, ҳаёт ташвиш ва қийинчиликларидан яйрайди. Ота – оналарнинг шахсий ибратлари ўсмир тарбиясига таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. унинг тарбиявий аҳамияти боланинг тақлид этишга қизиқиши, ҳавас қилишга асоланган. Юилим ва тажрибаларга эга бўлмай, ўсмир катталарнинг қилганларини такрорлайдилар, уларнинг ҳаракатларига тақлид қиладилар. Баъзан боланинг оилада олган тажрибаси ўсмирнинг атроф – дунёга, одамларга нисбатан ағона ўлчов белгиси бўлиб қолади. Тўғри, баъзан оилаларда ота – оналари бемор бўлганида, бузук ҳаёт кечирганларида, педагогик маданиятга эга бўлмаганларида ва шу қабиладарда

тарбия бузилиши мумкин. Албатта, ўсмир шахси тарбиясига шунчаки унинг борлиги билан таъсир кўрсатмайди, балки қулай маънавий – психологик муҳити, унинг аъзолари ўртасидаги соғлом муносабатлар билан таъсир кўрсатади.

Рекреатив ва психотерапевтик вазифаси

Рекреатив функцияси ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир – бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этишдир. Бунинг мазмуни оилада инсон ўзини тўла ҳимояланган деб ҳис этадики, тўла қабул қилинган унинг мавқеи, ташқи кўриниши, ҳаётдаги муваффақиятларидан, моддий аҳволидан катъий назар, оила уни қабул қиладиган бошпана бўлишидан иборат. “Менинг уйим – менинг қасрим” ибораси соғлом, тинч оила - дунёдаги ҳамма нотинчликлардан вақтинчалик бўлса ҳам яширишга, дам олиб ўз кучларини тўплаб олишга энг ишончли ва энг яхши бошпана деган маънони яхши ифода этиб беради.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги: болалар ва ўсмирларни тарбиялашда оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, халқ таълими соҳасининг асосий принципларидан биридир.

Афсуски, мактаб билан алоқа қилишнинг муҳимлигини баъзи ота – оналар тушунишмайди. Болалари педагогик жиҳатдан қаровсиз бўлган ота – оналарнинг кўпинча ўзлари қайта тарбияга муҳтождирлар. Шу сабабли ўсмирларни қайта тарбиялаш ишининг асосий йўналиши уларнинг педагогик жиҳатдан қаровсизлигининг сабабларини аниқлаш ва биринчи навбатда, улар оиласининг ахлоқий муҳитини ўрганишдир. Биз ўтказган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, нотинч илалар кўпинча мактабнинг ҳар қандай таъсиридан четда қолган бўладилар, педагогика билимлари уларга етиб бормайди. Кўпгина ота – оналарнинг мактаб билан алоқаси яхши бўлмайди

ва у билан алоқа боғлашни керак деб ҳисобламайди. Уларнинг баъзилари ўзларини педагогик жиҳатдан саводли деб биладилар ва ўқитувчиларнинг маслаҳатларини назар – псианд қилмайдилар. Кўпинча бундай ота – оналар ҳатто чақирилганда ҳам мактабга келмайдилар ва педагогларга нисбатан салбий йўл тутадилар. Ўсмирларнинг мактабда олган ижобий ахлоқий тасаввурлари бундай оилаларда қўллаб – қувватланмайди, уларнинг бутун турмуш тарзи билан эътиборсиз қолдирилади. Ота – оналарни, болаларни тўғри тарбиялашга ўргатиш – мактабнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу фақат ота – онадарга педагогик билим бериш, пухта ўйлаб ташкил қилинган тақдирдагина мумкин.

«Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ота – оналари учун педагогик ташвиқотнинг энг муҳим шартлари қуйидагилардир:

- оилавий тарбия методларини систематик тарзда ўрганиб бориш;
- ота – оналарнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг умумий билим ва маданий савиясини билиш;
- «Тарбияси қийин» ўсмирларга ота – оналарнинг салбий таъсири манбаларини билиш;
- уларнинг салбий хулқ – атворига имкон берадиган микромуҳитни ўрганиш;
- оилавий тарбиянинг камчиликларини ҳисобга олиб, педагогик таъсирнинг методларини ташвиқот қилиш;
- ота – оналарга систематик тарзда билим бериб бориш;
- бу ишда психологлар, ижтимоий педагоглар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллариининг иштирок этиши.

Ўзбекистондаги энг яхши мактабларнинг амалиётда педагогик ташвиқот усулларининг системаси таркиб топган бўлиб, у умуммактаб ва синф йиғилишларини, ота – оналар институти, конференцияларни ўз ичига олади. Педагогик ташвиқотнинг ана шу барча кўринишлари ота – оналарга ижобий баъсир қилади. Лекин «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ота – оналари учун улар камроқ натижа беради, чунки бундай ота – оналар бу тадбирларда қатнашмайдилар.

Биз «Тарбияси қийин» ўсмирлар ота – оналарининг ота – оналик бурчларига муносабатларини ўзгартириш, уларни педагогик ва психологик билимлар билан қуроллантириш мақсадида ишни режали ташкил этишга ҳаракат қилдик. Бу ота – оналар билан ишлашда биз индивидуал ва гуруҳ бўлиб тушунтириш ишлари ҳамда маъмурий, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларининг ёрдамидан фойдаландик.

Биз «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ота – оналарини шартли равишда олти гуруҳга бўлдик ва улар билан қуйидаги тематика бўйича суҳбатлар тайёрладик:

Биринчи гуруҳ учун

(педагогик саводи паст даражада бўлган ота – оналар)

1. Ўсмирлик ёшидаги болаларнинг хусусиятлари.
2. Ўсмир қай тариқа «Тарбияси қийин» бўлиб қолади?
3. Сиз болаларни рағбатлантира биласизми?
4. Сиз болаларни тўғри жазолайсизми?
5. Ўсмирларни тарбиялашда мактаб билан оила талабларининг бирлиги ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ учун

(Оилавий тарбияда хатоларга йўл қўядиган ота - оналар)

1. Ўсмирларнинг хусусиятлари.
2. Болаларнинг қайсарлиги билан қандай курашиш керак?
3. Болаларни бошқалар учун яшашга ўргатасизми?
4. Болаларда камтарлик ва ҳалолликни тарбиялаш.
5. Оила билан мактаб педагогик таъсирининг бирлиги – ўсмирни қайта тарбиялашнинг зарур шarti.

Учинчи гуруҳ учун

(болалари назоратсиз қолган ота - оналар)

1. Мактаб ўқувчиси учун кун тартибининг аҳамияти.
2. Ўсмирнинг гапга кирадиган бўлишига қандай эришилади?
3. Талаб қўйиб тарбиялаш.
4. Фарзандларни тарбиялаш учун ота – онларнинг масъулияти.
5. Ўсмирларни рағбатлантириш в жазолаш.

Тўртинчи гуруҳ учун

(раҳмсизлик ва адолатсизликка қўядиган ота - оналар)

1. Тарбия жараёнида ўсмирга индивидуал ёндашув.
2. Ота – оналарнинг болалар билан ўзаро муносабатлари.
3. Сиз болаларни тўғри жазолайсизми?

4. Болани нима учун ва қандай жазолаш керак?
5. Ҳалоллик ва ростгўйликни тарбиялаш.
6. Болаларни жисмоний жазолашнинг оқибатлари.

Бешинчи ва олтинчи гуруҳлар учун

(ахлоқсиз турмуш кечирадиган ва болаларни жиноий фаолиятга жалб қиладиган ота - оналар)

1. Ота – оналар жавобгар бўлганида.
2. Барча болалар ва ўсмирлар учун умумий ўрта таълимни амалга ошириш тўғрисида.
3. Ота – оналар ва ўқувчиларга давлат ва жамоатчиликнинг ёрдам тадбирлари тўғрисида.
4. Болаларни тарбиялаш бобида ота – оналар хатти – ҳаракатининг ҳуқуққа асосланган бўлиши.
5. Болаларни тарбиялашдан бош тортганлик учун ота – оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, ота – оналарнинг ахлоқсиз ва жамиятга зид ҳуқ – атвори.
6. Ўсмир учун жисмоний ва бошқа хил оқибатларни келтириб чиқарадиган шафқатсизлик учун жиноий жазолаш.

Ота – оналарга шуни тушунтириш зарурки, болаларни ахлоқсиз ва ҳуқуққа зид ҳуқ – атворга бевосита бошлагани учун катталарга нисбатан жиноят қонуни чоралари қўлланилади. Ота – оналар билан суҳбатларда оилавий тарбия амалиётидан олинган мисоллар билан аниқ маълумотлардан фойдаланиш лозим. Бунда педагогик одобга риоя қилган ҳолда дўстона суҳбатлашиш керак.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялаш соҳасида мактаб билан оиланинг биргаликдаги ишини ташкил қилиш мақсадида мен V – VII синфларнинг «Тарбияси қийин» ўсмирлар ота – оналари учун синфлар бўйича умумий таълимнинг намунавий режа дастурини тузиб чиқдим.

5- синф.

Сентябр.

I суҳбат: “Ота ва она тарбиячи сифатида”.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан никоҳ ва оила тўғрисидаги Қонун болаларни тарбиялаш соҳасида ота – оналарга қандай вазифалар юклайди.
2. Оилада болаларни тарбиялашга асосан ким ғамхўрлик қилади.
3. Ота тарбиячи сифатида.
4. Она ва болалар.
5. Ота билан она обрўси ва уларнинг оилавий ўзаро муносабатларининг бола шахсиятининг шаклланишига таъсири.

Октябр.

II. Оғзаки журнал: “Бешинчи синф ўқувчисининг уйдаги ўқув иши”.

1. Тарбиявий иш режасини муҳокама қилиш.
2. “Сиз синфга, мактабга қандай ёрдам кўрсата оласиз?” деган савол билан анкета тарқатиш.

Ноябр.

III. Маъруза: “Ўсмирнинг оиладаги ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси”.

1. Мустақил юрт ватанпарварлигининг хусусиятлари ва оилада уни тарбиялаш методлари. Оиланинг ватанпарварлик анъаналари асосида тарбиялаш, Ватанни ҳимоя қилишга бағишданган китоблар, телеэшиттиришларни оилада муҳокама қилиш.

2. “Ўқувчилар учун қоидалар”нинг ахлоқий талаблари.

IV. Суд ёки прокуратура ходимининг “Ҳуқуқнинг бузилиши учун болалар ва ота – оналарнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги суҳбати.

Март.

V. Ота – оналар конференциялари: “Ота бўлиш – буюк лавозим” ота – оналар қатнашади.

Режа:

1. Ўқитувчининг “Ота шахсий намунасининг ўсмирга таъсири. Ўғил болалар ва қизларга нисбатан таъсирининг ўзига хос хусусиятлари” мавзуидаги чиқишш.

2. Оналарнинг: “Оилангизда болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосан кимнинг заммасида” мавзуидаги чиқишлари.

3. Оталарнинг: “Оилавий тарбия тажрибасини алмашув” мавзуидаги чиқишлари.

4. Синф раҳбарининг айрим оилалар билан иш олиб бориш тўғрисидаги ахбороти.

VI синф.

Октябр.

I. “Оиланинг синф ўқувчиларининг уйдаги ўқув иши” мавзусида суҳбат. Бунда кун тартибини мустақил тузиш ва унга риоя қилиш одатини тарбиялаш, ўқув вазифалари бажарилмаслигининг сабаблари, ота – оналарнинг бунга муносабати.

II. Педагогик амалиёт:

1. Мустақил билим олиш юзасидан топшириқ.
2. Боланинг уй топшириқларини бажаришини кузатиш юзасидан топшириқ.

Ноябр.

III. “Олтинчи синф ўқувчисининг оиладаги ахлоқий тарбияси” мавзусида ота – оналар конференцияси.

1. Ўқитувчининг чиқиши.
2. Ота – оналарнинг қуйидаги мавзуларда чиқишлари:
 - оилада ўсмирларда жамоатчиликни, ўртоқлик, дўстлик, бирдамлик туйғусини тарбиялаш;
 - одамларга ҳурмат ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарликни тарбиялаш;
 - маънавий ва моддий эҳтиёжларини тарбиялаш;
 - ўсмирнинг бўш вақтини ижодий машғулотлар билан тўлдириш тўғрисида ота – оналарнинг ғамхўрлик қилиши.

VII синф.

Октябр.

I. Еттинчи синф ўқувчисининг уйдаги ўқув иши мавзусида суҳбат.

1. Еттинчи синфда ўзлаштириш пасайиб кетишининг сабаблари.

2. Еттинчи синф ўқувчисининг ўқув ишидаги қийинчиликлар (ақлий фаолиятнинг кучайиши, танқидий тафаккур ривожлинаши муносабати билан аввалги қарашларни қайта кўриш ва қайта баҳолаш).

3. Еттинчи синф ўқувчиси шахсининг ўзгаришига ота – оналарнинг эътибор бериши. Жинсий ривожланиш билан боғлиқ майлларнинг пайдо бўлиши.

II. Педагогик амалиёт:

Фарзандингиз қайта кўриб чиққан ва қайта баҳолаган қарашларни таҳлил қилинг.

Ноябр.

III. “Еттинчи синф ўқувчисининг ёш хусусиятлари” мавзусида шифокор суҳбати;

- жинсий ривожланиш даврида ўсмирнинг туйғуларини тарбиялаш;
- дўстлик ва муҳаббат туйғуларини тарбиялаш;
- ота – оналарнинг муносиб ибрати;
- ўсмирларда ичкиликбозликка қарши нафратни тарбиялаш.

IV. Педагогик амалиёт:

«Тарбияси қийин» ўсмирларни қайти тарбиялаш мавзусидаги адабиётлар билан ота – оналарнинг танишиб чиқиши.

Оталар билан суҳбат ўтказганда, ота – бола учун энг яқин киши эканлигини уқтириш зарур. У боланинг дунёга келиши учун, ҳаётдаги ҳар

бир қадами ва хатти – ҳаракати учун жавобгардир. Авлодлар давомийлигининг ота билан она бунёд этган янги шахс маънавий камолотининг юксак масъулияти оталик зиммасига тушади. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларининг тўғри бўлиши, катталарнинг болалар хулқ – атворига талабчанлиги кўп жиҳатдан отага боғлиқдир. Ўғилнинг итоат қилиши, гапга уннаши, интизоми меъёри ота жавобгарлигининг меъёри билан белгиланишлигини ҳамма оталар тушуниши зарур.

Суҳбат ота – оналарни фаоллаштириш, уларни тарбия масалалари устида бош қотиришга мажбур қилиши керак. Тавсия этилаётган маълумотларни ота – оналар фаоллик билан қабул қилишлари учун уларга саволлар бериш, турмушдаги айрим вазиятлар устида ўйлаб кўришни таклиф этиш лозим, бу уларнинг фикрини ва юз бериши эҳтимол бўлган хатти – ҳаракатларини аниқлашга ёрдам беради.

Чунончи “Оилада ўсмирларни рағбатлантириш билан жазолаш” мавзуси юзасидан ота – оналарга қуйидаги саволлар берилди:

1. Болаларни тарбиялашда рағбатлантириш билан жазолашнинг роли қандай?
2. Болани қаттиқ танқид қилиш оқибатлари ҳақида.
3. Рағбатлантириш чоралари. Тарбиявий амалиётда сиз кўпроқ қандай чоралардан фойдаланасиз?

Ота – оналар билан жамоавий суҳбат ўтказганда, таклиф этилаётган вазиятни аниқ тасвирлаб, масалаларни пухта тайёрлаш зарур. Юқори савияда ўтказилган суҳбатлар «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ота – оналари учун яхши мактабдир. Ота – оналар билан табақалаштирилган суҳбатларга биз биринчи даражали эътибор қаратиб, айнаи вақтда уларни умумсинф тадбирларига жалб этишга ҳаракат қилдик, ота – оналар билан индивидуал

тарзда тушунтириш ишлари олиб бордик. Тушунтириш ишларини олиб бориш жараёнида ҳуқуқшунослар, психологлар, вояга етмаганлар ишлари инспекцияси ва ижтимоий таъминот органлари ходимлари жалб қилдик.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 48 – умумий ўрта таълим мактабида олиб борилган тажриба иши шуни кўрсатдики, индивидуал тарздаги тушунтириш ишларида ўсмир тўғрисида аниқ маълумотлар тўпланди, ота – оналарга маслаҳатлар берилди, мактаб билан оиланинг биргаликда таъсир кўрсатиш тадбирлари муҳокама қилинди.

Афсуски, ўсмирларни тарбиялашда қатнашишдан бутунлай бош тортадиган ота – оналар ҳам учраб туради, шу сабабли ўсмирларни қайта тарбиялаш билан боғлиқ бутун ишни мактабларнинг педагогик жамоалари ўз зиммасига олишига тўғри келади.

Шу тариқа «Тарбияси қийин»ўсмирларни қайта тарбиялаш юзасидан системаси ва изчил равишда иш олиб бориш ўзининг ижобий натижаларини беради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, хатто ота – онлар «Тарбияси қийин»ўсмирларни тарбиялашдан ўзларини четтга олганда ҳам, агар синф раҳбари қуйидагиларга амал қилса, мактаб муайян муваффақиятларга эришишга қодирдир:

- ўсмирнинг у ёки бу билимларнинг ўзлартиришга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатса;
- ўсмир мактабдан ташқари вақтини ўтказадиган оилани ва муҳитни яхши билса;
- ўқитувчи ўз ўқувчисининг ички дунёсига йўл топа олса, ўсмирнинг нимага қизиқишини, дунёқарашини билса.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни ўрганиш, уларни қайта тарбиялашнинг методларини излаш мактаб билан оила ўсмирни қайта тарбиялаш учун шароит яратишга ҳамма ҳам қодир бўлавермслигини кўрсатади. Бунда маҳалла ва жамоатчиликнинг ёрдами зарур.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялашни мактаб икки йўналишда олиб бориши керак: тарбияси қийн

ўсмирнинг ота – оналари билан ишлаш ва ўсмирларнинг ўзи билан ишлаш.

Тарбияси қийин ўсмирнинг оиласи билан ишлаш индивидуал режани қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

- тарбияси қийинликнинг сабабларини аниқлаш;
- сидқидилдан якка суҳбатлашиб ота – оналарга психологик таъсир кўрсатиш.

Оилавий тарбия шароитини ўрганиб, педагогик жиҳатдан қаровсизлик сабабларини аниқлаб, ота – оналар билан маҳалла ва жамоатчилик билан алоқада бўлиб, ўсмирни қайта тарбиялаш юзасидан биргалашиб ҳамкорликда қилинадиган ишлар режасини тузиб чиқиш зарур, бу режа қуйидаги тадбирларни кўзда тутиши лозим:

-оилада ўсмирга салбий таъсир кўрсатадиган манбаларни бетарафлаштириш;

- мактабда ўсмир билан олиб бориладиган ғоявий – тарбиявий ишни қайта кўриб чиқиш;

- ўсмирга системали ва изчил равишда ёрдам кўрсатиш ва унинг хулқ – атвори ҳамда ўқишини назорат қилиб бориш;

- уни фаол меҳнат ва жамоат фаолиятига жалб қилиш;

Ўсмирни қайта тарбиялаш жараёнида унинг индивидуал хусусиятларини ҳамда педагогик жиҳатдан қаровсизликнинг даражасини ҳисобга оладиган ягона талабларга амал қилиш.

Ўсмирлар хулқ – атворининг меъёрлари тикланган оилалардаги ахлоқий муносабатларни анализ қилиш бунга қуйидаги ҳолатлар ёрдам берганлигини кўрсатди:

- оилада педагогик жиҳатдан қаровсиз бўлмаган болаларнинг борлиги;
- ота – оналарнинг ўзлари болани қайта тарбиялашга интилиши;
- педагогларнинг куч – ғайратини ота – оналар сўзсиз қўллаб – қувватлаши;
- «Тарбияси қийин» ўсмирни жамоанинг куч – ғайрати билан қайта тарбиялаш;
- ўсмирнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш;
- «Тарбияси қийин» ўсмирнинг ўқитувчиси, ота – онаси ва тенгдошларининг биргаликдаги фаолияти ва бошқалар.

Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг жамиятмизнинг муқаддас вазифаси – қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий томондан етук қилиб тарбиялаш, ота – онасига, Ватанига содиқ инсонлар этиб тарбиялашдан иборат. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституциясида оила – жамиятнинг асосий бўғини, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланади, вояга етган, меҳнатга яроқли болалар ўзларининг ота – оналарига ғамхўрлик қилиши шарт, деб кўрсатилган. Бу ишончли ҳуқуқий кафолатларда халқимиз босиб ўтган узоқ ва ёрқин тарихий йўлнинг ўлмас мерослари ётибди. Ахир, ота – онага, бир – бировга мурувват, ҳурмат – иззат – буларнинг барчаси асрлар

давомида авлоддан – авлодга ўтиб, бизгача етиб келган ва қонимизга, танимизга сингган энг яроқли инсоний хусусиятдир.

Бугун мустақиллик шарофати билан ўз миллийлигимизни, ўзлигимизни қайта тикляпмиз, орзу – интилишларимиз амалга ошди, виждон эркинлиги барчамизга тенг. Буларни ёш авлодга чуқур ўргатмай, ўз халқига, унинг манфаатига ҳурмат руҳида тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярларини тарбиялаш мумкин эмас.

Президентимиз таъкидлаганидек, оила – бу жамиятнинг асоси, маҳалла – миллий қадриятларимизнинг бешиги!¹⁰ Шундай экан, келажак авлодларнинг тақдири авваламбор ёшларда шакллана бошлайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати, жамоат ташкилотлари ёшлар билан ишлашда уларни ўзларининг бирдан – бир таянчлари деб билади. “Қуш уясида кўрганини қилади” – дейди халқимиз. Инсон учун энг азиз нарса бу – оила. Мустаҳкам оила, тотув маҳалладагина ибратли ўғил – қизлар ўсади.

Бизнингча, маҳаллаларда эндиликда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар қуйидагилардир:

- ҳар бир маҳаллада спорт иншооти бўлиши лозим;

- ҳар бир маҳалла гўзарида “Болалар клуби” ташкил қилиниб, унда замонавий компьютерлар орқали болаларнинг қизқиштга қараб иш ташкил қилишни йўлга қўйиш, бунда ташкилотчи – педагоглардан фойдаланиш, меҳнат биржасини бу ишга жалб этиш керак;

- ҳар бир маҳалланинг туманнинг тарихини ятариб, ўсмирларда ўз маҳалласига, ўзи яшаётган жойга меҳр ўйғотиш керак.

¹⁰ Каримов И.А “Юксак маънавият- енгилмас куч” Т.: “Маънавият” нашриёти, 2008 йил, 52-бет

Маҳаллалардаги ҳар бир оиланинг шажарасини яратишда маҳалла оқсоқоллари кенгашлари катта иш олиб боришлари лозим. Ёшларни ўз оиласи шажараси орқали тарбиялашнинг беқиёс имкониятини яратиш ҳар бир ота – онанинг муқаддас бурчи эканлигини унутмайлик.

Ўсмир тарбиясида яна бир масалани назардан қочирмаслик даркор. Бу мустамлака, тобелик шароитида шаклланган турмуш тарзимиздаги иллатлар, боқимандачилик, танбаллик, тобелик кайфиятларидан озод бўлишда кечаги куннинг “қаҳрамонлари” бўлган, ўз отаси, буvasининг қотилига айланган “қизил”ларнинг аниқ афти – башарасини кўрсатиш орқали ёшларда мустақил Ватанимизга меҳр ўйғотиш лозим.

Юртимизнинг барча жабҳаларидаги маҳаллаларда “Маҳалла ва миллий маросимлар”, “Маҳалла ва оила”, “Маҳалла ва ёшлар тарбияси”, “Жиноятчиликка қарши курашда маҳалланинг аҳамияти”, “Маҳалла ва мактаб” каби ўнлаб мавзуларда тadbирлар, маъруза ва суҳбатлар ўтказилади. Ҳокимликлар томонидан “Энг ибратли маҳалла оқсоқоли” кўрик – танловлар уюштирилмоқда.

Бунуги кунда умумтаълим мактабаларининг 9- синфини тугатиб, ишга жойлаша олмай оввора бўлиб юрган кўплаб ёшларнинг тақдирини ҳал қилиш учун, менинг назаримда, давлат миқёсида қонун қабул қилиш зарурга ўхшайди. Чунки, “Таълим тўғрисида”ги қонунда 9 йиллик мажбурий таълим белгиланган экан, мактабни битирган ҳар бир ўқувчи кафолатланган ҳолда иш билан таъминланиши лозим.¹¹ Ана шунда улар идорама – идора иш ахтариб юрмасдан, аниқ иш жойига эга бўладилар.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “таълим тўғрисидаги” Қонуни, 1997 йил, 29 август.

Биз бу соҳадаги ишларни изчил давом эттирамиз. Чунки вилоятимизда халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш пировард натижада хайрли мақсадга – Ватанимизнинг келажаги бўлган етук ёшларни, комил инсонни тарбиялашга хизмат қилажагини яхши англаймиз.

Маҳаллаларда, айниқса, қишлоқ маҳаллаларида иш жойлари ташкил қилиш, қишлоқ ёшларини фойдали меҳнатга жалб қилиш масалаларини ҳал этишда қишлоқ маҳаллаларининг ҳуқуқий меъёрлари ҳам асосий ўрин эгаллайди. Шунининг учун олиб қўйидагиларни тавсия этамиз:

1. Маҳалла ҳуқуқий жиҳатдан юридик мақомга эга бўлган мустақил ташкилот бўлиши лозим;
2. Келажакда маҳалла туман ҳокимлигининг бошланғич бўлими сифатида тан олиниши, ҳозирги мавжуд маҳаллаларни йириклаштириш ҳисобига бошқарув тизимидаги қишлоқ фуқаролар йиғини тизимини қисқартириш керак.

Дарҳақиқат, бунунги ёшларимизни энг замонавий фан – техника ютуқлари билан қуроллантирмай туриб, уларни илғор технологияларни жорий этувчи ва бошқарувчи касб – ҳунарларга ўргатмасдан мамлакатимизни жаҳоннинг илғор, ривожланган мамлакатларидан бирига айлантиролмаймиз, лекин келажагииз тақдирини ҳал қилувчи бугунги ёшларимизга таълим – тарбия беришдек энг муҳим ва долзарб масалани ҳал этишни биргина халқ таълими тизимидан ёки ота – оналардангина талаб этиш тўғри эмас. Шундай экан, бугунги кунда таълим ва тарбия ҳақиқатдан ҳам умумхалқ ишига айланиши керак.

Тўғри, таълим ва тарбияда оила билан мактабнинг ҳамкорлиги кўпдан бери мавжуд. Аммо мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўплаб миллий

қадриятларимиз қатори маҳаллалар ҳам жамиятимиз ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини қайта тикламоқда.

Тарбия масаласи нуқтаи – назаридан ёндашадиган бўлсак, энди у оила, мактабни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланиб бормоқда. Чунки ҳар бир бола, ўқувчи ҳоҳ ўғил бўлсин, ҳоҳ қиз бўлсин, оилада, мактабда олган сабоқлари – ю, панду – насиҳатларининг қанчалик ҳаққоний эканлигини маҳаллада ўз тенгдошлари билан бўлган амалий мулоқотларда, қизгин мусобақаларда синаб кўради. Худди мана шу ҳаёт синовидан ўтмаган ҳар бир ота – онанинг ҳам, устознинг ҳам панду – насиҳатлари беҳуда кетиши мумкин. Чунки, маҳалла бу ижтимоий ҳаёт бешиги, ватан тимсоли, ватан ичра ватандир. Агар оила, мактаб бола учун, ўсмир учун маълум тарбия ўчоғи бўлса, маҳалла унинг учун бир умр тарбия маёғи бўлиб қолади. Ҳатто тарбиячи бўлган ота – онанинг, ўқитувчининг ўзи ҳам маҳаллада тарбияланади, ундан доимий равишда маънавий озуқа олади. Бир сўз билан айтганда тарбиячини тарбиялайдиган жой ҳам худди мана шу маҳалладир.

Маҳалла кўмитасининг идорасида ҳар бир ўқувчининг давомати, ўзлаштириши ва ҳулқига оид якуний баҳслар махсус экранларда яққол кўриниб, ота – оналар эътиборига ҳавола этилади. «Тарбияси қийин»ёки муҳтож оилаларнинг болалари ҳақида ҳам мактаб, ҳам маҳалла биргалашиб ғамхўрлик қиладилар.

Одобнома дарсларига вақти – вақти билан маҳалланинг энг намунали, обрў – эътиборли, зиёли, элпарвар отахонлари ва онахонларини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай жонли мулоқотлар халқимизнинг шарқона одоб – ахлоқ, ибо, маҳалла – кўй, эл – юрт орасида юриш – туриш қоидалари, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш каби инсоний фазилатларни ёшларимизда мужассам бўлишини биз катталар таъминлашимиз лозим.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ўсмирлар таълим – тарбиясидаги камчиликлар оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги занжирининг пухта бўлмаганлигидадир. Чунки, тарбия умумхалқ иши бўлиб, унда энг аввало оила, ота – она тарбияси бош мезон ҳисобланади, ахир бола оилада, ота – онасининг бағрида туғилади, ўсади, тарбия топади.

Оилада тўғри тарбия топган бола мактабда баркамоллашади, таълим олиб, ўз маънавиятини юксалтиради. Демак, мактаб бола тарбияси борасида оиланинг бевосита ёрдамчисидир. Маҳалла эса оила билан мактаб ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, маҳалла ёшлари онгида маънавият, ахлоқ, имон – эътиқод каби одамийлик фазилатларини юксалтириш назаримиздан биров четда қолаётганга ўхшайди. Айрим ёшларимизда оқибатсизлик, миллий онг ва ғурурнинг етишмаслиги сингари иллатлар маънавиятимиз, истиқлолимиз руҳиятига мутлақо зиддир. Ҳатто уларнинг ҳеч қаерда ишламай ёки ўқимай юришлари ҳаммамизни ташвишга солади, албатта. Ахир уларнинг ҳам бошида ота – онаси, оиласи, кўни – кўшниси, қолаверса, маҳалласи бор. Баъзи катталарнинг намуна бўла олмайдиган ҳаёт тарзи, бевосита ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таълим – тарбия ишини диний ақидаларимизга, ислом таълимотига мувофиқлаштириб олиб бориш фойдадан ҳоли эмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Айрим “муллалар ва отин ойилар” маҳалла ёшларини чалғитиб, ўзлари тегишли билимга эга бўлмасалар – да, уларга билим бермоқчи бўлади. Натижада, баъзи ўқувчи ёшларнинг мактабларга бормай қолиш ҳоллари учраб турибди.

Маҳаллалар ҳаётидаги мана шунга ўхшаш бошқа камчиликларга маҳалла оқсоқоллари, ёшлар тарбиясига масъул маҳалла хотин – қизлар кенгашлари эътиборини қаратишлари лозим.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечимини топишда маҳалла ва унинг таркибий қисмларидан бири- хотин – қизлар кенгаши иши фаолиятини ташкил қилиш ва уларни такоиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси томонидан 1996 йилда махсус тавсиянома ишлаб чиқилди. Лекин, ушбу тавсиянома маҳалла ҳаётида ҳали тўлалигича ўз ўрнини топмаган кўринади.

Маҳалла ёшлари тарбияси маҳалла фаолияти йўналишлари билан узвий боғлиқ бўлган жараёндир. Шу боис унинг қайси йўналишдаги фаолиятини ривожлантирмайлик, биз албатта, у ёки бу йўл билан ёшларимиз ҳаётига маълум даражада таъсир кўрсатган бўламиз. Шунинг учун маҳаллалар фаолиятининг такомиллаштиришнинг янги – янги йўллари изламоғимиз лозим.

Тажрибадан маълумки, ёшлар тарбияси улар маънавий камолотининг самараси йўлларида бири давлат ҳуқуқ – тартибот органлари, халқ таълими тизими ҳамда маҳаллаларнинг, жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлигидир. Бу борада “Маҳалла” ҳайрия жамғармасининг республика халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Маҳалла – мактаб – оила ҳамкорлиги концепцияси” асосида вилоятлардаги мактаб ва маҳаллаларда арзигулик ишлар қилинмоқда.

Шундай ҳамкорлик “Камолот” ва “Нуроний” жамғармалари билан аниқ шартнома асосида, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги, Республика хотин – қизлар кўмитаси, Ўзбекистон халқ демократик партияси ва бошқа жавоат ташкилотлари билан ҳам маълум даражада йўлга қўйилган. Бу ишларни жойларда янада такомиллаштирмоғимиз лозим.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили вояга етмаганлар жиноятлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилиб, уларнинг тарбиясидаги камчиликларни ва ўсмирлар жиноятчилигини тугатиш хусусида тегишли ташкилот, муассасаларга тақдимномалар киритилиб, уларнинг ижроси назоратга олинмоқда. Шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари ва унинг ўсмир тарбиясига таъсири ҳаммамизга маълум. Бу қийинчиликлар жамиятнинг бошқа аъзоларига бир қарра таъсир қилса, ўсмирларга икки қарра таъсир қилишини унутмаслигимиз керак. Чунки, улар жамиятдаги ўтиш даврдан ташқари, ўзлари ҳам ўсмир билан боғлиқ ўтиш даврини бошларидан кечирадилар. Ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача инсон онгининг, дунёқарашларининг шаклланиш даври бўлиб, биз бу ёшдагиларнинг тарбиясига в ижтимоий кўникмалар ҳосил қилишига кўмаклашишимиз, уларнинг шижоати ва барча имкониятларини Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишига йўналтиришимиз лозим.

Ўсмирлар тарбияси ва ҳуқуқий муҳофазаси масалаларини тартибга солиш учун ягона, ҳукумат томонидан тасдиқланган дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз керакки, токи у амалиётда ишласин.

Шуни ҳам аниқ айтишимиз керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари баъзан ўсмирлар содир қилган ҳуқуқбузарлик, жиноят учун қамок чорасини кўпроқ қўлламоқда, бу эса уларнинг тарбиясига тўғри йўл танлашга салбий таъсир этмоқда. Терговда ҳам, ишни судда кўришда ҳам қамок билан

боғлиқ бўлмаган чора қўлланилса, ёшларимиз оқсоқолларга, обрўли одамларимизга, жамоатчиликка тарбиялашга берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Жиноят содир қилган ҳар бир ёш фарзандимизга иложи борица қамоқ билан боғлиқ бўлмаган чора кўришга ҳаракат қилишимиз керак.

Кейинги пайтда нотинч оилалар эътиборимиздан четда қолмоқда. Ҳар биримизга маълумки, нотинч оилада боланинг тарбияси бузилади, руҳиятида тузатиб бўлмайдиган ўзгаришлар пайдо бўлади. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир туманда, шаҳарда қайси оила нотинчлигини билишадику, ахир. Афсуски, улар билан тегишли ишлар олиб борилмаяпти. Шунинг учун фикримизча, маҳалла кўмиталари, фуқаролар йиғинлари, ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оргалар бундай оилаларни аниқлаб, ҳисобга олиб, улар билан яқиндан шуғулланишлари керак. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, зарурият туғилганда, қонунда назарда тутилган тартибда бундай оилаларда болаларни олиб, тегишли тарбия муассасаларига топшириш чоралари кўрилмоғи лозим.

Вояга етмаганлар томонидан маст ҳолда ёки наркотик воситалари таъсирида жиноят содир қилиш кўпаймоқда. Бундай ҳолатлар йилдан – йилга кўпайиб бормоқда. Сабаб нима? Бунинг сабабларидан бири спиртли ичимликларнинг ҳеч қандай назоратсиз, фақат фойда ортидан қувганлар томонидан мактаблар, ўқув юртлари бошқа ўсмирлар йиғиладиган жойларда харидорнинг ёшини суриштирмасдан – нетмасдан сотилаётганлигидадир. Бу масалани қатъий бир тартибга солишвакти етмадимикан? Бу ҳам етмагандек, ёшлар шуғулланадиган спорт иншоотлари, тўғараклар фаолият кўрсатадиган бинолар кўп жойларда тижоратчиларга бериб юборилган. Энди ёшларимиз спорт билан шуғулланмоқчи бўлса, пул тўлаши керак. Ахир ҳамма ёшларимиз пул тўлаб спорт билан шуғулланиш имконига эга эмасмиз.

Ўсмирларнинг ҳуқуқий тарбиясига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи амалиётчи ходимларни кўпроқ жалб қилиш зарурати туғилмоқда. Уларнинг ҳар бирини маълум бир мактаб ва ўқув юртларига беркитиб қўйиш лозим. Улар ёшлар билан ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ўсмирлар тарбияси бунуги кунда ҳар биримизнинг асосий ишимиз бўлиб, унга бурч ва масъулият нуқтаи – назаридан ёндашиш – маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш гаровидир.

Шу ўринда биз «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ижтимоий институтлар орқали малга ошадиган индивидуал йўлини тавсия этамиз.

«Тарбияси қийин» ўсмирларнинг ижтимоий институтлар, яъни оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик орқали ўтадиган индивидуал йўли.

1. Ота – она

- номақбул ижтимоий нуфуз
- ёмон маиший шароитларда яшаш

- ижтимоий режанинг йўқлиги
- фарзандларнинг келажагига умидсизлик
- ота – оналик мажбуриятларига масъулистсизлик
- шаклланмаган ва таъсир кўрсата олмайдиган муҳит

2. Улар билан ёнма – ён яшовчилар

(қўни –қўшнилар, маҳалла аҳли)

- қаровсиз уй – жой шароити
- омадсиз ва ташкил топмаган ички маданият
- кўча болалари

3. Болалар

- салбий ижтимоий кўникмалар ва шаклланмаган хул - атвор
- таълимда билмдонликнинг етишмаслиги ва интеллектнинг сустлиги

4. Мактаб тажрибаси

II. 2. Ижтимоий педагогик фаолиятда «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан ишлаш усуллари.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган киши тарбия методлари тизимини, яъни хулқ – атворни шакллантириш мақсадида шахсга педагогик таъсир кўрсатишнинг жамийийки йўллари ва усуллари эгаллаши зарур. Методни тўғри танлаш ўсмир хулқ – атворида ижобий ўзгаришлар бўлишига эришиш имконини беради. Педагогик фаолиятда ишонтириш ижобий ибрат, рағбатлантириш ва жазолаш каби методлари муҳим рол ўйнайди.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялаш методлари орасида ишонтириш етакчи ўринни эгаллайди. Сухбат асосий кўринишдир, сухбатга ҳаммадан кўпроқ ўқитувчи ёрдамида пухта тайёргарлик кўриш зарур. Сухбатни ўсмирнинг ножўя ҳаракатини таҳлил этиш асосида куриш мақсадга мувофиқдир. Ота – оналар ишонтириш билан бир қаторда йўл – йўрик бериш, насиҳат қилиш, огоҳлантириш каби усуллардан ҳам фойдаланишлари лозим. Огоҳлантиришдан ўсмирни бирон – бир ножўя ҳаракатдан тийиб қолиш учун фойдаланилади. Ишонтиришнинг усулларида бири яхши маслаҳатдир.

Қайта тарбиялаш мақсадида машқ методидан ҳам фойдаланилади, бу метод ижобий ахлоқий тажриба орттириш мақсадида ўсмирни ўзининг ижтимоий фойдали фаолиятида қатнашувини кўзда тутди, бу тажриба онгли ахлоқий хулқ – атвор кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Машқ методи мунтазамликни талаб қилади, чунки уни фақат доимий қўлланишгина ижобий натижа бериши мумкин.

Ахлоқий одатлар ҳосил қилиш «Тарбияси қийин» ўсмирларнинг хулқ – атвори ва хатти – ҳаракатларида ижобий ўзгаришлар содир бўлишини


таъминлайди. Оилада ўқув меҳнати кўникмалари ва одатларини ҳосил қилиш жараёнида агар ота – оналар:

- Таълимда билимларни ўзлаштиришига ўз муносабатини ўзгартиришга, синф жамоаси даражасигача кўтарилиш, обрў қозонишга интилиш каби одамни ишга соладиган омиллардан фойдалансалар;

- ўсмирни ёмон ўқиётгани учун жазоламай, балки ўзлаштиришини яхшилаш учун унга ёрдам берсалар;

- ўсмирнинг бўш вақти режимини тўғри ташкил қилишига ёрдам берсалар, унда ижтимоий бурчларни бажариш, жамоага бўйсунуш, жамоа ишида қатнашиш кўникмаларини тарбияласалар, анча самарали бўлади.

«Тарбияси қийин» ўсмирларни ўрганишнинг қуйида берилган тамойиллари бир – бири билан ажралмас ва ўзаро боғлиқдир.



Улардан биринчиси, ўсмирнинг индивидуал хусусиятларини кўп сонли ва хилма – хил боғланиш ва муносабатлар тизимида ўрганишдир. Бу ўсмирнинг бирор – бир хусусияти ёки характер хусусияти ҳам ўз – ўзидан намоён бўла олмайди ва қайд этилмайди. Масалан, ўқувчидаги ўткир ва синчков ақлини пайқаймиз. Лекин агар биз унинг ақли нимага йўналтирилганлигини, унинг синчковлиги касбини эгаллашда намоён бўлиш – бўлмаслигини, унинг ўсмирлар билан ўзаро муносабатига таъсир этиш –

этмаслиги ва ҳоказоларни биз билиб олмасак, бу хусусиятнинг аҳамияти қолмайди. Ёки: ўсмирни иродасиз деб ҳисоблайдилар. Бироқ, умуман руҳий соғлом киши иродасиз бўлмайди. Демак, у қандайдир муайян вазиятда, фаолиятнинг турларида, муайян кишилар билан муомалада иродасиз бўлади. Қачон, қаерда, қандай кишилар билан?

Иккинчи тамойил – объективлик. Инсон ҳақида, ҳатто ўта тажрибали мутахассис бўлмасин, қандайдир бир кишининг фикрига қараб, хулоса чиқариб бўлмайди. Ахир ҳар қандай шароитда ҳам унинг фикри шахсий, қолаверса, хато ҳам бўлиб чиқиши мумкин. Педагогик тажриба талайгина шундай ҳолларни билади. Кишини тўғри тушуниш учун у ҳақидаги фикрларни, лекин уни яхши билувчи кишиларнинг фикрларини қиёслаб кўриш керак. Касб – ҳунар коллежларида бу ишни гуруҳ раҳбари, муҳими эса ўқувчи ҳақидаги фикрлари анчагина асосли бўлган кишилар – унинг ота – оналари, ўқитувчилари амалга оширишлари лозим.

Бироқ ўсмирни ўрганишнинг объективлиги у ҳақидаги турли фикрларни қиёслаш билан чекланмайди. Уни хулқ – атвор ва фаолиятнинг турли хил шароитида билиш ва тушуниш муҳимдир. Ўқувчининг турли кишиларга бўлган муносабатига берилган баҳо муҳим аҳамиятга эга.

Киши ҳақида унинг меҳнат маҳсулига қараб кўр нарсани билиб олиш мумкин. Ўсмир учун меҳнат маҳсули бу умумий таълим ва назарий предметлардан ёзма ишлар, чизмалар, расмлар, ишлаб чиқариш амалиёти маҳсули, қўлда ясалган турли нарса ва бошқалардир. Ниҳоят, ўқувчининг сўзи билан хатти – ҳаракатини солиштириб кўриш жуда муҳим ҳисобланади. Одатда, саранжом, иродали, муайян мақсадни кўзлаган, шаклланган характерли кишининг сўзи билан иши бир бўлади. Борди – ю кишининг сўзи бошқа – ю, иши бошқа бўлса, унинг сабабини юз берган шароит туфайлими,

кишининг тартибсизлигиданми, турмуш тажрибаси йўқлигиданми, иродасизлигиданми ёки бошқа сабаб билан боғлиқлигини аниқлаш керак.

Учинчи тамойил – шахсни ўрганишнинг динамиклиги. Инсон ҳаёти давомида ўзгариб боради. Ёш улғайган сари ўзгариш, асосан, сустралади, камроқ сезилади. Катта кишининг характери тамомила қарор топади. Бироқ катта ёшдаги ўсмирда жуда жадал суръатда рўй беради. Ўсмир ҳақида ягона ва бир умрга қайд этилган фикр бўлмаслиги лозим. Афсуски, амалда айнан «Тарбияси қийин» ўсмирларга нисбатан шундай вазиятга дуч келамиз.

Тўртинчи тамойил – ўрганишнинг диалектиклигидир. Аслида дастлабки уч тамойилнинг ўзиёқ ўсмирни ўрганишга диалектик ёндашиш, яъни, турли алоқа ва муносабатда ўрганишни тақозо этади. Бироқ бу тамойиллар диалектик ёндашишни тугалламайди, шунинг учун ҳам биз бу тўртинчи тамойилни алоҳида ажратамиз. Педагог ўсмирнинг муҳим асосий сифатларини кўра билиши, уларни тасодифий, иккинчи даражали, барҳам топаётган сифатлардан ажрата билиши, ўсмир шахсидаги қарама – қаршиликларни сеза билиши ҳамда уларни ҳал қилишнинг педагогик мақсадга мувофиқ йўллари дастурлаштириши лозим. Энг муҳими сифатларнинг моҳиятига жуда чуқур кириб бориш, бунда тасдиқлашга, аниқсиз, яққол кўришиб турган сифатларнинг ролини оширишга йўл қўймаслик керак.

«Тарбияси қийин» ўсмирлар орасида ўзининг тор муҳити: оиладаги ахлоқсизлик муҳити, бошқа энг яқин теваарак – атрофдагиларнинг салбий таъсирига берилган ёки таъсирини ҳали ҳам бошдан кечириётганлар оз эмас. Табиийки, бундай ўсмирни кузатиб боришни бошлаган кишининг кўзига, энг аввало, унинг камчиликлари кўринади. Уларни, албатта кўриш ва билиш керак. Бироқ билишнинг аҳамияти ҳам кам эмас, чунки уни қайта тарбиялашга оид барча ишни мана шу жиҳатларига таяниб кўриш зарур.

Бу энди бешинчи тамойилга киради, бу тамойил ўсмирларни ўрганиш доирасидан чиқиб, ҳам ўсмирни ўрганиш, ҳам унга тарбиявий нуқтаи – назардан ёндашиш тамойили ҳисобланади.

Олтинчи тамойил – ўрганиш инсон психологиясини, ўсмир психологиясини чуқур билиш ва уни тўғри тушуна билишдан иборат.

Ҳаёт тажрибаси, педагогик амалиёт ва ўсмирлар билан муомала уларни тушунишда жуда катта ёрдам беради. Лекин бк психология ва педагогикани чуқур ўрганиш заруриятини сира инкор этмайди.

Ниҳоят, ўрганишнинг еттинчи тамойили мақсад кўзлаганликдир. Ўсмирни ўрганиш умумий тарзда уч вазифани ҳал этишни кўзда тутди: ўқувчини ўқитиш ва тарбиялаш учун унинг энг қулай хусусияти ва имкониятларини аниқлаш, унинг шахсидаги ва организмидаги камчиликларни аниқлаш, уни ўқитиш ва тарбиялашда фойдаланиладиган воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш.¹² Ўсмирлар билан олиб бориладиган ишнинг барча босқичларида бу вазифалар педагоглар учун ҳар хил аҳамият касб этади. Ишнинг биринчи босқичида ўқитувчилар ўқувчилар ҳақида дастлабки умумий тасаввур ҳосил қилиб олишлари лозим. Бунинг учун улар ўқувчининг оилавий шароити ва тарбияси билан танишадилар, у билан ҳамда ота – онаси билан суҳбатлашадилар, унинг хатти – ҳаракатини кузатадилар. Иккинчи босқичда ўқувчининг анча кучли томонлари ва афзалликлари, шунингдек, унинг камчиликлари аниқланади ва педагогик фаолиятнинг ўсмир билан олиб бориладиган иш режасида ўз аксини топадиган дастур тузилади. Бунда ўсмир билан олиб бориладиган индивидуал ишни қатъий режалаштиришни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бироқ қуйидагилар маъқул бўлади: фаолият дастури –

¹² Содиқов Б. “Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси”. Термиз.: 2003 йил, 36-бет

бутун ўқув даврига; индивидуал олиб бориладиган иш режаси – педагогга қулай муддатлар йиллик режа.

Ўрганишнинг учинчи босқичи маълум бир ўқувчига педагогик таъсирнинг самарадорлигини аниқлашдан иборатдир.

Тарбияси бир бутун ҳолда комплекс ёндашиш зарур бўлганидек, педагогик таъсирнинг самардорлигини аниқлашга ҳам комплекс ёндашиш зарур.

Ўсмир шахсининг ўқув – тарбия жараёнида шаклланадиган асосий компонентлари – бу интеллектуал, ғоявий – ахлоқий ва иродавий компонентлардир. Улар ўсмирнинг хулқ – атвор мотивлари, эҳтиёжи орқали ўзаро боғланган бўлади, унинг теvarак – атрофдагиларга ва ўзига муносабати шахснинг йўналганлигида ўзининг энг умумий намоишини топади. Буларнинг барчаси кишининг уч асосий фаолияти доирасида, яъни муомалада, билишда ва меҳнатда юз беради. Бундай муомала ўқувчининг ўзаро жуфт муносабати, жамоадаги муносабати ва шахснинг муносабати – ўсмирнинг дунёқараши; унинг умумий ҳаётий йўли доирасида кўриб яқилади.

Шундай қилиб, ўсмирга педагогик таъсир кўрсатишнинг самарадорлигини баҳолашга комплекс ёндашишнинг биринчи шarti унинг муомала, билиш ва меҳнат шароитидаги ривожланишини баҳолашдан иборатдир. Бунда ўсмирнинг коммуникатив сифатлари ҳамда унинг одамлар билан ўзаро муносабатидаги хусусиятлари эътиборга олинади, бироқ ўсмирнинг меҳнатга муносабати ҳамда меҳнат фаолияти шароитида кишилар билан ўзаро муносабатига берилган баҳо алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчи шарт – ўқувчининг ривожланиши билан унинг турмуш шароити ёки ҳозирда айтилишича, микромуҳитни қиёсий баҳолашдир.

Амалда ўсмирнинг ривожланиши билан унинг ҳаёт шароити ўртасидаги ўзаро муносабатнинг уч кўриниши учрайди. Уларга шахснинг энг умумий баҳоси мувофиқ келади.

Биринчиси: ҳулқ – атори ўсмирнинг микромуҳитига тўла мос келади. Унинг ривожланиши ана шу микромуҳитга бутунлай боғлиқ бўлади.

Иккинчиси: ўсмирнинг ҳулқ – атори унинг микромуҳитининг маънавий шароитидан юқорироқ, яхшироқ; унга кенгроқ теваарак – атрофи муҳим таъсир этади ва муайян самара беради.

Учинчиси: ўсмирнинг ахлоқи ўз микролоирасининг ахлоқ даражасидан паст, унинг маънавий даражаси нисбатан паст бўлади. Бу кўпинча ўсмир туб моҳияти билан назоратсиз қолган, қандайдир тасодифий муҳит унга салбий таъсир этган, ўқув муассасаларида эса у билан тегишли индивидуал иш олиб борилмаган ҳолларда юз беради.

Ўсмирнинг ривожланиш даражаси билан унинг муҳити хусусиятларининг ўзаро алоқасини баҳолаш мумкин бўлмаган ҳоллар ҳам учрайди. Педагоглар ўқувчи хатти – ҳаракатининг сабабларини тушунтиришга қийналиб қоладилар. Бу кўпроқ ўсмирлар билан эндигина иш оли борилаётган бўлса ва сезиларли самараси ишонарли бўлмаса ёки ўсмир асаб, ҳатто руҳий касалланган ҳоллардагина юз бериши мумкин. Сўнгги ҳолат кам учрасада, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Иккинчи шарт билан учинчи шарт ҳам узвий боғлиқдир: бу шарт педагогик таъсир кўрсатишнинг мазмуни ва методлари ҳамда ўсмирларнинг келгусидаги фаолиятини қиёсий анализ қилишдан иборат. Албатта, педагогик таъсир кўрсатиш самарасини дарҳол, бевосита баҳолаб, айниқса ўлчаб бўлмайди. Биринчидан, у фақат маълум бир вақт ўтгандан кейингина муайян натижа беради. Иккинчидан, кишига жуда кўплаб, хилма – хил,

жумладан, қарама – қарши омиллар ҳам таъсир этади. Шу сабабли, маълум вақт давомида ўсмирнинг хулқ – атори ҳам, унга таъсир қиладиган энг муҳим омиллар ҳам анализ қилинади, шундан кейингина самарали таъсир кўрсатиш ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз педагогик таъсир кўрсатиш самарадорлигининг қуйидаги мезонларини тавсия этамиз: самардорликнинг биринчи юқори даражаси: усул ёки усуллар комплекси узоқ давом этадиган барқарор педагогик самара беради; ўсмир тегишли таъсиргагина тайёр бўлиб қолмасдан, балки педагог билан ўзаро фаол таъсирга ҳам тайёр. Иккинчи даража: усул ижобий педагогик самара беради, ўсмир таъсирга берилишга тайёр бўлиб, унга ижобий жавоб қилади. Учинчи даража: самарали бўлмайди, ўқувчи ёки муайян таъсирга тайёр эмас ёки мана шу педагогик усул нотўғри танланган, ёки бўлмаса жиҳатдан суст. Тўртинчи: шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқиб, ўқувчи шахсининг хусусиятларини ҳисога олиб, педагогик таъсир кўрсатишнинг тўғри методикаси танланган- у, бироқ у ҳеч қандай самара бермайди. Оилага ва ўқув муассасаларига нисбатан қандайдир муҳим, ташқи куч таъсири бўлиши мумкин. Уларни аниқлаш, йўқотиш ва шуни эътиборга олиб, педагогик таъсир кўрсатишнинг бошқа форма ва методларидан фойдаланиш зарур. Бешинчи мезон: ўсмирнинг педагогик таъсир кўрсатишига ўта салбий, ҳатто агрессив муносабатда бўлиш: ўсмирда педагогга ёки умуман ўқув муассасаларига қатъий салбий қарашларнинг мавжудлигидир. Ўсмирга аста – секинлик билан, босқичма – босқич ёндашиш лозим; шахснинг ривожланишидаги фарқ ва унинг сабаларини аниқлаш, ўсмирни тиббий кўрикдан ўтказиш; унинг афзаллиги ва кучли жиҳатларини аниқлаб, уларга таяниб ва уларни ривожлантириб қайта тарбиялашни амалга ошириш мумкин. Шахсни шакллантиришнинг – унинг хоҳ ютуғи, хоҳ нуқсони бўлсин, асосий ижтимоий педагогик сабабларини аниқлаш; ўсмирга индивидуал таъсир этишнинг дастур ва режаларини ишлаб

чиқиш, ниҳоят, уни ўсмирлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий жараёнига киритиш.

Ўсмирни қуйидаги дастур – схема асосида батафсил, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш мумкин;

Ақлий ривожланиши ва ўқув фаолиятига муносабати.

Ақлий ривожланиш Техникага қизиқади.
даражаси юқори.

Ҳунар – техника циклидаги айрим предметларга қизиқади.

Ақлий ривожланиш
меъёрида. Қизиқувчан.

Ўқиш – ўрганишга ижобий қарайди.

Табиийёт – математика циклидаги айрим предметларга қизиқади.

Қувноқ – ҳазил – мутойибани яхши кўради.

Гуманитар фанларга қизиқади.

Бадиий асар ўқишга қизиқади.

Ақлий ривожланиши меъёридан паст.

Расм чизишга қизиқади.

Ҳеч нарсага қизиқмайди.

Қизиқишлари аниқланмаган, барқарор эмас.

Хотираси ёмон.

Қизиқишлари номаъқул, носоғлом.

Ўсмир шахсини ўрганиш ва унга бериладиган тавсиф тузишнинг бундай дастури унинг энг муҳим ютуқ ва камчиликларини тушириб қолдирмасдан, етарли, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганишга имкон беради. Борди – ю, унда бирор жихати тушиб қолган бўлса, ўсмирни яхши билган педагог дастурни ҳамма вақт тўлдириб қўя олади.

Ўсмирни ўрганишнинг энг кенг тарқалган методларидан бири суҳбатдир. Агар унинг мақсади фақат бирор маълумот олиш бўлса, бу интервью ҳисобланади. Бунда бири сўрайди, иккинчиси жавоб беради. Бирок бу турдаги суҳбатга педагогик амалиётда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Ҳеч ким, айниқса, ўсмир ўзини ўрганиш ва таъсир этиш объекти деб ҳис этишни истамайди. Ҳақиқий суҳбат суҳбатдошлар ўртасида фикр алмашиш, уларнинг бир – бирларига ўзаро таъсири демакдир.

Суҳбат деганда, ўсмирларни ўрганиш ва уларга индивидуал таъсир этиш методи сифатида биз махсус тайёрланган, баъзан эса тасодифан юзага келгани, лекин мақсадга мувофиқ кўрилган педагог ва ўсмирнинг муомаласини тушунамиз.

Маълумки, ҳар қандай ўсмир билан биринчи суҳбатда кўнгилдагидек алоқа боғлаш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. Бу фақат ўсмиргагина боғлиқ бўлмай, балки ўсмирдан кўра кўпроқ у билан суҳбатлашувчи катта кишининг тажриба в малакасига боғлиқдир.

Суҳбатнинг муваффақиятини қуйидаги беш шарт белгилайди:

1. Мақсаднинг аниқ қўйилиши.
2. Суҳбатнинг вақти ва ўрнини тўғри танлаш. Қаттиқ хаяжонлангандан кейин ёки ўсмир учун бирор ёқимсиз ҳолдан кейин у тинчланмасдан туриб олиб борилган суҳбат кўпинча ижобий натижа бермайди. Бошқа одамлар олдида қандайдир “йўл - йўлақай” ўтказилган суҳбат ҳам муваффақиятсизликка учраши мумкин.
3. Ўсмирга самимий ҳурмат ва меҳрибонлик билан муносабат. Ҳеч қандай панд – насиҳат, ўз ёшини, тажрибасини, билимини, хизмат ўрнини пеш қилиш мутлақо мумкин эмас. Биргаликда ўйлаб қилинган ишнинг самарасига ишонч.

4. Фақат гапиришни эмас, танлашни ҳам билиш. Ўсмирни ишонтириш, бироқ уни педгогонинг фикри билан келишишга мажбур этмаслик.

5. Ўсмирнинг индивидуал хусусиятларини, ҳеч бўлмаганда тахминан билиш. Агар суҳбатгача билиб олинмаган бўлса, ўсмирга суҳбат давомида синчковлаб қараш, зарур бўлганда муомала тарзини ўзгартириш керак.

Кўпинча биринчи суҳбат ўсмирнинг қизиқиш доираси, унинг ривожланиши, хулқ – атвори мотивларини аниқлаб олиш мақсадида ўтказилади. Ана шулар билан боғлиқ бўлган саволларни тўғридан – тўғри кўйиш ҳамма вақт ҳам исталган натижани беравермайди. “Сени нима қизиқтиради? Қандай китобларни ўқишни кўпроқ ёқтирасан? Нима учун машғулотларни кўп қолдирасан?” – бундай саволларга ўсмир ё жавоб беролмайди ёки жавоб беришни хоҳламайди. Саволларни қуйидаги тарзда бериш маъқулроқ. Таътилни қаерда ўтказдинг?, нималар билан шуғулландинг?, Фильм ёки китоб ҳақида дам олишнинг ташкил этилиши ҳақидаги ўз қарашлари ва бошқалар тўғрисида фикр алмашиш ўринли.

Ўсмирнинг турли шароитдаги фаолияти ва хулқ – атворини мунтазам кузатиб бориш билан кўп нарсани билиб олиш мумкин. Ўсмирни ўрганиш методи сифатида кузатиш самарадорлигининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Кузатишнинг мақсадга йўналтирилганлиги. Бунда ўсмирнинг қиёфаси, унинг бутун фаолияти ва хатти – ҳаракати қайд этилса, кузатиш яхлит бўладими, ёки бўлмаса, шахснинг қандайдир айрим томонларини алоҳида ўрганиш мақсадида танлаб кузатиш маъқулмиёканлигини аниқлаб олиш муҳимдир.

2. Ўқувчи учун одатдагидек ҳисобланган вазиятда бўлган табиий кузатиш шароитини яратиш. Унинг хатти – ҳаракатига аралашишга асло йўл қўйилмайди.

3. Кузатиш материалларини қайд этиш, уларни мунтазам қайта ишлаш, далиллар устида фикр юритиш, уларни солиштириш ва таққослаш.

Юқорида келтилган методлардан фойдаланишда ижтимоий педагогик фаолият жараёнида асосан ижтимоий педагогларнинг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, ўсмирларнинг микро ва макромухит даражасида социумга тобора тўлиқ кириб боришига ижтимоий педагог ёрдам бера олиши мумкин, шунинг учун бугунги ижтимоий ривожланишнинг ўтиш даврида унинг роли ортиб бормоқда.

II Бобга хулоса.

Хулоса қилиб айтганда оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг “Тарбияси қийин” ўсмирлар билан ишлашда ижтимоий институтларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Бола тарбиясида ижтимоий институтлар ичида оила муҳим ўрин эгаллайди, айнан оилада инсоннинг шахси шаклланади ва ривожланади, бола жамиятда қийинчиликсиз мослашиб кетиши учун ижтимоий вазифаларни эгаллайди. Оила биринчи тарбиявий институт сифатида иштирок этади. Оиладаги соғлом муҳит-юксак маънавий-ахлоқий хислатларини шакллантириш кафолатидир. Таълим ва тарбиянинг бирлиги: болалар ва ўсмирларни тарбиялашда оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги халқ таълими соҳасининг асосий принципларидан ҳисобланади.

Ушбу бобда тарбияси қийин ўсмирларни қайта тарбиялаш соҳасида мактаб ва оиланинг биргаликдаги ишини ташкил қилишда 5-6-7-синф ўқувчиларининг ота-оналари учун синфлар бўйича умумий таълимнинг намунавий режа дастури кўрсатилган.

Маҳаллаларда айниқса, қишлоқ маҳаллаларида иш жойлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш масалаларини ҳал этишда маҳаллаларнинг ҳукуқий меъёрлари ҳам асосий ўрин эгаллайди.

Ўсмирлар тарбияси бугунги кунда ҳар биримизнинг асосий ишимиз бўлиб, унга бурч ва масъулият нуқтаи-назаридан ёндашиш-маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш гаровидир.

III. Боб. «Тарбияси қийин»ўқувчиларни кайта тарбиялаш бўйича олиб борилган тажриба синов ишлари натижалари.

Республика миқёсида ўқувчиларнинг пухта билим олишларига, ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга, таълим-тарбия жараёнини методологик жиҳатдан таъминлашга, илғор педагоглар тажрибасини жорий қилишга ижобий таъсир кўрсатувчи қатор тадбирлар ўтказилди, кўплаб йўналишлар бўйича тадқиқотлар давом эттирилди. Тажриба шуни кўрсатадики «Тарбияси қийин»ўқувчиларни аввало узларинининг тарбиясидаги нуқсонларига қараб гуруҳларга ажратиб олиш лозим бўлди

Чунки «Тарбияси қийин»яъни педагогик коррекцияга муҳтож булган ўсмирларнинг тарбиясидаги нуқсонлар бир хил булмайди. Биз уз кузатишларимиз асосида улрни шартли равишда куйидагича гуруҳладик

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига кура орсизлар еки субўтсизлар дейилади.Улар уз хатоларини билиб туриб умумжамоа жамият конунларини бузадилар еки бузишга боглик хатти-харакатларни амалга оширадилар.Купинча узларининг гунохкор эканлигини тан олмайдилар жамо орасидаги таълим муасссаларидаги айрим камчиликларни танкид киладилар лекин ютуқларни тан олишни хохламайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб «Тарбияси қийин» ўсмирлар яхши ва емонни тушунадилар бироқ мустакил эътикодга барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмаслиги туфайли орқа канотда туриб коидаларни бузадилар.Уларнинг хатти-харакатлари тасодифий воқеликка тез бериладилар.барча нарсаларга ишонадилар,кайси йулга кириб колганликларини англаб етадилар,бироқ “компания” фикрига карши боришга журъат кила олмасликлари туфайли кунгилсизликларга кул урадилар. Аксарият холларда тартиббузарликлари

учун тавба килиб кечирим сурайдилар ,маълум фурсат утгач берган ваъдаларини унутиб яна тартибсизликларни келтириб чикарадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси «Тарбияси қийин» усмирлар шахсиятпарастликлари туфайли конунбузарлик йулига кириб қоладилар.Улар шахсий талаб ва эҳтиежларини кондиришлари учун ҳар қандай нонуя хатти-харакатлардан тоймайдилар.ҳамиша одамларга яхшилик килишни истасаларда аммо шахсий манфаатларини устун қуйганликлари учун буни нг урдасидан чиқа олмайдилар

Инжик табиатли усмирлар туртинчи гуруҳга мансуб бўлиб,улар уз тенгдошлари жамоасида уз уринларини топа олмаганликларидан қайгурадилар.Бундай усмирлар аразчи бўладилар,шунинг учун тенгдошлари орасида қамситилаётгандек кечинмалари билан яшайдилар.Бундай ҳолатнинг юзага қелишига асосий сабаб шахсий имкониятлардан қура интилиш,майл,обру қетидан қувишнинг устунлигидир.Улар қонун ва қоидаларни бузишга астойдил ҳаракат қилмасаларда,таълим ва тарбия жараенида қийинчилик тугдирадилар.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш,тузатиш учун педагогик ердам дастурини ишлаб қикдик.Бунга қура тарбияси қийн усмирларнинг шансий эҳтиежларни баҳолаш,яқин ва атрофидаги инсонларга муносабатини ,айрим мавхум атегорияларга нисбатан муносабатларини аниқлаш мақсадга мувофик деб топилди.

Уз тадқикот ишимизда психокоррекция ишларида қулланиладиган “туғалланмаган жумла” мтодикасини қулладик ,бунда синалувчиларга якунига етмаган турли хил гап ва иборалар тавсия қилинади.Синалувчилар қурсатмага асосланиб мулоҳазаларга муносабатларини билдирадилар.Мазкур методика асосида отага муносабат ,уз-узига муносабат,атрофдагиларга муносабат,бошлиққа муносабат,жинсий муносабат,қурқув,дстларга

муносабат,оилага муносабат,утмишга муносабат,айбдорлик хисси аби жихатларини тахлил килиш имкониятини беради.

Мазкур методикага мувофик синалувчиларга 60 та турли хилдаги тугалланмаган гаплар дан иборт топширик бериб улардан ушбу гапларни тугатиш талаб этилади.

- 1.Менимча ,отам камдан кам холларда
- 2.Хамма менга карши булса,мен....
- 3.Мен доимо истардимки....
- 4.Агар рахбар лавозимида булсам...
- 5.Келажакда мен шундай....
- 6.Менинг бошликларим....
- 7.Бу мумкин эмаслигини биламан.....
- 8.Менингча хакикий дуст...
- 9.Мен болалаигимдан....
- 10.Мен учун идеал аел (эркак)...
- 11.Бирорта эркак аелни бирга курсам...
- 12.Бошка оила билан такослаганда бизнинг оила.....
- 13.Менга шундай одамлар екадии, улар...
- 14.Онам ва мен...
- 15.Мен хамма нарсага тайерман факатунитиш учун.
- 16.Агар отам истаганларида эди.....

- 17.Менинг кулимдан келади....
- 18.Мен жуда бахтли булишим мумкин,агар.....
- 19.Агар кул остимда ишласа....
20. Умид киламанки...
- 21.Мактабда уқитувчиларим.....
- 22.Купчилик дустларим менинг...
- 23.Мен ектирмайдиган одамлар.....
- 24.8-синфгача мен....
- 25.Менимча купгина йигит кизлар.....
- 26.Хозирги ҳаёт менга туюлади....
- 27.Оиламиздагилар менга нисбатан.....муносабатда.
- 28.Мен бирга ишлайдиган одамлар.....
- 29.Ҳаётдаги энг катта ҳатоим.....
30. Менинг онам.....
- 31.Истардимки отам.....
- 32.Ҳеч кимга айта олмаган орзуим....
- 33.Раҳбар бўлсам кул остимдагилар.....
- 34.Шундай кунлар келадикки ,унда.....
- 35.Менинг бошлигим бўлса уни.....
- 36.....дан қурқмасликни истардим.

- 37.Хаммадан ҳам шундай нарсаларни яхши кураман.....
- 38.Агар яна еш бола булиб колсам,.....
- 39.Менимча купчилик аеллар(эркаклар).....
- 40.Менинг жинсий хаetimга арилишмаса эди,.....
- 41.Мен биладиган куп одамлар....
- 42.Шундай одамлар билан ишлашни ектираманки,улар....
- 43.Менимча купчилик оналар,.....
- 44.Оиламиздаги муносабатларнининг сл сабабчичи,....
- 45.Менга нисбатан отам.....муносабатда.
- 46.Уйлайманки отам
- 47.Ишларим юришмаса мен....
- 48 Хаetдаги энг катта истагим....
- 49.Кулимда маблагим булса.....
- 50Мақтабимизда укитувчилар менга.....муносабатда булишган
- 51.Интернетдан.....максадида фойдаланаман.
- 52.Мени хеч ким назорат килмаса
- 53.Буш вақтимдабилан шугилланаман
- 54.Агар имкониятим булганда эди,мен....
- 55.Китоб укишдан кура....
- 56.Агар мени назорат килишмаса мен.....

57.Узимни отам урнида тасаввур килсам.....

58.Отам ва онамнинг муносабатларида.....

59.Бахтли хис килишим учун менга.....керак

60.Мени хамма

1.Махалламизда кексаларни

Ушбу утказилган методикамиз оркали биз жуда купчилик оналаримиз фарзандларининг буш вақтларини тугри ташкил эта олмаганларини, боланинг нима ишлар билан машгуллигини билмасликларини аникладик .Яъни усмир ешдагилар учун бундай холатларнинг кунгилларида атроф-мухит ,узи яшайдиган оила аъзоларига нисбатан “исённинг” вужудга келишига,атрофдаги инсонларнинг тинчлигини бузишга,кимларнингдир ишларига халакит килишга истак, режа хосил бўлишига замин яратади.

Тажриба синов ишларимизда Шўрчи туманидаги №48 умумий ўрта таълим мактабининг 15 нафар ўсмир ёшларни танлаб олдик.


Нормал ўсмирлар кўрсаткичлари

Ф.И.О	Мослашганлик	Мослашмаганлик	Соҳталиқ	Самимийлик	Ўз фикрида қилиш	Ўзгаларни тинглаш	Ички назорат	Ташқи назорат	Устиворлик	Итоат этувчанлик	Онасини ёқтириш	Онасини ёқтирмаслик	Отасини идеал деб билиш	Отасидан норозилик	Оиласини севиш	Оиласидан норозилик
А.Б	1	-	-	1	1	0	1	1		1	1		1		1	
Д.С	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ш.А	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ч.Л	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
В.А	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ф.Т	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
К.Л	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
О.В	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
Г.С	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
С.Р	1	-	-	1	1	1	1	1		1		1		1	1	1
П.О	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Н.Ф	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Д.Н	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Х.П	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
М.Т	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1		1		1	1	1
Жами	15	0	0	15	15	14	15	15	5	15	13	2	13	2	15	2
Ўртача	1	0	0	1	1	1,07	1	1	3	1	0,9	7,5	0,7	7,5	1	7,5

«Тарбияси қийин» ўсмирларда кўрсаткичлар

Ф.О.И	Мослашганлик	Мослашмаганлик	Соҳталиқ	Самимийлик	Ўз фикрида қолиш	Ўзгаларни тинглаш	Ички назорат	Ташқи назорат	Ўстиворлик	Итоат этувчанлик	Онасини ёқтириш	Онасини ёқтирмаслик	Отасини идеал деб билиш	Отасидан норозилик	Оиласини севиш	Оиласидан норозилик
А.Д	0	1	1	0	1	1	0	0	0	1	1	1	1	1	0	0
А.И	0	1	1	0	1	1	0	0	0	1	1	1	1	0	0	0
Х.Б	0	1	1	0	1	1	0	0	0	0	1	0	1	1	0	0
К.Х	0	1	1	0	1	1	1	1	0	1	0	1	0	0	0	0
С.Д	0	1	1	0	1	1	0	0	1	1	1	0	0	1	1	2
Н.С	0	1	1	0	1	1	0	0	0	0	0	1	1	0	0	0
Н.Д	1	0	1	0	1	1	1	1	0	1	0	1	1	0	1	1
К.С	1	1	1	0	1	1	0	1	0	0	1	0	0	1	0	1
Қ.А	0	1	1	0	1	1	0	1	0	0	1	0	0	1	1	0
Ф.А	0	1	1	1	1	1	0	0	0	0	0	1	1	1	0	2
О.С	0	1	1	0	1	1	1	0	0	0	1	0	0	0	1	1
Ҳ.Б	1	1	1	1	1	1	0	1	1	0	0	1	1	1	0	1
М.З	1	0	1	0	1	1	1	0	0	1	1	0	0	0	1	1
М.Р	0	1	1	0	1	1	0	1	0	0	1	0	1	1	0	0
Н.Н	0	1	1	1	1	1	1	1	0	1	1	0	0	0	1	1
Жами	4	13	15	3	15	15	5	7	2	7	10	7	8	8	6	10
Ўртача	0,3	0,9	1	0,2	1	1	0,3	0,5	0,1	0,5	0,7	0,5	0,5	0,5	0,4	0,7

СИНАЛУВЧИ ГУРУҲЛАРНИНГ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ



1. Мослашганлик
2. Мослашмаганлик
3. Соҳталиқ
4. Самимийлик
5. Ўз фикрида қолиш
6. Ўзгаларни тинглаш
7. Ички назорат
8. Ташқи назорат
9. Устиворлик

10. Итоат этувчанлик
11. Онасининг ёқтириш
12. Онасини ёқтирмаслик
13. Отасини идеал деб билиш
14. Отасидан норозилик
15. Оиласини севиш
16. Оиласидан норозилик


Нормал ўсмирлар бўйича “Тугалланмаган жумлалар” методикасининг жадвал
кўриниши

Ф.О.И	Отага муносабат	Ўз-ўзига муносабат	Амалга оширмайдиган имконият	Кўл остидагиларга муносабат	Келажакга муносабта	Бошлиққа муносабат	Кўкув	Дўстларга муносабат	Ўтмишга муносабат	Қрама-қарши муносабат	Жинсий муносабат	Оилага муносабат	Хизматчиларга муносабат	Оилага муносабат	Айбдорлик хисси
Г.М	0	1	0	0	0	1	2	1	1	3	2	0	0	2	1
К.З	2	1	0	1	2	1	1	1	1	2	0	0	0	0	0
З.С	0	0	0	0	0	1	1	0	1	0	0	2	0	1	0
А.Г	1	3	0	2	1	1	1	1	2	1	0	0	0	0	1
Ф.О	0	3	0	0	0	1	2	0	0	2	1	0	0	0	0
М.Д	0	0	0	0	0	0	1	1	0	4	2	0	0	0	3
М.Р	1	2	1	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
А.К	0	2	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	2
Г.Д	0	2	0	0	0	0	0	2	2	0	0	1	0	0	0
О.Р	0	2	0	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0
Т.Н	1	1	0	0	1	2	4	0	0	0	1	0	0	2	0
Н.А	0	0	0	2	0	0	0	0	1	1	0	5	0	0	0
Б.Д	1	0	0	0	2	3	0	1	0	0	0	1	0	0	0
Д.Х	0	1	2	1	0	2	0	1	0	2	1	2	0	2	1
С.Н	1	1	0	1	2	3	2	2	0	0	1	0	0	0	1
Жами	7	19	3	9	8	17	16	10	8	15	8	11	0	8	9
Ўртача	0,5	1,3	0,2	0,6	0,5	1,1	1	0,7	0,5	1	0,5	0,7	0	0,5	0,6

«Тарбияси қийин»болаларда “Тугалланмаган жумлалар” методикасининг жадвал кўриниши.

Ф.О.И	Отага муносабат	Ўз-ўзига муносабат	Амалга ошмайдиган имконият	Қўл остидагиларга муносабат	Келажакга муносабат	Бошлиққа муносабат	Қўқув	Дўстларга муносабат	Ўтмишга муносабат	Крама-қарши муносабат	Жинсий муносабат	Оилага муносабат	Хизматчиларга муносабат	Оилага муносабат	Айбдорлик ҳисси
А.Д	0	0	2	0	0	3	0	1	6	0	2	0	0	3	4
А.И	0	1	0	2	1	2	2	2	2	4	2	2	0	4	2
Х.Б	3	2	1	0	2	5	2	3	2	4	1	0	0	2	3
К.Х	3	3	1	0	0	0	-	2	1	1	-	0	0	0	2
С.Д	0	2	0	0	0	0	1	2	0	4	4	2	0	1	3
Н.С	0	4	3	1	2	3	5	2	0	3	0	0	0	2	4
Н.Д	0	3	4	1	2	3	2	5	0	3	0	0	2	0	4
К.С	1	1	0	2	1	3	4	2	3	3	1	2	0	2	2
Қ.А	1	0	0	0	1	1	1	1	0	1	0	0	0	0	1
Ф.А	1	0	0	1	0	1	2	0	1	1	2	0	0	1	1
О.С	1	2	0	0	1	2	0	2	2	2	0	0	0	0	4
Х.Б	2	0	0	1	0	0	1	3	1	4	1	2	2	3	2
М.З	0	1	1	0	2	3	2	0	0	1	0	2	0	0	4
М.Р	3	3	3	2	1	1	0	1	2	3	1	0	2	2	3
Н.Н	0	1	1	2	0	1	0	0	1	2	2	2	0	1	0
Жами	15	23	13	14	13	25	25	25	16	42	14	14	6	20	39
Ўртача	1	1,5	0,8	0,9	0,8	1,6	1,6	1,6	1,06	2,8	0,9	0,9	0,4	1,3	2,6

Синалувчи гуруҳларнинг ўртача кўрсаткичлари: қиёсий таҳлил.



1. Отага бўлган муносабат
2. Ўз-ўзига бўлган муносабат
3. Рўёбга чиқмаган имкониятлар
4. Қўл остидагиларга бўлган муносабат
5. Келажакка бўлган муносабат
6. Бошлиққа бўлган муносабат
7. Қўрқув
8. Дўстларга муносабат

9. Ўтмишга бўлган муносабат
10. Қарама-қарши жинс вакилларига бўлган муносабат
11. Жинсий муносабатларга бўлган муносабат
12. Оилага бўлган муносабат
13. Ходимларга бўлган муносабат
14. Онага бўлган муносабат
15. Айбдорлик ҳисси

Ўтказилаган кузатишлар, сўровлар натижасида шундай хулосага келдикки, «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан педагогик ёрдам ёки педагогик тузатиш ишларини олиб бориш учун бир нечта тарбиявий тадбирлар турли хилдаги педагогик-психологик тренинглар, яқка тартибдаги суҳбатлар, бадиий адабиётлар, кино фильмлар орқали ўсмирларга характер хусусиятидаги мослаша олмаслик нуқсонларини бартараф этишга эришиш мумкин деб ҳисобладик ва қуйида бир нечта олиб борилган методик амалий ишларимизни кўрсатишимиз мумкин.

Бизнинг изланишларимиз ва кузатишларимиз тарбия амалларини мақсад ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда уларни қуйидаги уч гуруҳга ажратишимизга олиб келди.

Биринчи гуруҳга тарбиячининг тарбияланувчига мурожаат этиши орқали унинг шахсий эҳтиёжларини аниқлаш ёрдамида ташкил этиладиган амаллар.

Бу амаллар тоифасига ёрдам кўрсатишга эҳтиёжни аниқлаш амали. Тарбиячи тарбияланувчига маслаҳат маъносида мурожаат қилиб, ўз муаммолари ҳақида сўзлаб беришини сўрайди ва шу аснода муаммонинг ечиш йўлларини топади.

Яхши хатти – ҳаракатларга йўналиш бериш амалидан тарбиячилар тарбияланувчиларга ёрдам, зарур бўлганда кўмак берадилар. Бунда ижобий хатти – ҳаракатларга алоҳида урғу берилади.



Ҳаёт истиқболини белгилашга кўмаклашиш амали. Педагог суҳбат жараёнида тарбияланувчининг ҳаёт режаларига аниқлик киритади. Шундан сўнг тарбияланувчининг режаларини амалга оширишга кўмак берилади.



Ўзи ва бошқалар ҳақида сўзлаб бериш амали. Тарбияланувчи ўтган кунлари ҳақида ҳар бири ҳикоя ёзишни тавсия этилади. Шундан кейин уларга бошқача яшаш мумкинлиги ҳақида сўралади.

Менинг идеалим. Суҳбат жараёнида тарбияланувчиларнинг идеали аниқланади ва унинг ижобий ахлоқий сифатлари ажратилиб баҳоланади.

Тарбияланувчилар учун эртак. Бу эртак – терапия ғояларини бажариш учун фойдалинади. Тарбиячилар тарбияланувчиларга ва уларнинг

атрофдагиларига ўхшаган кишилар иштироки тўғрисида этрак тузадилар. Эртақ охирида педагог ва ўқувчилар ўзаро мулоҳаза юритадилар.

Иккинчи гуруҳга гуруҳий фаолиятни ташкил этишга асосланган тарбия амалларини киритиш мумкин.

Ушбу тоифа тарбияамалларидан бири фикрлар эстафетаси бўлиб, ўқувчилар берилган мавзу бўйича занжирсимон тарзда бирдан сўнгра иккинчиси сўзлайди, бир – бирини тўлғазади, аниқлик киритади.

Ўзини – ўзи руҳлантириш амали. Ўқувчилар гуруҳларга ажралиб, бир – бирига маълум маълум саволлар билан мурожаат қиладилар. Берилган савол ва жавоблар солиштирилиб, сўнгра муҳокама қилинади.

Эркин мавзуда суҳбатлашиш амали. Бунда ҳар бир тарбияланувчи ўзи кизиқадиган бирор мавзу бўйича ҳикоя тузади ва гуруҳдагиларга ҳикоя қилиб беради.



Учинчи гуруҳга ўқитувчиларнинг ўқувчиларга атрофидаги муҳитни ўзгартиришга йўналтирилган ташкилий фаолиятларига қаратилган амаллар киритилади.

Кўрсатиш бериш амали. Тарбияланувчиларга муомалага ва хулқ – атвор қоидаларига таяниб, берилган топшириқларни бажариш сўралади. Тарбияланувчилар ўйин қоидаларига мувофиқ ўз мулоҳазаларини беришлари мумкин. Таклифлар жараёнида ҳар бир тарбияланувчининг мавқеини ҳимоялаш инobatга олинади.

Ролларни тақсимлаш амали. Ушбу тарбия амалида тарбияланувчилар берилган мавзунини билишига қараб роллар тақсимланади ва улар топшириқларни бажариш ўралади.



Бундан ташқари учинчи гуруҳга тарбияланувчилар ижодий ёндашиш ҳар хил ролли ўйинлар тарзидаги амаллардан фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари «Тарбияси қийин» ўсмирларни ўрганишда кинолавҳалар, юридик варақа, ишонтириш, раҳбатлантириш, бўйсундириш, кўрқитиш, “сунъий қийин ҳолат”ни яратиш сингари усуллардан фойдаланилади. Шулардан айримларининг моҳиятига қисқача тўхталамиз.

Одатда, новелла, воқеий, ҳикоя, саргузашт, очерк каби адабий асарлардан фойдаланиш ўсмирлар хатти – ҳаракатининг сабабларини ўрганишда яхши самара беради. Ўқитувчи, синф раҳбари томонидан «Тарбияси қийин» ўсмирларга тегишли асарлардан парча ўқиб берилади, сўнг уларда қандай кўзғалиш ёки таъсирланиш пайдо бўлаётганлиги кузатилади. Тажриба қоидасига биноан ўқилган парчани ўсмирларнинг саргўзашти, ажойиботлар ва ғайиботлар ўз аксини топиши шарт.

Агар усул ўзининг ижобий натижасини кўрсата олмаса, бошқа воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Навбатдаги босқичда ўқитувчи улардан ўқилган асардаги бош қаҳрамонининг ўрнида бўлганида қандай иш тутиши сўралади. Шу йўл билан ҳар бир ўсмирни қандай ҳодисалар қизиқтириши ва унда қандай салбий хатти – ҳаракат ёки иллат мавжудлиги аниқланади. Ўқитувчилар ўқувчилар билан мулоқотда ҳар бир ўсмирдан асарнинг бош образи муносабатини сўраши лозим. Чунки шахсий мулоҳазалар заминида ўсмирнинг руҳий дунёсидаги турли кечинмалар акс этади. Шу туфайли уларнинг ножўя хатти – ҳаракатлари нималар билан боғлиқ эканлиги ўқитувчига аён бўлади.

«Тарбияси қийин» ўсмирлардаги хусусиятларни ўрганишнинг яна бир йўли алоҳида – алоҳида суҳбат ўтказиш орқали уларнинг руҳий кечинмалари билан танишишдир. Суҳбат чоғида яхши ва ёмон хулқ – атвор, хатти – ҳаракатлар юзасидан кенг маълумотлар тўпланади. Мазкур жараёнда амалга

ошириладиган ҳар хил хатти – ҳаракатларни баҳолаш, уларни шарҳлаб бериш лозим. Хатти – ҳаракатни баҳолашда ўсмирга қўйилган айб ё тан олинади ёки мутлақо у инкор этилади. Бироқ ўтказилган суҳбатлар ўсмирнинг психик дунёсига шундай нозик таъсир қилиши керакки, натижада унда виждон азоби, унғайсизлик туйғуси вужудга келсин. Ўсмир шахсиятига тегадиган муомала қилиш ман этилади. Ҳамма вақт суҳбат давомида илиқ психологик иқлим, дўстона муносабат, қулай микромуҳит бўлмоғи шарт. Фақат шундагина мавжуд имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи ўсмирлар билан суҳбат орқали уларнинг келажак режалари, орзу – умидлари, интилишлари, жисмоний ва ақлий меҳнатга яроқлилигини аниқлайди.

Шундай қилиб ижтимоий маънавий муҳитимизни соғломлаштириш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини уйғунлигига эришиш бугунги куннинг маънавий-маърифий, мафкуравий-тарбиявий зарурат сифатида жамиятимиз тараққиётига қўшажак ҳиссамизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, ёшларни баркамол шахс қилиб шакллантириш умуминсоний бурчимиз эканлигини англашимизга янада аниқлик киритади.


Нормал ўсмирлар кўрсаткичлари

Ф.И.О	Мослашган лик	Мослашма ганлик	Соҳталиқ	Самимийл ик	Ўз фикрида	Ўзгаларни тинглаш	Ички назорат	Ташқи назорат	Ўстиворли к	Итоат этувчанлик	Онасини ёқтириш	Онасини ёқтирмасл ик	Отасини идеал деб билиш	Отасидан норозилиг	Оиласини севиш	Оиласидан норозилиқ
А.Б	1	-	-	1	1	0	1	1		1	1		1		1	
Д.С	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ш.А	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ч.Л	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
В.А	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Ф.Т	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
К.Л	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
О.В	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
Г.С	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
С.Р	1	-	-	1	1	1	1	1		1		1		1	1	1
П.О	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Н.Ф	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Д.Н	1	-	-	1	1	1	1	1		1	1		1		1	
Х.П	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1	1		1		1	
М.Т	1	-	-	1	1	1	1	1	1	1		1		1	1	1
Жами	15	0	0	15	15	14	15	15	5	15	13	2	13	2	15	2
Ўртача	1	0	0	1	1	1,07	1	1	0,3	1	0,9	0,1	0,7	0,1	1	0,1

«Тарбияси қийин» ўсмирларда кўрсаткичлар

Ф.О.И	Мослашганлик	Мослашмаганлик	Соҳталиқ	Самимийлик	Ўз фикрида қолиш	Ўзгаларни тинглаш	Ички назорат	Ташқи назорат	Ўстиворлик	Итоат этувчанлик	Онасини ёқтириш	Онасини ёқтирмаслик	Отасини идеал деб билиш	Отасидан норозилиқ	Оиласини севиш	Оиласидан норозилиқ
А.Д	1	0	0	1	1	1	2	2	1	2	2	0	2	0	2	0
А.И	1	1	0	1	0	1	2	3	2	2	2	0	2	0	2	0
Х.Б	1	1	0	1	0	2	2	3	1	2	2	0	2	0	2	0
К.Х	1	1	1	1	1	2	1	3	1	2	2	0	2	0	2	0
С.Д	1	0	0	1	1	1	1	1	1	2	2	1	2	0	2	1
Н.С	0	0	0	1	1	2	2	1	2	1	2	0	2	0	2	1
Н.Д	1	1	0	1	1	2	2	1	1	1	2	0	1	0	2	0
К.С	1	0	0	1	0	1	1	2	1	1	2	0	2	0	2	1
Қ.А	0	0	1	1	0	1	1	2	1	2	2	0	2	0	2	0
Ф.А	0	1	0	1	1	2	1	1	1	1	2	0	1	0	2	1
О.С	1	1	0	1	0	1	1	1	1	2	2	0	1	0	2	0
Ҳ.Б	1	0	1	1	1	2	2	1	0	1	2	1	2	0	2	0
М.З	1	0	0	1	0	2	2	2	1	1	2	0	2	0	2	0
М.Р	1	1	0	1	0	2	2	2	2	1	2	0	2	0	2	0
Н.Н	1	2	0	1	0	1	2	2	2	1	2	0	2	0	2	1
Жами	12	8	3	15	7	23	24	27	18	22	30	2	27	0	30	5
Ўртача	0,8	0,5	0,2	1	0,5	1,5	1,6	1,8	1,2	1,5	2	0,1	1,8	0	2	0,3

СИНАЛУВЧИ ГУРУҲЛАРНИНГ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ



1. Мослашганлик
2. Мослашмаганлик
3. Соҳталиқ
4. Самимийлик
5. Ўз фикрида қолиш
6. Ўзгаларни тинглаш
7. Ички назорат
8. Ташқи назорат
9. Устиворлик

10. Итоат этувчанлик
11. Онасининг ёқтириш
12. Онасини ёқтирмаслик
13. Отасини идеал деб билиш
14. Отасидан норозилик
15. Оиласини севиш
16. Оиласидан норозилик


Нормал ўсмирлар бўйича “Тугалланмаган жумлалар” методикасининг жадвал кўриниши

Ф.О.И	Отага муносабат	Ўз-ўзига муносабат	Амалга оширмайдиган имконият	Қўл остидагиларга муносабат	Келажакга муносабта	Бошликка муносабат	Қўқув	Дўстларга муносабат	Ўтмишга муносабат	Крама-қарши муносабат	Жинсий муносабат	Оилага муносабат	Хизматчиларга муносабат	Оилага муносабат	Айбдорлик ҳисси
Г.М	0	1	0	0	0	1	2	1	1	3	2	0	0	2	1
К.З	2	1	0	1	2	1	1	1	1	2	0	0	0	0	0
З.С	0	0	0	0	0	1	1	0	1	0	0	2	0	1	0
А.Г	1	3	0	2	1	1	1	1	2	1	0	0	0	0	1
Ф.О	0	3	0	0	0	1	2	0	0	2	1	0	0	0	0
М.Д	0	0	0	0	0	0	1	1	0	4	2	0	0	0	3
М.Р	1	2	1	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
А.К	0	2	0	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	2
Г.Д	0	2	0	0	0	0	0	2	2	0	0	1	0	0	0
О.Р	0	2	0	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	1	0
Т.Н	1	1	0	0	1	2	4	0	0	0	1	0	0	2	0
Н.А	0	0	0	2	0	0	0	0	1	1	0	5	0	0	0
Б.Д	1	0	0	0	2	3	0	1	0	0	0	1	0	0	0
Д.Х	0	1	2	1	0	2	0	1	0	2	1	2	0	2	1
С.Н	1	1	0	1	2	3	2	2	0	0	1	0	0	0	1
Жами	7	19	3	9	8	17	16	10	8	15	8	11	0	8	9
Ўртача	0,5	1,3	0,2	0,6	0,5	1,1	1	0,7	0,5	1	0,5	0,7	0	0,5	0,6

**«Тарбияси қийин» болаларда “Тугалланмаган жумлалар” методикасининг
тадқиқотдан кейинги натижаларнинг жадвал кўриниши.**

Ф.О.И	Отага муносабат	Ўз-ўзига муносабат	Амалга ошмайдиган имконият	Кўл остидагиларга муносабат	Келажакга муносабта	Бошлиққа муносабат	Кўқув	Дўстларга муносабат	Ўтмишга муносабат	Крама-қарши муносабат	Жинсий муносабат	Оилага муносабат	Хизматчиларга муносабат	Оилага муносабат	Айбдорлик ҳисси
А.Д	2	2	3	2	3	1	0	2	3	0	0	3	3	3	2
А.И	2	2	3	2	3	2	1	2	3	0	0	3	3	2	2
Х.Б	2	2	3	2	3	2	1	2	2	0	1	2	3	3	2
К.Х	2	2	3	2	3	2	0	3	2	0	0	3	2	2	2
С.Д	2	2	3	2	3	2	0	0	2	2	1	1	2	3	3
Н.С	2	2	3	2	3	2	0	2	2	0	0	3	1	2	2
Н.Д	3	1	3	2	3	2	1	3	2	1	0	3	3	3	3
К.С	3	2	3	2	3	2	0	2	2	0	0	2	2	3	2
Қ.А	2	2	3	2	3	2	0	3	2	0	1	2	2	3	3
Ф.А	2	2	3	3	3	2	0	2	2	0	0	3	3	3	2
О.С	2	2	3	2	3	2	0	2	2	0	0	2	2	2	3
Ҳ.Б	3	1	3	3	3	2	0	3	3	1	0	3	3	3	2
М.З	3	1	3	2	3	2	0	2	3	0	1	2	2	2	3
М.Р	2	2	3	2	3	2	1	3	3	0	0	2	3	3	2
Н.Н	2	2	3	3	3	2	0	3	3	1	0	2	2	2	3
Жами	34	37	45	33	45	30	4	18	18	4	4	37	36	39	36
Ўртача	2,3	2,5	3	2,2	3	2	0,3	1,2	1,2	0,3	0,3	2,5	2,4	2,6	2,4

Синалувчи гуруҳларнинг ўртача кўрсаткичлари: қиёсий таҳлил.



1. Отага бўлган муносабат
2. Ўз-ўзига бўлган муносабат
3. Рўёбга чиқмаган имкониятлар
4. Қўл остидагиларга бўлган муносабат
5. Келажакка бўлган муносабат
6. Бошлиққа бўлган муносабат
7. Қўрқув
8. Дўстларга муносабат

9. Ўтмишга бўлган муносабат
10. Қарама-қарши жинс вакилларига бўлган муносабат
11. Жинсий муносабатларга бўлган муносабат
12. Оилага бўлган муносабат
13. Ходимларга бўлган муносабат
14. Онага бўлган муносабат
15. Айбдорлик ҳисси

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Тарбияси оғир болалар билан ишлаш азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Бу муаммолонинг юзага келиш сабабларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, энг аввало, туғилган болани уни дунёга келтирган шахсларни кимлиги, у қандай ижтимоий муҳитда туғилиб вояга етаётганлиги, унинг атрофидаги инсонларнинг унга нисбатан муносабати, жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтларнинг тарбия дастурида «Тарбияси қийин» ўсмирлар муаммосининг амалий дастурларининг мавжудлик ҳолати, шунингдек шахсдаги ирода, инсоф, диёнат, виждон ва бурч каби ҳислатларнинг мавжудлиги тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини эътироф этиш мумкин.

Ахборотлар оқимининг шиддат билан ривожланиши, турли хил миллат маданиятларининг ҳаётимизга тезкор кириб келаётганлиги охириги пайтларда тарбияси оғир болалар билан боғлиқ муаммоларнинг тез-тез учраб туриши ва улар сонининг кескин ошиб бораётганлиги ҳаммамизга маълумдир.

Биз олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосага келдик:

«Тарбияси қийин» ўсмирлар билан мавжуд бўлаган муаммоларни бартараф этиш учун жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтлар оила, маҳалла, мактаб, дин ва маданиятнинг ўзаро ҳамкорликдаги тарбиясий қийин ўсмирларни қайта тарбиялаш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва бунда муаммони бартараф этишининг амалий ишларини собитқадамлик билан мунтазам ва узлуксиз олиб бориш ҳар бир ижтимоий институт вакилларининг асосий вазифасига айлантирилиши кечиктириб бўлмайдиган ҳолат деб ҳисобладик.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаси ва хулосаларимиз асосида қуйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

1. «Тарбияси қийин» ўсмирлар муаммосига дуч келмасликларининг олдини олиш учун ота-оналарнинг маънавий онгида оилага мунтазам эътибор туйғусини турғун ҳолатга келтириш лозим;
2. «Тарбияси қийин» ўсмирларни қайта тарбиялашда биринчи навбатда оилада соғлом муҳитни яратиш;
3. Турли тоифадаги оилалар, айниқса номақбул оилалар билан яқка тартибда иш олиб бориш;
4. “Тарбияси қийин” ўсмир шахсига бевосита педагогик таъсир ўтказиш билан бир қаторда педагоглар ва ота-оналарнинг тарбияси қийин ўсмирга нисбатан ягона педагогик позицияси бўлишига эришиш.
5. Тарбия-профилактика фаолиятида “Тарбияси қийин” ўсмирларнинг касбга йўналганлик, бўлғуси касбини танлаш ва эгаллаш билан боғлиқ ҳаётий интилишларини шакллантириш ва ривожлантириш,
6. “Тарбияси қийин” ўсмирларни жамоа ишларига жалб қилиб, вақти-вақти билан унинг жамоа олдида ҳисоб бериб туриши ҳамда жамоа томонидан унинг ютуқлари баҳоланиши;

Агар юқорида таъкидланаётган барча тавсиялар мунтазам ва тизимли амалга оширилиб борилса , биз ўйлаймизки таълим-тарбия ишлари жараёнида, умуман олганда жамиятимизда “Тарбияси қийин” ўсмир ёки бола терминини камроқ учратишга эришишимиз мумкин бўлади деган умиддамиз.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Т. ”Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил.
2. Каримов И.А “Юксак маънавият - енгилмас куч” Т. ”Маънавият” нашриёти 2008 йил.
3. Каримов И.А “Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. ”Шарқ” нашриёти. 1997 йил.
4. Каримов И.А “Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати” Т. ”Шарқ” нашриёти, 1993 йил
5. Каримов И.А “Баркамол авлод орзуси” Т.”Шарқ” нашриёти, 1999 йил.
- 6.Каримов И,А “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Т. “Ўзбекистон” нашриёти, 1997 йил.
7. Каримов И.А “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т. ”Ўзбекистон” нашриёти, 1992йил.
8. Каримов И.А “Ўзбекистон келажак буюк давлат” Т “Ўзбекистон” нашриёти, 1992 йил.
9. Каримов И.А “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т “Ўзбекистон”, 1998йил.
10. Каримов И.А “Халқимиз жипслиги - тинчлик ва тараққиёт гарови” Т. “Ўзбекистон” нашриёти.1998 йил.
11. Каримов И.А “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” //Халқ сўзи// 1998 йил 2-декабр

12. Каримов И.А “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз” //Халқ сўзи// 2000 йил 23 январь.
13. Каримов И.А “Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик” Т. “Ўзбекистон” 1993 йил.
14. Каримов И.А “Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш” Т. “Ўзбекистон” нашриёти. 2010 йил.
15. Каримов И.А “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” Т. “Ўзбекистон”, 1998 йил.
16. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси Т. “Ўзбекистон” 2003 йил.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” Т.1997йил.
19. Абдулла Авлони “Туркий гулистон –ёхуд ахлоқ” (нашрга тайёрловчи Холиқов.Л) Т. “Ўзбекистон” нашриёти 1992 йил.
- 20.Абдуллаева Қ “Фарзандим-дилбандим” Т. ”Ўқитувчи”, 1983 йил.
- 21.Асқарова Ў. ”Меҳрибонлик уйлари ўспиринларида ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари” Т. 2001 йил.
- 22.Аликулов К.И “Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга оид педагогик ёндашув моҳияти” ”Таълим мазмунини модернизациялаш босқичида илмий-педагогик кадрлар”Республика илмий-амалий конференция материаллари.Тошкент. 2006 йил.
23. Абдуғофур Собир Мирзо “Инсоннома” Тошкент, “Ғафур Ғулом” нашриёти 2007 йил.

24. Бегматов А , Курбонов М “Ижтимоий педагогиканинг долзарб масалалари ” Т. ОПИ нашри, 1998 йил.
25. Бобоев Х.Б, Саидов А.Х “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ”, “Ўзбекистон ” нашриёти.Т, 2001йил.
- 26.Иномова Н “Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси” Т. “Фан” нашриёти, 1999йил.
27. Иброҳимова Х, Абдуллаева Ш “Педагогика назарияси” Т. “Фан ва технология” нашриёти 2008йил.
28. Иномова М.О “Фарзанд ниҳол, ота-она боғбон” Т. “Ўқитувчи” нашриёти 1993 йил.
29. Каримова О.А “Оила фарзанд ва жамият” ,Т. “Ўқитувчи” нашриёти.1991йил.
- 30.Кайковус “Қобуснома” Т.”Ўқитувчи”, 1986 йил.
31. Мусурмонова О. ”Оила маънавияти-миллий ғурур” Т. “Ўқитувчи” нашриёти 1999 йил.
32. Мавлонова Р. ”Педагогика” Т, “Ўқитувчи” нашриёти 2000 йил.
33. Мадалиев И. “Инсон омили ва тараққиёт” Т, “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2006 йил.
- 34.Маҳкамов У “Ахлоқ –одоб сабоқлари ” Т. “Фан” нашриёти 1994йил
35. Маҳмудов М. Ҳ. “Комил инсон аجدодлар орзуси ”. Т, “Ўқитувчи”, 2002 йил
36. Мунавваров А. К. “Оила педагогикаси” Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 1994 йил
37. Муқимова Д “Ахлоқ ва руҳият”, “Тафаккур” журнали, 2006 йил, 2-сон

38. Обидов М. “Одоб- ахлоқ-маънавият булоғи”. Т, “Фан” нашриёти, 1999 йил
- 39.Очилов М “Ахлоқий тарбия”, Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1992 йил
40. Ортиқов М. “Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар”, Т. ЎзДЖТУ, 1995 йил.
41. Содиқов Б. “Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси”, Термиз 2003 йил
- 42.Содиқов Б “Девиант хулқ болалар психологияси”, Термиз 2010 йил
43. Тўраева О “Бола азиз , одоби ундан азиз ”, Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 1986 йил
44. Тошмуродова Қ.А “Талаба ёшлар шахсини шакллантиришнинг илмий-методик асослари” Т. ТТЙМИ, 2004 йил.
- 45.Тўраева О “Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси” Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 1998 йил.
- 46.Тўлаганова Г.К “Тарбияси қийин ўсмирлар”. Т, “Университет”, 2005 йил.
47. Ҳасанбоева О. “Оилада маънавий-ахлоқий тарбия”. Т, “Алоқачи”, 1998 йил .
- 48.Ҳасанбоева О. ”Оила педагогикаси” Т “Алоқачи”, 2007 йил.
- 49.Ҳошимов К, Нишонова С. ”Педагогика тарихи”. Т, “Ўқитувчи” нашриёти, 1996 йил
50. Ҳасанбоева О ва бошқалар “Одобнома” Т. Республика таълим маркази 1999 йил
- 51.Ҳудойкулов Х.Ж “Одоб-ахлоқ ва тарбия дурдоналари” Т. 2008 йил

52. Ҳайдаров М.Э “Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясида халқ анъаналаридан фойдаланиш” Т. “Ёзувчи” нашриёти, 1995 йил
53. Ҳайдаров М.Э “Педагогик мерос тарбия манбаидир ”бошланғич таълим журнали 1992йил 11-12 сонлар.
54. Шоумаров Ғ.Б “Оила психологияси ”, Т. “Ўқитувчи” нашриёти, 2001йил.
55. Шоумаров Ш, Шоумаров Қ “Муҳаббат ва оилавий ҳаёт” Т, “Фан”, 1999 йил.
56. Шарипова Д.Ж ,Токарева В.А “Чекмасдан ёшлик гаштини сур” ёшлар учун тарбиявий дастур, Т 1999 йил.
57. Шафиев М “Таълим муассасаларида маънавий муҳитни ташкил этиш”. Рисола, 1998 йил.
58. Эгамбердиева Н. “Ижтимоий педагог фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Бола ва замон” журнали №1,2006 йил (2), 22-бет.
59. Юсупов Э, Исмоилов Ф “Инсон баркамоллиги” Т, “Ўзбекистон” нашриёти, 1990 йил.
60. Ядгарова Г.Т “Тарбияси қийин гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш”, услубий қўлланма, Тошкент, 2007 йил.
61. Қодиров Б.О “Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари” Т. 2010 йил.
62. Қодиров Б.О “Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши” Т. “Фан” нашриёти, 1992 йил.

63. Қодиров Б.О “Педагогика” (муаммолар, баҳслар, ечимлар)
“Ўзбекистонда педагогика фанлари ўқитишнинг долзарб муаммолари”
мавзусидаги Республика илмий – назарий конференцияси маъруза матнлари.
64. Қурбонов Т. “Одобнома” Т. “Ўқитувчи”, 1995 йил .
65. Қурбонов Ш ,Сейтхалилов Э “Миллий истиқлол ғоясини
шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашишлар”Т. 2002 йил
66. Қурбонов М, Қурбонниёзова З. “Ижтимоий педагогика” маъруза матн,
Низомий номидаги ТДПУ, 2003 йил.
- 67.Ғозиев Э “Психология” Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996 йил.
68. <http://www.google.uz>
69. <http://www.tdpu.uz>
70. <http://www.uzedu.uz>
71. <http://www.istedod.uz/>
72. <http://www.pedagog.uz/>
73. <http://www.Abduqodirov.pbnet.ru/>
74. <http://www.disser.h10.ru/pedagog.html>

Иловалар

